

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



**ЮРИДИК ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ БОШҚА ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИГА  
ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН  
ХОДИМЛАРНИ БОШЛАНҒИЧ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ УЧУН  
ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент - 2023**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа “Ички ишлар органлари бошқа хизмат фаолиятига тўғридан-тўғри танлов асосида қабул қилинган ходимлар билан бошланғич касбий тайёргарлик ўқув курсининг” тасдиқланган ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:**

А.А. Абдибоситов ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант

**Такризчилар:**

ИИВ Малака ошириш институти Махсус касбий фанлар кафедраси доценти, подполковник Ж.С. Мухторов

Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими бошлиғи, подполковник Ш.М.Орзиқулов

Ўқув-услугий мажмуа Ички ишлар органлари (бошқа хизмат)га тўғридан-тўғри танлов асосида қабул қилинган ходимлар билан бошланғич касбий тайёргарлик ўқув курсида таҳсил оладиган тингловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва унинг асосий принциплари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари, жамоат тартиби ва қонунийлик, ҳуқуқий хатти-ҳаракат, ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик, жиноят учун жавобгарликнинг асослари, жиноят-просессуал қонунчилиги ва ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ҳуқуқий асослари ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва қийноққа қарши халқаро ҳужжатларнинг юридик мазмуни ва аҳамияти ёритиб берилган.

Ўқув-услугий мажмуа Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари учун мўлжалланган.

Ўқув-услугий мажмуа Малака ошириш институти Илмий кенгашининг 2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги “\_\_\_” - сонли йиғилиш муҳокамасидан ўтказилган ва маъқулланган.

УДК 355.54:351.74(07)(575.1)

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023

## МУНДАРИЖА:

<b>КИРИШ</b> .....	4
<b>Модул бўйича дарслар тақсимоти:</b> .....	6
<b>4.1-мавзу:</b> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузumi ва унинг асосий принциплари .....	7
<b>4.2-мавзу:</b> Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари .....	20
<b>4.3-мавзу:</b> Жамоат тартиби ва қонунийлик. Ҳуқуқий хатти-ҳаракат, ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик .....	30
<b>4.4-мавзу:</b> Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик .....	41
<b>4.5-мавзу:</b> Маъмурий жазо чоралари .....	52
<b>4.6-мавзу:</b> Айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....	62
<b>4.7-мавзу:</b> Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юретишни таъминлаш чоралари .....	75
<b>4.8-мавзу:</b> Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юретиш... 85	
<b>4.9-мавзу:</b> Жиноят қонуни. Жиноят тушунчаси ва белгилари.....	95
<b>4.10-мавзу.</b> Жиноят учун жавобгарликнинг асослари, жиноят таркиби тушунчаси.....	109
<b>4.11-мавзу:</b> Жиноий жазо тушунчаси, мақсади ва турлари .....	116
<b>4.12-мавзу:</b> Алоҳида турдаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик..	128
<b>4.13-мавзу:</b> Жиноят-просессуал қонунчилиги ва ўзига хос хусусиятлари .....	140
<b>4.14-мавзу:</b> Жиноят процесси иштирокчилари.....	148
<b>4.15-мавзу:</b> Процессуал мажбурлов.....	156
<b>4.16-мавзу:</b> Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти .....	166
<b>4.17-мавзу:</b> Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ҳуқуқий асослари.....	178
<b>4.18-мавзу:</b> Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва қийноққа қарши халқаро ҳужжатларнинг юридик мазмуни ва аҳамияти.....	188
<b>мавзулар юзасидан таҳминий тест саволлари</b> .....	202
<b>глоссарий</b> .....	212
<b>адабиётлар</b> .....	216

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш мақсадида ички ишлар органларига танлов асосида қабул қилинган ходимларни юридик тайёргарликдан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

**Ушбу ўқув-услубий мажмуанинг мақсади** Ички ишлар органларига танлов асосида қабул қилинган ходимларни юридик тайёргарликдан ўтказиш, малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, уларнинг касбий интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш, куч ва воситаларни самарали бошқаришнинг ҳуқуқий асосларни тушунтириш, шунингдек ходимларда (бундан буён матнда тингловчилар деб юритилади) хизмат чинакам халқпарвар Ички ишлар органи ходими сифатида шакилланишида касбий билимлар беришдан иборат.

### **Ўқув-услубий мажмуанинг асосий вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва унинг асосий принциплари тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва ҳуқуқ нормаси каби тушунчаларнинг мазмуни ва моҳиятига оид билимларни шакллантириш;

жамоат тартиби ва қонунийлик, ҳуқуқий хатти-ҳаракат, ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик тўғрисидаги билимларини такомиллаштириб бориш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик, маъмурий жазо чоралари ва уларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби тўғрисидаги билимларини шакллантириш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари, уларнинг турлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш моҳияти ва тартибига оид билимларни шакллантириш;

жиноят қонуни, жиноят тушунчаси ва белгилари, жиноят учун жавобгарликнинг асослари, жиноят таркиби тушунчасига оид билимларни шакллантириш;

жиноий жазо тушунчаси, мақсади ва турларининг мазмуни ва моҳиятини етказиш;

жиноят-просессуал қонунчилиги ва ўзига хос хусусиятлари, жиноят просесси иштирокчилари ҳамда просессуал мажбурлов чоралари тўғрисидаги ҳуқуқий билимларини шакллантириш;

фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ҳуқуқий асосларига оид билимларни мустаҳкамлаш;

инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва қийноққа қарши халқаро ҳужжатларнинг юридик мазмуни ва аҳамиятини ходимлар онгига сингдириш.

#### **Тингловчи:**

Миллий мафкура, маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримиз, миллий ва маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда мафкуравий иммунитет, шунингдек ахборот хуружи ва оммавий маданият каби омил ва жараёнларни тушунтирган ҳолада, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, унинг мавжудлигининг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унда шахснинг ҳуқуқий мақоми, инсон ҳуқуқлари, давлат органлари тизими, уларни ташкил этиш, ваколати ва фаолият шакллари, ҳуқуқбузарликлар турлари, жиноят ва жиноят процессул қонунчилиги, фуқаролик ҳуқуқига оид **билимларга** эга бўлиши керак;

#### **Тингловчи:**

ИИО фаолиятига тааллуқли ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш, транспорт воситаларини ушлаб туриш, кўрикдан ўтказиш ва расмийлаштириш, транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш ва расмийлаштириш каби **кўникмаларга** эга бўлиши зарур;

#### **Тингловчи:**

Фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг таркиби ва таснифлаш меъзонлари, жиноят қонунини қўллаш, жиноятларни бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи(зарурий мудофаа, охирги зарурат, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ва х.к.) ҳолатларни ажратиш, процессуал ҳужжатларни тузиш каби малакаларини эгаллаши лозим.

#### **Тингловчиларда:**

Юридик тайёргарлик модули бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини касбий, шахсий ва ижтимоий фаолиятларда амалий қўллаш олиш **компетенцияларини** шакллантириш лозим.

## Модул бўйича дарслар тақсимоти:

Т/р	Блок ва модуллар номи	Ўқув юкلامаси (соатларда)					
		Умумий юклама хажми	Аудитория соати	Маъруза	Семинар	Мустақил таълим	Назорат
<b>Ҳуқуқий тайёргарлик – ўқув модули</b>		<b>118</b>	<b>64</b>	36	28	<b>48</b>	<b>6</b>
1.	Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва унинг асосий принциплари	4	2	2	-	2	-
2.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари	8	4	2	2	4	-
3.	Жамоат тартиби ва қонунийлик. Ҳуқуқий хатти-ҳаракат, ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик	6	4	2	2	2	-
4.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик	8	4	2	2	4	-
5.	Маъмурий жазо чоралари ва уларни қўллаш асослари	6	4	2	2	2	-
6.	Айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик ( <i>МЖтКнинг 40-54, 61, 180-181, 183, 187, 194-195 моддалари</i> )	8	4	2	2	4	-
7.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари	6	4	2	2	2	-
8.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш	6	4	2	2	2	-
<b>Оралик назорат</b>		<b>2</b>					<b>2</b>
9.	Жиноят қонуни, жиноят тушунчаси ва белгилари	8	4	2	2	4	-
10.	Жиноят учун жавобгарликнинг асослари, жиноят таркиби тушунчаси	6	4	2	2	2	-
11.	Жиноий жазо тушунчаси, мақсади ва турлари	6	4	2	2	2	-
12.	Алоҳида турдаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ( <i>ЖКнинг 97-111, 164-169, 205-212 моддалари</i> )	8	4	2	2	4	-
13.	Жиноят-просессуал қонунчилиги ва ўзига хос хусусиятлари	8	4	2	2	4	-
14.	Жиноят просесси иштирокчилари	4	2	2	-	2	-
15.	Просессуал мажбурлов	6	4	2	2	2	-
16.	Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти	4	2	2	-	2	-
17.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ҳуқуқий асослари	6	4	2	2	2	-
18.	Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва қийноққа қарши халқаро ҳужжатларнинг юридик мазмуни ва аҳамияти	4	2	2	-	2	-
<b>Якуний назорат</b>		<b>4</b>					<b>4</b>

## 4.1-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Маъруза машғулоти (2 соат)

### Машғулот режаси:

**1-ўқув саволи.** Конституциявий тузум ва унинг элементлари.

**2-ўқув саволи.** Давлат суверенитети. Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатидаги давлат-ҳуқуқий белгилари.

**3-ўқув саволи.** Давлат ҳокимияти органлари тизими ва турлари.

### 1-ўқув саволи. Конституциявий тузум ва унинг элементлари

Давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир биз тасаввур этадиган конституцияларнинг пайдо бўлганига ҳали унча кўп вақт бўлган эмас. Баъзи манбаларда дастлабки конституция сифатида 1787 йили Филадельфияда қабул қилинган АҚШ конституцияси тилга олинади. Аслида ундан олдин қабул қилинган конституциялар ҳам бор. Бу дунёдаги энг кичик давлатлардан бири.



**«Конституциявий тузум»** – инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари тан олинadиган ва кафолатланадиган, давлат эса ҳуқуққа ва аввало, демократик Конституцияга бўйсунadиган ҳокимиятни ташкил этилиш усулини мустаҳкамловчи ҳуқуқий муносабатлар тизими. Оддий тил билан айтганда давлат ҳокимиятининг Конституция нормалари билан тартибга солиниши назарда тутилади. Энг асосий бош қонун Конституция демақдир.

«Конституциявий тузум» тушунчаси икки асосий белгига эга:


**Биринчидан;** бу давлатнинг ташкил этилиш усули: бир давлатни бошқасидан ажратиб турувчи белгилар (давлат тузуми, бошқарув шакли, сиёсий тартиби ва бошқ.) йиғиндиси;

**Иккинчидан;** бу давлатни ташкил қилишнинг шундай усулидирки, бунда давлат унинг фаолиятини ҳуқуқий чекловлар билан тартибга солиш орқали инсон манфаатларига, унинг табиий ҳуқуқ ва эркинликларига бўйсундирилади ва у ана шу чегаралардан чиқа олмайди. Бундай чекловни қонунлаштиришда конституция муҳим ўрин тутди.

Конституциявий тузум давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг шундай шакли ё усулидирки, бунда давлат идораларининг, мансабдор шахсларнинг ҳуқуққа, қонунга қатъий итоат этиши таъминланиб, давлат ўз моҳиятига кўра конституциявий давлат сифатида намоён бўлади. Давлатнинг фаолияти Конституция билан, ҳуқуқий талаблар билан меъёрланиши, чегараланиши, аввало унинг нормал, демократик мазмунда амал қилишини таъминлайди.

Қолаверса, фуқаролик жамияти мавжуд бўлиши ва фаолият юритиши учун шарт-шароит яратади.

Конституциявий тузум бутун ҳуқуқ нормалари тизими, турли ҳуқуқ тармоқлари билан мустаҳкамланади. Конституциявий ҳуқуқ конституциявий тузум асосларини, яъни давлат қурилишининг асосий принципларини, унинг инсон ва жамият билан ўзаро муносабатларини, давлатнинг биргаликда батартиб ва нисбатан яхлит тизим ҳосил қилувчи ҳамда ҳуқуқнинг қолган барча норматив қоидаларида акс этувчи муҳим хусусиятларини тартибга солади. Ўзбекистон Конституциясида конституциявий тузум асосларига бағишланган боб ва моддалар мавжуд (I бўлимнинг I – IV боблари).



Асосий қонуннинг конституциявий тузум асосларини белгилаб берувчи қоидалари Ўзбекистон ҳуқуқий нормалари ичида энг олий юридик кучга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бирорта қоидаси (демак, бошқа ҳужжатларнинг қоидалари ҳам) конституциявий тузум асосларига зид бўлмаслиги керак. Конституциявий тузум асослари ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзагидир ва ўз мазмунига кўра юқори даражадаги барқарорликка эга бўлиши керак.

Конституциявий тузум асосларини конституциявий ҳуқуқнинг ўрганиш предметини ташкил этади. Конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаи 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Асосий қонуннинг нормалари миллий ҳуқуқ нормалари ичида энг олий юридик кучга эгадир.

Конституциявий тузум – инсоният ижтимоий турмушининг буюк галабаси, умум эътироф этган ҳаёт шакли ҳисобланади. Уни заифлаштиришга, унинг барқарорлигига путур етказишга, конституциявий тузилмалар обрўсини тўкишга қаратилган ҳар қандай уриниш ҳуқуқий давлат руҳи ва моҳиятига зид келади. Конституция мавжуд тузумга қарши қаратилган ҳаракатларга йўл қўймайди.

Конституциявий тузум элементларини амалдаги Конституция ва у асосида қабул қилинган қонунларга кўра фаолият кўрсатувчи идоралар, институтлар ва тартиблар ташкил этади. Шу нуқтаи назардан конституциявий тузум элементлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ҳамда уларнинг тегишли марказий ва маҳаллий органлари.



Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 57-модда). Мамлакатимизда ўрнатилган конституциявий тузумга тажовуз қилиш жиноий



жавобгарликка сабаб бўлади. Жумладан, Жиноят кодексининг 159-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очикдан-очик

даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этилган бўлса, — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш — ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар берган шахс, башарти, кўрилган чоралар натижасида фитнанинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида конституциявий тузумнинг асосий принциплари мустақамланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, демократизм, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, ташқи сиёсат принциплари.

Конституциявий тузумнинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг суверен демократик давлат эканлиги, унинг моҳияти, ички ва ташқи ишларда мустақиллиги, давлат ҳокимиятининг устунлиги, хорижий давлатлар билан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалар асосида иш олиб боришга қодирлигида намоён бўлади.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви демократик принципларга асосланиб, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ эканлиги, шу сабабли бутун ҳокимият халққа тегишлилигини англатади. Ушбу асосий принциплар ҳуқуқий тизимнинг тузилишини, Конституция ва қонунлар олий юридик кучга эга эканлигини кўрсатади ҳамда давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришларини, бирон-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат унинг нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслигини белгилаб беради.



Шунингдек, мазкур принциплар сирасига ташқи сиёсат принциплари ҳам киради. Конституциянинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти ҳисобланади. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ҳамда нормаларига асосланади.

Мазкур принциплар Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосини ташкил этади. Конституциянинг бошқа бўлимидаги ҳуқуқий нормалар конституциявий тузум принципларига зид бўлмаслиги лозим.

## 2-ўқув саволи. Давлат суверенитети. Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатидаги давлат-ҳуқуқий белгилари



«Суверенитет» французча сўз бўлиб, давлатнинг ташқи ишларда мустақиллиги ва ички ишларда устунлигини билдиради. «Суверенитет» атамасининг ўзагини ташкил этувчи «суверен» сўзи эса, «олий ҳокимият соҳиби» деган маънони англатади. У давлат ҳокимиятининг алоҳида хусусияти ҳамда давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида «Ўзбекистон – суверен демократик республика» эканлиги мустаҳкамланган.

«Суверенитет» атамаси субъектга кўра қўлланади. Уларнинг бир-биридан фарқли томонлари эса субъектларнинг мақомида намоён бўлади. Суверенлик қонунга асосан берилади ва чекланади. Шу сабабли давлат суверен бўлишига қарамай чексиз ҳокимиятдан фойдалана олади, деб айтиш мумкин эмас. Давлат ўз ҳокимиятини қонуний ваколатлар доирасида амалга оширади ва унинг чегарасидан чиқиб кета олмайди. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ва уларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Суверен ҳисобланган давлат, миллат ва халқ ўз суверенитетининг амал қилиши ёки ундан фойдаланиш учун муайян фаолият, соҳа ёки маконда бошқа сиёсий-ҳуқуқий субъект (институт)лардан устунлиги жиҳатидан фарқ қилувчи ваколатларга эга бўлади. Масалан, суверен давлат ўз ҳудудида сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ижтимоий ҳаракатлардан мустақил ҳолда умумий бошқарувни амалга оширади ва халқаро муносабатларда бевосита ташқи алоқаларни олиб боради.

Ҳуқуқшунослик ва сиёсатшуносликда суверенитет давлат, миллат, халқ суверенитети сингари турларга ажратилади. Давлат суверенитети деганда, жамиятда давлат ҳокимиятининг устуворлиги ва унинг мамлакат ичкариси ҳамда халқаро майдонда бошқа (мамлакат ичкарисида давлат сиёсий тизимининг бошқа субъектлари, халқаро майдонда эса давлат, халқ ва халқаро ташкилот)ларга нисбатан тўла мустақиллиги тушунилади. Шу ўринда суверенитет давлат ҳокимиятининг алоҳида хусусияти ва давлатнинг муҳим белгиси ҳам ҳисобланади.

«Халқ суверенитети» тушунчаси халқнинг ўз манфаатлари йўлида ўз ҳокимиятини ўзи тегишли конституциявий механизм (шакл, усул, принцип, қоида)лар орқали мустақил ҳолда амалга оширишини англатади. Халқ ўзининг тўла ҳокимиятини ҳеч бир ижтимоий субъект билан



бўлишмаган ҳолда жамият ижтимоий соҳаларининг тўла ҳуқуқли субъекти ҳисобланади.

Давлатнинг суверенитет соҳиби сифатидаги давлат-ҳуқуқий белгилари – унинг умумий ҳуқуқий мақомини ифодаловчи жиҳатларидир. У ўз ичига маълум қоидаларни қамраб олса-да, умумий ташқи белгиларнинг муштараклигини англатади. Шунингдек, суверен давлат белгилари алоҳида белгилар йиғиндиси бўлиб қолмасдан, давлат белгиларини мустаҳкамлайди. Жумладан, мамлакат ҳудудининг яхлитлиги давлат суверенитетининг муҳим белгиси ҳисобланади.

Ҳар бир давлатнинг суверен давлат эканлиги, аввало, унинг конституцияси (конституциявий қонунлари)да белгилаб қўйилади. 1990 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларацияси ҳам суверен давлат сифатида тавсифлайдиган белгиларга эга. Жумладан, унда қуйидаги қоидалар белгилаб қўйилган:

«Ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиршини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда, Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилади».

Мазкур декларация Ўзбекистон Республикаси суверенитетининг сиёсий-ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаб берган бўлиб, давлат ва жамият ишларини ҳал этишда халққа тўла ҳуқуқ беради ҳамда Конституция ва қонунларнинг мамлакат ҳудудида устунлигини белгилайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат эканлиги 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда ҳам мустаҳкамланган. «Мустақиллик декларацияси» ва «Ўзбекистон Республикаси нинг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг асосий ғояси ва қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган. Давлатнинг суверенитети унинг фаолиятида, жумладан барча ҳуқуқий муносабатларни, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгилаши каби белгиларида намоён бўлади.

Давлатнинг бутун ҳудудида унинг олий органи томонидан чиқарилган Конституция ва қонунлар устунлиги давлат суверенитетини билдирувчи асосий белгидир.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти ҳисобланади ва бошқа давлатлар

билан бевосита муносабатлар олиб боради. Конституцияда Ўзбекистоннинг суверен давлат эканлиги қонуний тарзда мустаҳкамлаб қўйилган.

Давлатнинг суверенитет соҳиби сифатидаги давлат-ҳуқуқий белгилари – унинг умумий ҳуқуқий мақомини ифодаловчи жиҳатларидир. У ўз ичига маълум қоидаларни қамраб олса-да, умумий ташқи белгиларнинг муштараклигини англатади. Шунингдек, суверен давлат белгилари алоҳида белгилар йиғиндиси бўлиб қолмасдан, давлат белгиларини мустаҳкамлайди. Жумладан, мамлакат ҳудудининг яхлитлиги давлат суверенитетининг муҳим белгиси ҳисобланади.

Ҳар бир давлатнинг суверен давлат эканлиги, аввало, унинг конституцияси (конституциявий қонунлари)да белгилаб қўйилади. 1990 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларацияси ҳам суверен давлат сифатида тавсифлайдиган белгиларга эга. Жумладан, унда қуйидаги қоидалар белгилаб қўйилган:

«Ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда, Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий кадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилади».

Мазкур декларация Ўзбекистон Республикаси суверенитетининг сиёсий-ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаб берган бўлиб, давлат ва жамият ишларини ҳал этишда халққа тўла ҳуқуқ беради ҳамда Конституция ва қонунларнинг мамлакат ҳудудида устунлигини белгилайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат эканлиги 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда ҳам мустаҳкамланган. «Мустақиллик декларацияси» ва «Ўзбекистон Республикаси нинг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг асосий ғояси ва қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган. Давлатнинг суверенитети унинг фаолиятида, жумладан барча ҳуқуқий муносабатларни, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгилаши каби белгиларида намоён бўлади.

Давлатнинг бутун ҳудудида унинг олий органи томонидан чиқарилган Конституция ва қонунлар устунлиги давлат суверенитетини билдирувчи асосий белгидир.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти ҳисобланади ва бошқа давлатлар

билан бевосита муносабатлар олиб боради. Конституцияда Ўзбекистоннинг суверен давлат эканлиги қонуний тарзда мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган ўз рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга. Давлат рамзлари унинг шон-шарафи, ғурури, босиб ўтган йўли, тарихий хотираси, орзу-умидлари, интилишлари, иқлими, географик ва демографик тузилиши, куч-қудрати, ёши ва бошқа белгиларни акс эттирувчи тимсоллардир. Давлат рамзлари уни айниқса ташқи муносабатларда мустақил субъект сифатида ажратиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган қонун билан тасдиқланган. Ўзбекистон давлат байроғи ўзида минг йиллик анъаналарни мужассам этган. Ушбу қонуннинг 2-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи республика давлат суверенитетининг рамзидир, деб кўрсатилган.



Ўзбекистоннинг Давлат герби 1992 йил 2 июлда республика Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида қабул қилинган қонун билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби республика давлат мустақиллигининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган қонун билан тасдиқланган. Давлат мадҳиясининг матнини Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ёзган, муסיқасини эса таниқли санъат арбоби Мутал Бурҳонов басталаган.

Давлат белгилари, рамзларидан ташқари унинг пойтахти ҳам Конституцияда мустаҳкамланган. Ҳозирда ҳар бир давлат ўз пойтахтига эга. Пойтахтга хос белгилар қуйидагилардан иборат: унда давлат бошлиғининг қароргоҳи, давлат ва нодавлат органлар марказий идоралари жойлашади, муҳим сиёсий, маданий-иқтисодий тадбирлар амалга оширилади, шунингдек чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда консулхоналар жойлашади. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳри ҳисобланади. Тарихан бу шаҳар Чош, Шош, Тошкент номлари билан муҳим сиёсий-ҳарбий марказ сифатида фаолият кўрсатиб келган.

### **3-ўқув саволи. Давлат ҳокимияти органлари тизими ва турлари**

Давлат ҳокимияти органи давлат механизмининг бирламчи элементиدير. Давлат ҳокимият органи ҳокимият ваколатига эга бўлиб, давлат функцияларини бажаришда бевосита қонун билан берилган ваколатлар доирасида иштирок этадиган, белгиланган махсус тартибда ташкил этиладиган давлат ҳокимияти органлари тизимининг ажралмас қисмиدير. Ўз фаолиятини амалга оширишда муайян мустақилликка ва ҳокимият ваколатига эгаллиги, унда давлат хизматчиларининг фаолият кўрсатиши унинг асосий белгиларини ташкил этади.

Конституциянинг асосий вазифаларидан бири давлат ҳокимиятини таъсис этишдир. Айнан Конституция воситасида давлат органларининг маълум тизими вужудга келтирилади (қонуний мустаҳкамланади).

Ҳар қандай давлат фаолияти унинг органлари тизими орқали амалга оширилади.

Давлат органлари учун қуйидаги белгилар хос:

1) давлат органини тузиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби, ваколатлари, ички тузилишини давлат ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамлаб қўяди;

2) давлат органи ҳокимият ваколатларига эга. Давлатнинг ҳокимият ваколати қуйидагиларда ифодаланади, яъни, биринчидан, давлат органига унинг ваколатига кирадиган га барча фуқаролар ва юридик шахслар бажариши шарт бўлган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган; иккинчидан, давлат органи ўзининг моддий базасига (давлат бюджети маблағига) таянган ҳолда қабул қилинган қарорларнинг ижро этилишини таъминлайди; учинчидан, давлат органи қабул қилинган қарорларни турли усуллар ва чора-тадбирлар – ишонтириш, рағбатлантириш, давлат мажбурловини қўллаш йўли билан амалга ошириш чораларини кўради;

3) давлат органи давлат унинг зиммасига юклатган вазифалар ва функцияларни амалга оширади;

4) давлат органи давлат ҳокимияти органлари тизимининг алоҳида ташкилий қисми ҳисобланади.

Давлат органи – давлат ҳокимияти органлари тизимининг давлат томонидан юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун давлат-ҳокимият ваколатлари ва зарур моддий воситалар берилган, юридик жиҳатдан расмийлашган, махсус ташкил этилган, давлатда ўрнатилган тартибда амал қиладиган қисми.

**Давлат ҳокимияти органлари тизими, турлари ва таснифи.** Давлат ҳокимияти органлари ўзининг яхлит иерархик тизимига эга. Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг бўлиниши назариясига мувофиқ, давлат ҳокимияти учта ҳокимият: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади. Ушбу органлар ташкил этиш тартиби ва амалга ошириши лозим бўлган функциялари билан бирбиридан фарқ қилади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-м.), Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди (89-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади (98-модда).

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонун (2002 йил 12 декабрь), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонун (2002 йил 12 декабрь), «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун (2003 йил 24 апрель), «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунлар давлат ҳокимият органларини ташкил этиш, фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси икки палата – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ваколат муддати беш йил (76-м.).

Қонунчилик палатаси доимий асосда фаолият кўрсатади. Конституциянинг 77-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини шакллантириш тартиби белгиланган. Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган 150 нафар депутатдан иборат. Бунда 135 депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланади. Ўн бешта депутатлик ўрни ўз сафига кенг жамоатчиликни, мутахассислар, олимлар, шунингдек, шу соҳада фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларни бирлаштирган оммавий жамоат ташкилоти – Ўзбекистон экологик ҳаракатига ажратилган .

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади. У 100 нафар Сенат аъзо (сенатор)ларидан ташкил топади. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади.



Ижро этувчи ҳокимият – Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва ҳокимликлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон



Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат кўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.



Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий вакиллик органларининг икки бўғинли тизими мустақамланган ва бу маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунда ўз ифодасини топди. Конституциянинг 99-моддасига кўра, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунувчи шаҳарлар, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган Халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик органларининг икки бўғинли тизими, яъни туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашлари – қуйи бўғин; вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари – юқори бўғин амал қилади.

Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва фаолият юритишининг қонуний асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги (2000 йил 14 декабрь таҳрири) қонуни билан белгиланади.

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди;

2) Ўзбекистон Республикасининг Олий суди;

3) Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди;

4) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари;

5) фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари;

6) ҳарбий судлар;

7) Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари.



## Мустақил тайёргарлик учун топширик

1. Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатидаги давлат-хукукий белгилари консектлаштиринг.
2. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларига оид билимларни тегишли тарқатмалардан фойдаланиб мустаҳкамлаш.
3. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ва уларнинг ўзаро муносабатларининг конституциявий асосларини ўқиб ўрганиш.
4. Давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ва вазифаларини консектлаштириш.

### Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Блиц-сўров”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Блиц-сўров” (инглизча “блиц” - тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.



Т/р	Саволлар	Жавоблар
1.	Конституция сўзининг маъноси?	Ўрнатиш, тузулиш
2.	Ўз.Рес. Конституцияси қачон қабул қилинган?	1992 йил 8 декабрь
3.	Ўз.Рес. Конституцияси тузилиши қандай?	Муқаддима, 6 бўлим, 26 боб, 128 та моддадан иборат
4.	Конституцияда конституциявий тузум асосларига бағишланган боб ва моддалар?	И бўлимнинг И – ИВ боблари, 1-17-моддалари
5.	Конституциявий тузум элементлари?	қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ҳамда уларнинг тегишли марказий ва маҳаллий органлари
6.	Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни тақиқловчи Конституциянинг моддаси?	57-модда
7.	Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга қарши Жиноят кодексдаги норма?	159-модда
8.	Суверенитет сўзи қайси тилдан олинган?	Франсуз тилидан

9.	Суверен сўзининг маъноси?	олий ҳокимият соҳиби
10.	Суверенитет сўзининг маъноси?	давлатнинг ташқи ишларда мустақиллиги ва ички ишларда устунлиги
11.	«Ўзбекистон – суверен демократик республика» конституциянинг қайси моддаси?	1-модда
12.	Ҳуқуқшунослик ва сиёсатшуносликда суверенитет турлари?	давлат, миллат, халқ суверенитети
13.	Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларацияси?	1990 йил 20 июн
14.	«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун?	1991 йил 31 август
15.	Давлат суверенитетини билдирувчи асосий белги?	Давлатнинг бутун ҳудудида унинг олий органи томонидан чиқарилган Конституция ва қонунлар устунлиги
16.	Давлат рамзлари?	байроқ, герб ва мадҳия
17.	Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг бўлиниши?	қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти
18.	Қонун чиқарувчи ҳокимият	Олий мажлис
19.	Ижро этувчи ҳокимият	Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва ҳокимликлар

**Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган холда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганди гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



**Назорат учун саволлар:**

1. Конституциявий тузум тушунчаси ва белгилари.
2. Конституциявий тузумнинг асосий элементлари.
3. Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатидаги белгилари.
4. Олий мажлис тузилиши.
5. Олий мажлис, президент ҳамда вазирлар маҳкамасининг ваколатлари.

## 4.2-МАВЗУ: НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

Маъруза машғулоти (2 соат)

### Машғулот режаси:

**1-ўқув саволи.** Ҳуқуқ нормаси тушунчаси ва тузилиши.

**2-ўқув саволи.** 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682 сонли Қонуннинг мазмун ва моҳияти.

**3-ўқув саволи.** Ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

### 1-ўқув саволи. Ҳуқуқ нормаси тушунчаси ва тузилиши

Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий тизимнинг барча элементлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат ва ҳуқуқ назариясининг фундаментал категорияларидан бири ҳисобланади. Бир томондан, у ҳуқуқ ижодкорлиги, шу жумладан қонунчилик жараёнининг маҳсули бўлса, иккинчи томондан, у ҳуқуқни қўллаш жараёни орқали амалга оширилиб, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш воситасига айланади. Ҳуқуқ нормалари йиғиндиси жамият ҳуқуқий тизимининг норматив асосини, яъни ўзагини ташкил қилади. Жамиятда қарор топадиган янги муносабатлар уларни тартибга солишга қаратилган тегишли ҳуқуқ нормаларини яратилишига тўртки беради. “Норма” сўзи латинчадан олинган бўлиб, “қоида”, “намуна” деган маъноларни англатади.



**Ҳуқуқ нормаси** – давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулладиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий ҳуқуқатвор қоидаси.

Ҳуқуқ тизимининг барча элементлари (норма, институт, соҳа) ҳуқуқ нормаси билан чамбарчас боғлиқликда мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий тизимнинг асосини, бошланғич ҳужайрасини ташкил этади.

Шу сабабли унда, авваламбор, ҳуқуқ мазмунининг асосий хусусиятлари ифодаланadi. Ҳуқуқ нормалари ижтимоий нормалар сифатида кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги ҳуқ-атвор нормалари жумласига киради.

### Ҳуқуқ нормасининг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

**1.** Иродавийлик – Жамиятдаги маълум бир муаммо ва характерга эгаллиги. Унда жамиятнинг давлат иродаси, манфаати, мақсади акс этади. Мазкур ирода ижтимоий воқеликнинг ижтимоий-иқтисодий, миллий, маънавий, табиий ва бошқа шартшароитлар билан бевосита боғлиқ бўлади.

**2.** Нормативлиги. Ҳуқуқ нормасининг нормативлиги жамият ривожланишининг муайян даврида типик ва барқарор ҳолатда бўлган ҳамда

Ўзининг такрорийлиги ва умумийлиги билан тавсифланадиган кишиларнинг муносабатлари ва ҳаракатларини тартибга солишида намоён бўлади.

**3.** Давлат билан ўзаро боғлиқлиги. Ҳуқуқ нормалари давлат томонидан ўрнатилади, маъқулланади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Ўз навбатида, давлатнинг жамият ҳаётининг турли йўналишларидаги фаолияти ҳуқуқ нормалари билан чегараланади ва тартибга солинади. Ҳуқуқ нормаларининг бажарилиши давлат томонидан таъминланади.

**4.** Умуммажбурийлиги. Бу шуни англатадики, ҳуқуқ нормалари барча ҳуқуқ субъектларига қаратилган бўлади ва ушбу нормалар улар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

**5.** Расмий ва шаклан аниқликка эгаллиги. Ҳуқуқ нормаси умумижтимоий ирода сифатида давлат томонидан ўрнатилган расмий юридик ҳужжатлар шаклида (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив шартнома ва бошқалар) ифодаланади. Шунингдек, бошқа ижтимоий нормалардан фарқли равишда ҳуқуқ нормалари акс этган нормативҳуқуқий ҳужжатлар муайян реквизитларга эга бўлади (қабул қилинган вақти, жойи, рўйхат рақами, номи ва бошқалар).

**6.** Тизимлилиги. Тизим сўзи юнонча “сйстеме” терминидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “яхлит”, “қисмлардан иборат” деган маъноларни билдиради. Мазкур белги ҳуқуқ нормасининг муайян таркибий қисмларнинг мантиқий, изчил ва мутаносибликда эканлигини англатади.

Ҳуқуқ нормаси кичик тизимлардан, яъни ўзаро боғлиқ элементлардан иборат бўлади. Уларнинг бўлиниши юзасидан турли хил қарашлар мавжуд бўлишига қарамасдан, барча ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳуқуқ норма элементлари 3 та (гипотеза, диспозиция ва санкция) эканлиги яқдил қабул қилинади. Ҳуқуқ нормасининг таркибий элементлари ўртасида ўзаро юридик-мантиқий боғланиш, юридиктехника қоидаларига асосланган ҳолда ифодаланиш, мантиқий изчиллик ҳамда тизимлилиқ мавжуд. Қолаверса, у ҳуқуқий жиҳатдан умумий мазмун асосида бир бутунликни, яхлитликни ҳосил қилади. Бироқ улар айрим ҳуқуқ соҳаларида ҳуқуқ нормасининг элементлари сифатида тўлиқ ҳолатда, биргалиқда учрамайди (Конституциянинг таъсис этувчи нормаларида диспозиция шаклида). Бундай ҳолатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тегишли моддалари моҳиятини англаб етиш ҳуқуқнинг ички тузилиши билан боғлиқ назарий қоидалар асосида ижобий ҳал этилиши мумкин.



**Гипотеза** - ҳуқуқ нормаси татибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг номлари, белгиларини кўрсатувчи қисми.

Шунингдек, гипотеза ҳуқуқ нормасининг ҳаракатини, амал қилиш шартини кўрсатувчи (вақт, жой, субъект ва бошқалар) юридик фактларни ифода этувчи таркибий қисм сифатида ҳам эътироф этилади.

Ҳуқуқ нормаларининг амал қилиши билан боғлиқ бўлган битта шарт-шароит акс этган гипотеза **оддий гипотеза** ҳисобланади.

**Мураккаб гипотезада** эса ҳуқуқ нормасининг амал қилиши икки ёки ундан ортиқ ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ эканлиги кўрсатилади.

**Альтернатив (муқобил) гипотеза** эса ҳуқуқ нормаларининг амал қилиши санаб ўтилган шарт-шароитлардан бирига боғлиқ эканлигини баён этади.



**Диспозиция** ҳуқуқ нормасининг бир қисми бўлиб, унда гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ҳуқуқ субъектлари роя этишлари лозим бўлган хатти-ҳаракат қоидаси (ҳуқуқ ва мажбуриятлари) ифодаланган бўлади.

Оддий диспозиция хулқ-атвор, юриш-туришнинг конкрет вариантини, унинг мазмунини тўла очиб бермаган ҳолда кўрсатиб ўтади.

Мураккаб диспозиция ҳуқуқий муносабат субъектининг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларининг кенг доирасини ўз ичига қамраб олади, яъни бунда ҳуқуқ субъектининг ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари санаб ўтилади.

Муқобил диспозицияда хулқ-атвор, юриш-туришнинг бир нечта вариантлари кўрсатиб ўтилади ва муносабат иштирокчилари улардан бирига амал қилишлари мумкин ёки шарт.

Тавсифловчи диспозиция – ҳуқуқ субъектларининг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлари ҳамда хатти-ҳаракатларининг тўлиқ баёнини ифода этилади.

Бланкет диспозиция ҳуқуқ нормасида кўрсатилган ҳуқуқ субъектларининг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларининг мазмунини аниқлаш учун бошқа ҳужжатларнинг нормаларида белгиланган тегишли қоидаларга ҳавола қилади.

Ҳавола этувчи диспозиция деганда қўлланаётган ҳуқуқ нормаси мансуб бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бошқа нормасига ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мурожаат этишни назарда тутувчи диспозиция ҳавола этувчи диспозиция сифатида тушунилади.

Санкция ҳуқуқ нормасининг мантиқий-яқунловчи қисми ҳисобланади. Санкция луғавий жиҳатдан “қатъий қарор” деган маънони билдириб, лотин тилидаги “санктио” ва инглиз тилидаги “санкцион” сўзларидан олинган.



**Санкция** – диспозицияда кўрсатилган талабларни бажармаганлик учун берилиши мумкин бўлган таъсир чораси ёки тавсия этилган ҳаракатни содир этганлик учун рағбатлантиришнинг тури ва ўлчови ҳисобланади.

Санкцияларда ифодаланган салбий оқибатларнинг аниқлигига қараб мутлақ аниқ, нисбатан аниқ ва кумулятив санкцияли нормалар ажратилади. Мутлақ аниқ санкцияли ҳуқуқ нормаларида давлатнинг аниқ битта мажбурлов чораси кўрсатилади.

Нисбатан аниқ санкцияли ҳуқуқ нормалари эса турли хил жазо турларидан бирини ёки ҳуқуқий таъсир чораларидан бирини қўллашни назарда туттади.

Кумулятив санкцияли ҳуқуқ нормалари ўзида асосий жазодан ташқари қўшимча жазо берилишини ҳам назарда туттади.

## **2-ўқув саволи. 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682 сонли қонуннинг мазмун ва моҳияти**

Ҳуқуқ нормаси юридик фан, хусусан, давлат ва ҳуқуқ назариясининг фундаментал категорияларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий тизимнинг барча элементлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир томондан, у ҳуқуқ ижодкорлиги, шу жумладан қонунчилик жараёнининг маҳсули бўлса, иккинчи томондан, у ҳуқуқни қўллаш жараёни орқали амалга оширилиб, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш воситасига айланади, шунингдек ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий муносабатларнинг андозаси, модели

сифатида майдонга чиқади. Ҳуқуқ нормалари йиғиндиси жамият ҳуқуқий тизимининг норматив асосини, яъни ўзагини ташкил қилади.



**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат** - қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

Фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда ўтказиладиган референдум йўли билан ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда иштирок этиши мумкин бўлиб қонун билан

тартибга солинади.

#### **Қонуннинг асосий принциплари:**

- конституциявийлик;
- қонунийлик;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг устуворлиги;
- ошкоралик;
- илмийлик;
- ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тизимлилиги ва комплекслилиги;
- ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг барқарорлиги.

**Қонунга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйдаги турларга бўлинади.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
6. вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;
7. маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатлари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари эса қонуности ҳужжатларидир ва улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси



ва қонунларининг сўзсиз устуворлиги тан олган ҳолда Республиканинг бутун худудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид бўлиши мумкин эмас.

### **3-ўқув саволи. Ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати бутун ҳужжат ёки унинг бир қисми учун белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёхуд унинг бир қисми қайси муддатга ёки қандай ҳодиса юз бергунига қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши керак бўлиб, қабул қилган орган белгиланган муддат тугагунига қадар ёки ҳодиса юз бергунига қадар ҳужжатнинг ёки унинг бир қисмининг амал қилишини янги муддатга, бошқа ҳодиса юз бергунига қадар узайтир иш тўғрисида ёхуд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунчиликка, ўтказилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларига, жамиятдаги барқарор ҳуқуқий муносабатларга мувофиқ бўлган тақдирда норматив-ҳуқуқий ҳужжатга (унинг қисмига) муддатсиз тус бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин бўлиб ҳужжатнинг ёки унинг бир қисмининг амал қилиши уни қабул қилган орган ёхуд унинг юқори турувчи органи томонидан муайян муддатга ёки муайян ҳодиса юз бергунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин ёки унинг бир қисми қуйидаги ҳолларда ўзининг амал қилишини тугатади:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми қайси муддат ёки ҳодиса юз бериши учун мўлжалланган бўлса, ўша муддат тугаганида ёки ҳодиса юз берганида;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас ёхуд ҳақиқий эмас деб топилганда;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми ўз кучини йўқотган деб топилганда;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми бекор қилинганда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фавқулодда ҳолат жорий этилган худудда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар буйруқлари ва қарорларининг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг амал қилишини ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонига зид бўлган тақдирда, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддатида тўхтатиб туришга ҳақлидир.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, Ўзбекистон*

*Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.*

**Бунда:**

- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, уларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида:**

✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) чоралар кўради;

✓ Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижро этилишига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини амалга оширади;

✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишига доир ишларни бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлар билан биргаликда ташкил этади;

✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш учун ўз ходимларини тайёрлашни, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, тегишли тармоқда қонунчиликнинг қўлланилиш амалиётини ўрганади ва, зарур бўлганда, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юритади.

Ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қуйидагилар киради.

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси палаталарининг қарорлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарорлари
6. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг фармойишлари ва буйруқлари

7. Қорақалалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ бошлиғининг ва фармоиши.

Ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси тегишлилиги бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжатни нг ўзида кўрсатилган бўлади ёхуд қуйи органлар томонидан ижро этилади.

Ягона услубиёт норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини (бундан бундан матнда лойиҳа деб юритилади), шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш тартибини белгилайди.

### Мустақил тайёргарлик учун топшириқ

1. Ҳуқуқ нормаси тушунчаси, белгиларини ўқиб ўрганиб ҳосил бўлган тасаввурларга таяниб ҳуқуқ нормасининг тузилишини конспектлаштиринг.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг турларини мисоллар билан конспектлаштиринг.

3. Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тартибини ўқиб ўрганинг.

4. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда жиноят кодексининг учта нормасини қисм, банд, гипотеза, диспозиция ва санкцияларга ажратиш.

### Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Тушунчалар таҳлили”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу бўйича таянч тушунча (глоссарий) ларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.



Бунда жадвал кўринишидаги тарқатма ёки слайдда тушунчалар бир устунга, уларнинг мазмуни эса чалкаштирилган ҳолда иккинчи устунга жойлаштирилади. Тушунчалар мазмуни алфавит ҳарфлари билан белгиланади, тингловчилардан тушунчаларга мос мазмунларни аниқлаш талаб қилинади.

Т/р	Тушунча	Т/б	Мазмуни
1.	Ҳуқуқ нормаси	А	“яхлит”, “қисмлардан иборат”

2.	Норма	<b>В</b>	диспозицияда кўрсатилган талабларни бажармаганлик учун берилиши мумкин бўлган таъсир чораси ёки тавсия этилган ҳаракатни содир этганлик учун рағбатлантиришнинг тури ва ўлчови ҳисобланади
3.	Тизим	<b>С</b>	давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулладиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий хулқатвор қоидаси
4.	Гипотеза	<b>Д</b>	қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат
5.	Диспозиция	<b>Е</b>	“қоида”, “намуна”
6.	Санкция	<b>Ғ</b>	бирор-бир фаолиятни амалга оширишга доир талабларни белгилайди
7.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	<b>Г</b>	давлат органлари ва ташкилотларнинг иш тартибини, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлар томонидан маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш тартибини белгилайди
8.	Низом	<b>Н</b>	ҳуқуқ нормаси тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг номлари, белгиларини кўрсатувчи қисми
9.	Қоидалар	<b>И</b>	у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларини, мақсадларини, асосий йўналишларини, вазифаларини ва амалга оширилиш механизмларини белгилайди
10.	Йўриқнома	<b>Ж</b>	Ўзбекистон Республикасининг у ёки бу соҳадаги миллий манфаатларини таъминлаш мақсадлари, вазифалари, принциплари ва асосий йўналишларини белгилайди
11.	Регламент	<b>К</b>	у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг мақсадларига эришилишини таъминлайдиган тадбирлар (вазифалар, амалга ошириш муддатлари, молиялаштириш манбалари ва масъул ижрочилар бўйича ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар) ва механизмлар тизимини белгилайди
12.	Стратегия	<b>Л</b>	ҳуқуқ нормасининг бир қисми бўлиб, унда гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ҳуқуқ субъектлари риоя этишлари лозим бўлган хатти-ҳаракат қоидаси (ҳуқуқ ва мажбуриятлари) ифодаланган бўлади
13.	Концепция	<b>М</b>	икки горизонтал чизиқ билан чегараланган жадвал шаклида графада ифодаланган матннинг, ҳужжатнинг бўлими, кичик бўлими, боби, банди, кичик банди

14.	Доктрина	<b>Н</b>	турли шаклларда (тўртбурчак, тўғри бурчак, цилиндр, овал ва ҳ.к.) функционал жиҳатдан бирлаштирилган жадвалларнинг бир қисми
15.	Дастур («Йўл харитаси»)	<b>О</b>	икки вертикал чизиқ билан чегараланган жадвал шаклида ифодаланган матннинг, ҳужжатнинг бўлими ёки банди
16.	Графа	<b>Р</b>	мамлакат ёки муҳим тармоқларни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларини белгилайди
17.	Блок	<b>К</b>	норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг аниқлаштирувчи жиҳатларини белгилайди
18.	Позиция	<b>Р</b>	давлат органлари ва ташкилотларнинг, улар таркибий бўлинмаларининг мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек у ёки бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тартибини белгилайди

**Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



**Назорат учун саволлар:**

1. ИИО фаолияти билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.
2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг турлари.
3. Ҳуқуқ нормаси ва унинг белгилари.
4. Қонун ҳужжатлари деганда нимани тушунасиш?
5. Қонун ости ҳужжатлари деганда нимани тушунасиш?

## 4.3-МАВЗУ: ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ҚОНУНИЙЛИК. ҲУҚУҚИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК

Маъруза машғулоти (2 соат)

### Машғулоти режаси:

**1-ўқув саволи.** Қонунийлик тушунчаси ва принциплари.

**2-ўқув саволи.** Ҳуқуқбузарлик тушунчаси, белгилари ва турлари.

**3-ўқув саволи.** Юридик жавобгарлик тушунчаси, белгиси, турлари.

### 1-ўқув саволи. Қонунийлик тушунчаси ва принциплари

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот биринчи навбатда шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида намоён бўлади. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг ҳолатига қараб шахс эркинлиги даражаси, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳақиқийлиги, демократиянинг даражаси ва чинакамлиги белгиланади. Бугунги кунда шахс манфаатлари давлат учун устуворлик касб этаётган экан, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг бу томони ҳам давлат фаолиятининг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади.



Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг зарур шarti ва воситаси ҳамда унинг муҳим таркибий қисмларидир. Мустаҳкам қонунийлик ва ҳуқуқ устунлигига асосланган тартиб ўрнатилган тақдирдагина давлат чинакам ҳуқуқий бўлади.

### Қонунийликнинг мазмуни қуйидагиларни назарда тутади:

1. Жамият ва давлатда ҳуқуқий қонунчиликнинг мавжудлигини билдиради, бу амалдаги қонунлар идеал ҳуқуқни, ҳуқуқ принципларини, умуминсоний қадриятлар, эркин демократик жамият ва ҳуқуқий давлатга хос бўлган хусусиятларни ўзида ифодалаши демакдир.

2. Қонунларнинг ҳуқуқийлиги Конституция ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига, халқаро андозаларга, инсоннинг ажралмас ҳуқуқларига мос келишини билдиради.

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими иерархиясига татбиқан Конституция ва қонунлар олий юридик кучга эга. Ушбу ҳолат қонунлар

ижросини таъминлашга қаратилган қонуности ҳужжатларининг қатъий равишда уларга мос бўлишини тақозо этади.

4. Конституция ва бошқа қонунлар амал қилишининг самарали ҳимояси қонунийликни англатади.



**Қонунийлик** – бу ҳуқуқ субъектлари томонидан нормативҳуқуқий ҳужжатларга тўла ва аниқ амал қилинишидир. Қонунийлик – ҳуқуқ ва ҳокимият, ҳуқуқ ва давлатнинг узвий боғлиқлигида ўз ифодасини топадиган, ижтимоий-сиёсий ҳаётга ҳуқуқий тус берадиган кенг маънодаги сиёсий-ҳуқуқий ҳодиса.

**Қонунийлик** – ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ ва қонун устуворлигидан, ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари томонидан ҳуқуқ нормаларини оғишмай амалга ошириш, мансабдор шахслар фаолиятидаги ҳуқуқбузарлик ва зўравонликка қарши изчил курашиш, жамиятда тартиб ва уюшқоқликни таъминлашдан иборат ижтимоий-сиёсий режимдир.

#### **Қонунийликнинг асосий тамойиллари:**

1. Конституция ва қонунларнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан устунлиги.

2. Ҳуқуқ субъектларининг қонун ва суд олдидаги тенглиги.

3. Ҳокимият органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятида зўравонликка йўл қўйилмаслиги.

4. Инсон (фуқаролар) ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланганлиги.

5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мамлакатнинг бутун ҳудудида бир хил қўлланилиши ва талқин этилиши.

6. Мақсадга мувофиқликнинг қонунийликка қарши қўйилмаслиги.

7. Қонунийликнинг маданият билан узвий боғлиқлиги.

Адабиётларда ҳуқуқий қонунийлик ҳақида ҳам гап юритилади. Ҳуқуқий қонунийлик принципи – ҳуқуқ нормаларига ижтимоий муносабатларнинг барча субъектлари томонидан риоя қилиш режими “ёзилган” ҳуқуқни ҳақиқий ҳуқуққа айлантириш усули, инсон ва жамият ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилишини кафолатлаш шакли.

**Қонунийлик кафолати** – бу қонун ва қонун ости ҳужжатлари амал қилишини таъминловчи, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳамда давлат, жамият манфаатларини тўсиқларсиз амалга оширувчи усуллари, шарт-шароитларидир. **Қонунийликни амалга ошириш кафолатининг турлари:**

1) иқтисодий (жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, мулкчиликнинг турли шакллари, иқтисодий эркинлик ва бошқалар);

2) сиёсий (конституциявий тузумнинг демократлаштирилиш даражаси, жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий плюрализм (фикрлар хилма-хиллиги) кўппартиявийлик, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши ва бошқалар);

3) ташкилий (қонун ҳужжатларига амал қилинишини назорат қилувчи махсус органлар, яъни суд, ички ишлар, прокуратура ва бошқаларнинг фаолияти);

4) ҳуқуқий (қонунийликни амалга ошириш учун барча ҳуқуқий нормаларни бажариш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уни бузган кишиларга нисбатан тегишли жазо чораларини қўллаш);

5) жамоатчилик (жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқароларнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда иштирок этиши).

## **2-ўқув саволи. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси, белгилари ва турлари**

**Ҳуқуқбузарлик** – бу ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишида содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмишдир.



Бундай қилмиш қонун билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки зарар етказиш хавфини туғдириши мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари:

жамият ва шахс учун ижтимоий хавфли;

ҳуқуққа зид характерга эга;

айбли қилмиш;



зарарли оқибат келтириб чиқаради;

кишиларнинг эрки ва онгига боғлиқ бўлган ҳолда, улар томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида амалга оширилади ва бошқалар.

Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ҳуқуқбузарликнинг жиноят (ўғрилиқ, фирибгарлик, одам ўлдириш ва бошқалар) ҳамда ножўя иш кўринишидаги турлари мавжуд.

Ножўя иш кўринишидаги ҳуқуқбузарлик, ўз навбатида, фуқаролик-ҳуқуқий (моддий зарар етказиш, мажбуриятни бажармаслик ва бошқалар), маъмурий-ҳуқуқий (майда безорилик, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ва бошқалар), интизомий-ҳуқуқий (ишга келмаслик, кеч қолиш ва бошқалар)га бўлинади.

Ҳуқуқбузарликнинг таркибий элементлари:

объекти (ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар);

объектив томони (ҳуқуқнинг бузилиши ва унинг ижтимоий хавфлилиги);

субъекти (ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар);

субъектив томони (ҳуқуқбузарлик оқибатидан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли қилмишга бўлган онгли-руҳий муносабат).

**Ҳуқуқбузарлик объекти** – бу ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ва муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлардир. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг умумий, махсус ва бевосита объектлари фарқланади.

**Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони** – бу ҳуқуққа зид хаттиҳаракатнинг ташқи белгисидир. Айнан шундай белгига асосан ҳуқуқбузарлик ҳақида, у қандай рўй бергани ва қанчалик зарар келтиргани ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин бўлади.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

ножўя ҳаракат – яъни инсон иродаси ва ақл-заковати назоратида бўлган ва ҳаракатда ёки ҳаракатсизликда ифодаланадиган хуққатвордир. Ҳаракат – кишининг фаол хатти-ҳаракати, ҳаракатсизлик – пассив хуққ-атвор. Шахс ҳаракат қилишга мажбур бўла туриб, яъни ўз ҳуқуқий мажбуриятларини бажариши керак бўлгани ҳолда ҳаракатсизликка йўл қўйиши ҳуқуқбузарликка киради.

хатти-ҳаракатнинг ҳуқуққа зидлиги, яъни юридик нормалар кўрсатмаларига зидлиги туфайли ҳуқуқ томонидан тақиқланади. Ҳуқуққа зидлик, яъни хатти-ҳаракатнинг қонун билан тақиқланиши уч хил усулда ифодаланadi:

биринчиси, тўғридан-тўғри тақиқлаш орқали (меҳнат қонун ҳужжатларига биноан зарарли меҳнат шароитларидаги оғир ишларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади); иккинчиси, нормада ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат аниқланиб, уни содир этганлик учун жазо чораси белгиланганида билвосита тақиқ орқали (бунда ёзма ифодаланган ёки оддийгина номи келтирилган хатти-ҳаракат қонун билан тақиқланади; чунончи, Жиноят кодексининг

Махсус қисми нормалари бунга мисол бўла олади); учинчиси, ҳуқуқий нормада ижобий, қонунда ифодаланган хатти-

ҳаракатни баён этиш орқали (бундай вазиятда хатти-ҳаракатнинг бошқа, унга қарама-қарши тури мақсадга мувофиқ бўлмайди ва шунинг учун тақиқланган хатти-ҳаракат ҳисобланади. Масалан, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи

харидорга буюмни, харидор эса сотувчига пулни беришга мажбур бўлади, бироқ бу – хатти-харакатнинг бошқа турига кўра – пул ёки буюмнинг берилмаслиги тақиқланади деганидир).

қилмиш натижасида етказилган зарар (зарарли оқибат) – ҳуқуқбузарлик натижасида юзага келадиган салбий ва шунинг учун номақбул оқибатдир. Ушбу салбий оқибатлар мулкӣ (мулкдан айрилиш, бой берилган фойда), номулкӣ (ҳақоратлаш, бўҳтон), ижтимоӣ (ўз ҳуқуқини амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлиш), шахсий (ҳаётдан кўз юмиш, соғлиққа зарар етказиш) ва бошқа хусусиятга эга бўлиши мумкин.

ҳуқуққа қарши қилмиш ва зарарли оқибат ўртасидаги сабабий сабабий боғланиш. Ҳуқуқдаги сабабий боғланиш – ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик бўлиб, улардан бири – заруратни иккинчиси – оқибатни туғдиради.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳақида гапирганда унинг жойи, вақти, усули ва муҳит масалаларига ҳам эътибор қаратиш лозим.

**Ҳуқуқбузарлик субъекти** – бу ҳуқуққа зид айбли қилмишни содир этган шахс, яъни ҳуқуқбузардир. Ҳар қандай шахс ҳам ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланмайди, фақат ўз қилмишига жавоб бера оладиган, ақли расо шахсгина шундай субъект сифатида тан олинади.

#### **Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони**

- содир қилинган қилмишига нисбатан шахснинг руҳий муносабати бўлиб, унинг зарурий белгиси айбдир.

Айб – ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа ҳилоф хатти-харакатига ва унинг ижтимоӣ хавфли оқибатига нисбатан қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги муносабати.

Қасд – шахснинг ҳуқуққа ҳилоф хатти-харакатни содир қилаётганида бу ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ҳуқуққа ҳилофлигини, ижтимоӣ хавфлилигини, унинг оқибатини англаши ёки тушуниши (тўғри қасд) ёки бу муносабатнинг маълум оқибатни келтириб чиқаришига онгли равишда йўл қўйиши (эгри қасд).

Эҳтиётсизлик – шахснинг хатти-харакатлари натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олишни назарда тутиб, бепарволик билан ўзига ўзи ишониб ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилиши.



### 3-ўқув саволи. Юридик жавобгарлик тушунчаси, белгиси, турлари



**Юридик жавобгарлик** – ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қонунчиликда процессуал тартибда белгиланган давлат мажбурлов чораларини қўллаш.

Юридик жавобгарликнинг табиати ва мазмунини аниқ белгилаш учун аввало жавобгарликнинг ўзи нима деган саволга жавоб бериш зарур. Жавобгарликни икки маънода: позитив (ижобий) ва ретроспектив жавобгарлик маъносида тушуниш мумкин. Агар позитив (ижобий) маънодаги жавобгарлик мавжуд ҳамда келгусидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туришга қаратилган бўлса, ретроспектив жавобгарлик ўз навбатида ўтмишга қаратилган бўлади, яъни у шахснинг юридик мажбуриятларни бажармаслиги ёки ҳуқуқни бузганлиги оқибатида юзага чиқади. Жамиятда жавобгарликнинг бу икки тури ўзаро узвий боғлиқдир. Позитив жавобгарлик қанча юқори даражада бўлса, ҳуқуқ қоидалари ҳам шунча мукамал бажарилади ҳамда ретроспектив жавобгарликка тортилиш ҳолатлари шунча кам содир бўлади.

Юридик жавобгарликнинг белгилари қуйидагича:

давлат мажбурлов чораси эканлиги;

фақатгина ҳуқуқбузарлик учун юзага келиши;

давлат мажбурлов чораларининг фақатгина ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланилиши;

шахсни муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла ёки қисман маҳрум этишдан иборат салбий оқибатларни юзага келтириши;

жавобгарлик қонунда белгиланган тартибда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари томонидан қўлланилиши.

Шахсни юридик жавобгарликка тортишда содир этилган қилмишда ҳуқуқбузарлик таркибининг мавжудлигига асосланилади. Чунки, юридик жавобгарликни қўллаш асосини ҳуқуқбузарлик ташкил этади, яъни ҳуқуққа зид бўлган қилмиш содир этилган бўлсагина шахсни жавобгарликка тортиш мумкин.

Юридик жавобгарлик қуйидаги белгилари билан тавсифланади:

юридик жавобгарлик давлат мажбурлов чоралари билан боғлиқ;

юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ;

юридик жавобгарлик ҳуқуқбузар учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради (озодликдан, ота-оналикдан маҳрум бўлиш ёки содир этилган қилмиши учун жарима тўлаш ва ҳоказо);

ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг характери ва ҳажми ҳуқуқ нормаларининг санкциясида ўрнатилган бўлади;

давлат томонидан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ҳуқуқни қўллаш фаолияти давомида тегишли ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва процессуал шаклларга амал қилган ҳолда олиб борилади.

Юқоридаги хусусиятлари билан юридик жавобгарлик сиёсий, ахлоқий ва бошқа жавобгарликлардан фарқ қилади.

Шахсни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишда унинг қилмишида ҳуқуқбузарликнинг таркиби мавжудлигига аҳамият бериш ҳал қилувчи роль ўйнайди, яъни ҳуқуққа қарши қилмишнинг объектив ва субъектив томонларини ҳамда объект ва субъектларни биргаликда боғлаган ҳолда ўрганиш масаланинг мазмунини очиб беришга, уни конкретлаштиришга ва индивидуаллаштиришга ёрдам беради. Ҳуқуқ бузилишининг турларига мувофиқ юридик жавобгарлик ҳам тўрт турга бўлинади: 1) жиноий-ҳуқуқий; 2) фуқаролик ҳуқуқий; 3) маъмурий-ҳуқуқий; 4) интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик.

Жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик фуқаролар томонидан ижтимоий ва давлат тузумига, мулк шакллари, хўжалик тизими, шахслар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ва ҳоказоларга қарши тажовуз қилинганда келиб чиқади. Жиноят кодексида кўзда тутилган талабларни бузиш жиноят ҳисобланади ва шу жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизликка нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланади.



Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик фуқароларнинг, шахсларнинг мулкӣ муносабатлари ва бу муносабатлар билан боғлиқ мулкӣ характерда бўлмаган шахсий муносабатларга зарар етказганлик ҳолатларида белгиланади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқаларда назарда тутилган ҳолатларда қўлланилади.

Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган фуқаролар ва мансабдор шахсларга қўлланиладиган юридик жавобгарликнинг бир тури. Ҳуқуқий муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, уларга бошқарувнинг ўрнатилган умумтартиб-қоидаларини бажармаслик (масалан, йўл ҳаракати қоидаларини ва жамоат тартибини бузиш, табиатни муҳофаза этишга қарши ҳаракатлар ва бошқ.) киради.



Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик бўйича қуйидаги жазо чораларини кўрсатиш мумкин: огоҳлантириш; жарима солиш; предметни мусодара қилиш (агар у ҳуқуқни бузиш қуроли ёки объект бўлса); махсус ҳуқуқлардан маҳрум этиш (ов қилиш, транспорт воситаларидан фойдаланиш ва ҳоказо); маъмурий қамоқ; ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқалар.



Интизомий-ҳуқуқий жавобгарликнинг белгиланиш ҳолатлари Меҳнат кодексига, ички меҳнат тартиб-қоидаларида ҳамда махсус Низомларда назарда тутилади. Интизомий - ҳуқуқий жавобгарлик меҳнат ва хизмат интизомини, ҳарбий ва бошқа интизомни бузиш билан боғлиқ бўлиб, уларга идоранинг ички тартиб-қоидаларини бузиш, ишга кеч келиш ёки ишдан барвақт кетиш ва шу каби ҳоллар киради.

Жиноий ва фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш фақат суд ва хўжалик судлари томонидан амалга оширилади.

Маъмурий ва интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик ички ишлар органлари, мансабдор шахслар ва тегишли ваколатга эга раҳбар шахслар (маъмурият) томонидан амалга оширилади.

Юридик жавобгарликни белгиланишнинг асосий мақсади жазолаш эмас, балки ҳуқуқ умумий мақсадларининг муайян ифодасига қаратилган бўлиб, улар ижтимоий муносабатларнинг мустаҳкамланиши, тартибга солиниши ва ҳимоясида ўзининг ифодасини топади. Бу мақсадлар ўз навбатида ҳуқуқнинг тартибга солувчи (регулятив) ва қўриқловчи функциялари амалда бўлишини белгилайди. Юридик жавобгарликнинг асосий функцияси қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни муҳофаза қилишдан иборат. Муайян ҳуқуқбузарга нисбатан жавобгарликнинг қўлланиши бирмунча тор мақсадни, яъни айбдорни жазолашни кўзлайди. Бу билан давлат ўзининг мажбурлов чораларини амалга ошира туриб, яна бошқа бир мақсадни кўзда тутаяди, яъни бу мақсад келажакда ҳуқуқбузарликни содир этишнинг олдини олишга ёки бу ҳақда огоҳлантиришга қаратилган бўлади.

Бу мақсадлар ўз навбатида юридик жавобгарликнинг функцияларини белгилаб беради. Кўзланган мақсадларга эришиш учун қуйидаги тамойилларга амал қилинади: қонунийлик; адолатпарварлик; мақсадга мувофиқлик; ҳуқуқ бузилган ҳолда жавобгарликнинг муқаррарлиги; индивидуаллик (жазонинг фақат ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланилиши).

Қонунийлик. Бу тамойилнинг моҳияти ҳуқуқ қоидалари талабларининг қатъий ва аниқ татбиғидан иборат бўлиб, юридик жавобгарликка нисбатан бу талаб, уни фақат ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган асосларда ҳамда ўрнатилган тартибда амалга оширилишидир.

Адолатпарварлик. Бу тамойил айбдор бўлмаган шахсларнинг жавобгарликка тортилиш ҳолларига йўл қўймасликни ёки содир этилган қилмишнинг исботланиши зарурлигини талаб этади. Юридик жавобгарликнинг адолатпарварлик тамойили қуйидаги расмий талаблар тизимида ўз ифодасини топади:

ножўя қилмишлар учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас;  
жавобгарликни белгиловчи ва уни оғирлаштирувчи қонун орқага қайтиш кучига эга эмас;

ҳуқуқнинг бузилиши натижасида келтирилган зарарни қоплаш зарурати мавжуд бўлса, юридик жавобгарликни қўллаш орқали унинг ўрни тўлдирилади;

ҳар бир бузилган ҳуқуқ учун фақат битта жавобгарлик белгиланади;

ҳуқуқбузарлик ким томонидан содир этилган бўлса, фақат шу шахс жавобгарликка тортилади;

жазо турлари ва чоралари ҳуқуқбузарликнинг даражасига (оғир ёки енгиллиги) боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқ бузилган тақдирда жавобгарликнинг муқаррарлиги. Юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик билан узлуксиз боғлиқ ва бу боғлиқликдан ушбу тамойилнинг моҳияти келиб чиқади, яъни содир этилган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг қўлланиши ҳамда унинг муқаррарлиги белгиланади. Кишиларнинг онгида юқоридаги боғлиқликни, яъни ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг жазосиз қолмаслиги тўғрисидаги дунёқарашни шакллантириш ҳуқуқбузарликнинг даражасини камайтиришга қаратилган муҳим омилдир.

Мақсадга мувофиқлик. Содир этилган қилмишга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги бу тамойилнинг маъносини англатади, чунки белгиланадиган жавобгарлик мақсадга мувофиқдир. Ёки ҳуқуқбузарни қонуний асосларсиз жавобгарликдан озод қилишга йўл қўйилмаслик ҳам мақсадга мувофиқликдир ва ҳоказо. Мақсадга мувофиқлик талаблари жавобгарликни татбиқ этишда қонунийлик талабларига зид келмаслиги керак ва, аксинча, мақсадга мувофиқ эмаслик нуқтаи назаридан қонун талабларини бузиш мумкин эмас.

Индивидуаллик. Бу тамойилга биноан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун фақат айбдор шахснинг ўзига нисбатан жавобгарлик қўлланилади. Жавобгарликни айбдор субъектдан бошқа субъектга ўтказишга йўл қўйилмаслиги керак. Масалан, кўп ҳолларда раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлиги туфайли йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик корхона ёки ташкилотларнинг зиммасига юклатилишига ҳаракат қилинади. Бу тамойилни ҳаётга тўғри татбиқ этиш учун ҳар бир ходимнинг функционал вазифалари ва унинг бу вазифаларни бажармаслик оқибатида келиб чиқадиган жавобгарлик чоралари доираси қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз аксини (ифодасини) топиши зарур.



Натижа таркибий элементлар алоҳида ўрганилади, аммо, уларнинг бир-бутун ва бир-бирига боғлиқ эканлиги тингловчилар онгида шаклланади.

**Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



**Назорат учун саволлар:**

1. Қонунийлик тушунчаси ва аҳамияти.
2. Қонунийлик ва интизомнинг ўзаро алоқадорлиги.
3. Ҳуқуқий тартибот деганда нимани тушунасиз ва у қонунийлик билан қандай алоқадор?
4. Юридик жавобгарлик ва унинг турлари.
5. Ҳуқуқбузарликнинг таркиби ва моҳияти.



## 4.4-МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Маъруза машғулоти (2 соат)

**Машғулот режаси:**

**1-ўқув саволи.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.

**2-ўқув саволи.** Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби ва турлари.

**1-ўқув саволи.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Ҳуқуқ назариясига кўра, ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосини қонунга хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), яъни ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик хусусиятлари ва таркибига эга бўлиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шунинг учун маъмурий ҳуқуқ бузарлик тушунчасига таъриф беришдан аввал, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 15 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига (асосий тушунчалар) асосан *ғайри ижтимоий хулқ-атвор, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқбузарлик содир этишига мойил шахс* тушунчаларининг таърифига тўхталиш мақсадга мувофиқ.

**Ғайриижтимоий хулқ-атвор** – шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

**Ҳуқуқбузарлик** – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғ айриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

**Ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи** – жисмоний, маънавий ёки мулкый зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс;

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими;



**Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс** – ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

**Юқоридаги тушунчаларнинг таърифидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси** – қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Давлат бошқаруви соҳасида содир этиладиган ва кўп учрайдиган ҳуқуқбузарлик кўринишларидан бири бу – *маъмурий ҳуқуқбузарликдир*.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик *ижтимоий маънода*, фуқаролар, жамият ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хавфни вужудга келтирувчи хулқ-атвор бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва уларнинг бузилишига олиб келади. Ҳуқуқбузарлик қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган хулқ-атвор бўлиб, унинг натижасида жамият, давлат ва фуқаролар манфаатларига моддий ёки маънавий зарар етказилади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг қуйидаги учта асосий белгилари мавжуд:**

- 1) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик
- 2) айбдорлик;
- 3) жавобгарликка тортиш.

**Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг мазмуни амалдаги қонунчиликда аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, қуйидаги умумий хусусиятларга эга.**

- *ижтимоий зарарли*
- *маъмурий ҳуқуққа хилоф*
- *маъмурий ҳуқуқбузарлик бу - қилмишидир*
- *маъмурий ҳуқуқбузарликда айбнинг мавжудлиги,*
- *маъмурий ҳуқуқбузарлик бу - жазога сазовор қилмишидир*

*Ижтимоий зарарли* ҳисобланади – унинг содир этилиши жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига моддий ва маънавий зарар етказади.

*Маъмурий ҳуқуққа хилоф* ҳисобланади – бундай хатти-ҳаракатларни содир этиш қонунчилик ҳужжатларида тўғридан-тўғри тақиқланган.

Айрим ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик маъмурий-ҳуқуқий нормаларни бузиш маъносида талқин қилинади. Лекин маъмурий-ҳуқуқий нормалар турли кўринишга эга, масалан, намунали хулқ-атвор қоидаларини ўрнатувчи, тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва бу қоидаларнинг бузилиши учун жавобгарлик ўрнатувчи, муҳофаза этувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар.



Ўзбекистон Республикаси МЖТК 10-моддасининг 2-қисмига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик учун, агар бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра *жиноий жавобгарликка* тортишга сабаб бўлмаса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади. Лекин жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган

ҳолатлар мазкур Кодексда назарда тутилмаган. Фақатгина, МЖТК 271-моддасининг 8-бандида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан *жиноий иш қўзғатилган бўлса*, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритишни бошлаш мумкин эмаслиги, бошланган ишнинг эса тугатилиши лозимлиги белгиланган.



**Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятлари.** Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек,

давлатнинг ҳуқуқий тизими, одатда маъмурий, интизомий ва жиноий жазо санкциялари билан муҳофаза қилинади. Жумладан, аниқ ҳолатларга қараб сайлов ҳуқуқини, мулкчиликни, меҳнат, санитария, экология қоидаларини бузганлик учун маъмурий, интизомий ёки жиноий жавобгарлик қўлланилиши мумкин. Ушбу жавобгарликларнинг *биринчи* ўхшаш томони шундаки, улар ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилади; *иккинчидан*, бу жавобгарлик санкциялари қонунлар билан ўрнатилган; *учинчидан*, улар ҳуқуққа хилоф айбли қилмиш (ҳуқуқбузарликлар) учун қўлланилади; *тўртинчидан*, қонунчилик ҳужжатларида жавобгарликни қўллаш жараёни ва уни қўлловчи органларнинг ваколатлари кўрсатиб ўтилган; *бешинчидан*, уларни қўллаш айбдор шахсга нисбатан “*ноҳуш*” оқибатларга, шунингдек, маълум муддатга жавобгарликка тортилганликни (масалан, жиноятда судланганликка, маъмурий ва интизомийда бир йилгача жавобгарликка тортилганликни) олиб келади.

*Ижтимоий хавfli қилмиш* - ижтимоий муносабатларга маълум бир зарар келтирадиган ёки келтириши мумкин бўлган қилмишдир. Бундай хатти-ҳаракатлар йиғиндиси муайян шароитда, жиноят юзага келишига таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, барча ҳуқуқбузарликни (шунингдек, маъмурий ноҳўя хатти-ҳаракатларни) ижтимоий хавfli қилмиш деб топиш мумкин эмас.

Маъмурий ноҳўя хатти-ҳаракатлар билан интизомий ноҳўя хатти-ҳаракатларни таққослаганда, уларнинг иккаласи ҳам ижтимоий хавfli қилмиш ҳисобланмаслигини эътиборга олиш лозим. Лекин уларнинг формал хусусияти - ҳуқуққа хилофлиги нуқтаи назаридан келиб чиққанда, маълум фарқли томонлар мавжуд. Маъмурий ҳуқуқбузарлик билан



боғлиқ барча ҳолатлар: унинг таркиби, санкциялар тизими ва бошқалар маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинади. *Интизомий ножўя ҳатти-ҳаракатларга* қарши кураш - *меҳнат қонунчилиги билан*, ҳарбий хизматчиларнинг, йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳамда ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахсларнинг интизомий жавобгарлиги – *маъмурий қонунчилик (интизом уставлари) билан*, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг жазони ўташ қоидалари *жиноят ижроия қонунчилиги билан* тартибга солинади. Бунда интизомий ножўя хатти-ҳаракатларнинг таркиби умумий асосда кўрсатиб ўтилган, яъни аниқлаштирилмаган.

## **2-ўқув саволи. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби ва турлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби – маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган ғайриҳуқуқий, айбли қилмишни ҳуқуқбузарлик сифатида тавсифлайдиган объектив ва субъектив элементлар ҳамда улардаги хусусиятларнинг минимал ва етарли мажмуидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркиби қуйидаги элементлардан иборат:

- *ҳуқуқбузарликнинг объекти;*
- *объектив томони;*
- *субъекти;*
- *субъектив томони;*

**Ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби доимо тўртта хусусият(элементдан)дан иборат бўлади.** Содир этилган қилмишда мазкур хусусият(элемент)ларнинг исталган бирининг мавжуд бўлмай қолиши ушбу қилмишни ҳуқуқбузарлик деб топилмаслиги ҳамда юридик жавобгарликни юзага келмаслигига олиб келади. Аксинча ушбу тўрт элементнинг мавжудлиги эса – қилмишни ҳуқуқбузарлик деб топилишига ва юридик жавобгарликни юзага келишига олиб келади.

*Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти* - бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ўрнатилган ва муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бу, биринчи навбатда давлат бошқаруви соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир. Давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида нафақат маъмурий ҳуқуқ нормалари билан, балки маъмурий-ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза этиладиган бошқа ҳуқуқ тармоқлари (конституциявий, молия, ер, меҳнат ва ҳ.к.лар) нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳам вужудга келади. Шу сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормалари билан ҳимоя қилинадиган ҳар қандай муносабатларни киритиш мумкин.

**Маъмурий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқбузарлик объекти, одатда қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:**

- *умумий объект;*

- *турдош объекти;*
- *бевосита объекти.*

*Биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг умумий объекти* – давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 10-моддаси 1-қисмида маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти умумий ҳолда – “*шахс, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, мулкчилик, давлат ва жамоат тартиби, табиий муҳит*” кўрсатиб ўтилган.

*Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг турдош объекти* - мазмуни ва ўзаро яқин хусусиятларига қараб ягона тизимга келтирилган объектлардир.

**Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг Махсус қисмида маъмурий ҳуқуқбузарликлар қуйидаги гуруҳ(тур)ларга бирлаштирилган:**

1. фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар;
2. сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;
3. аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;
4. мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;
5. экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;
6. саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;
7. қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, ветеринария-санитария қоидаларини бузиш;
8. транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар;
9. фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига таалуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;
10. савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар;
11. одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;
12. жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;
13. бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;
14. тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар.

*Учинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти* - ҳуқуқбузарлик оқибатида бевосита зарар етказилган аниқ объект ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 40-моддасида мустақамланган тухмат ҳуқуқбузарлигининг бевосита объекти - фуқаронинг шаъни ва кадр-қиммати ҳисобланади ёки 237-моддасига биноан ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилишдан бош тортишда ифодаланган ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти бўлиб бошқарув жараёнида ўрнатилган

тартиб, яъни фуқароларнинг ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ мажбурияти ҳисобланади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони** - ҳуқуққа хилоф қилмиш, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, унинг хусусиятлари, шунингдек, уни содир этиш (ёки содир этмаганлик) шароитлари ҳисобланади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томондан қуйидаги икки кўринишга эга:**

- ҳаракат;
- ҳаракатсизлик.

*Биринчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарликни *ҳаракат* натижасида содир этиш. Ҳаракат - инсоннинг фаол хулқ-атвори ҳисобланади. Аксарият маъмурий ҳуқуқбузарликлар, объектив томондан шахсларнинг ҳаракати орқали содир этилади. Масалан, тухмат, ҳақорат қилиш, енгил тан жароҳати етказиш, ўрнатилган турли умуммажбурий қоидаларни бузишда ифодаланган ҳуқуқбузарликлар - ҳаракатлар натижасида содир этилади.

*Иккинчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *ҳаракатсизлик* натижасида келиб чиқиши. Ҳаракатсизлик – инсоннинг белгиланган вазифа, мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликда ифодаланадиган пассив хулқ-атвори. Масалан, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқмаганлик, ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги, ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаганликда ифодаланган ҳуқуқбузарликлар – ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқади.

*Ҳуқуқбузарликни содир этиш шароитлари*, маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томонининг элементи сифатида, уни содир этиш вақти ва услубини назарда тутади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони - ҳуқуқ нормалари билан назарда тутилган, мазкур ҳуқуқбузарликнинг ташқи кўринишини ифодаладиган хусусиятлар йиғиндиси. Объектив томон - қилмишни ҳуқуқбузар хулқ-атворининг ташқи кўриниши сифатида ифодалади. Объектив томон хусусиятларига: ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва уларнинг содир этилиши билан вужудга келган зарарли оқибат киради. Масалан, транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш – ҳаракат тезлигини ошириш (*ҳаракат*), йўл белгиларига риоя этмаслик (*ҳаракатсизлик*)да ифодаланувчи турли хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Бундай қилмишлар йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солиши, бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига ҳалақит бериши, авария ҳолатини вужудга келтириши ёки йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига олиб келиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томонининг таркибий қисмларига, ҳуқуққа хилоф қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ва вужудга келган зарарли оқибатдан ташқари, *содир этилган қилмиш ва ундан келиб чиқадиган зарарли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш* ҳам киради. Бундай боғланишни аниқлаш - зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши шароитларини, зарарли

оқибатларнинг айнан мана шу ёки бошқа қилмиш оқибатида вужудга келганлигини, қилмишнинг вужудга келган оқибатларга қай даражада таъсир этганлиги ва бошқаларни аниқлашга хизмат қилади. Лекин маъмурий ҳуқуқбузарликда сабабий боғланишни аниқлашга ҳожат йўқ, чунки қоида бўйича вужудга келган зарарли оқибатлар *номоддий* ва одатда *ижтимоий зарар* ёки *ижтимоий хавфли* кўринишда бўлади. Шу сабабли, ҳуқуққа хилоф қилмиш билан унинг оқибати ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлигига шубҳа туғилмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар икки кўринишга:

- *формал таркибли маъмурий ҳуқуқбузарликлар*
- *моддий таркибли маъмурий ҳуқуқбузарликлар.*

**Формал таркибли маъмурий ҳуқуқбузарлик** – бу бирор-бир моддий зарар келиб чиқиши шарт бўлмай, бирор-бир моддий зарар келиб чиққан тақдирда ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликнинг тавсифланишига таъсир қилмайдиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар, жиноятлардан фарқли равишда, аксарият ҳолларда формал таркибда бўлиб, уни содир этиш натижасида моддий зарар келиб чиқиши ёки келиб чиқмаслигидан қатъи назар, жавобгарлик назарда тутилади. Масалан, транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан ҳаракат тезлигини ошириш натижасида ҳеч қандай моддий зарар келиб чиқмаган бўлиши мумкин, лекин бу ҳаракатни содир этиш маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, унга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлланилади.

**Моддий таркибли маъмурий ҳуқуқбузарлик** деганда – маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида бирор-бир моддий зарар келиб чиқиши ёки келиб чиқиши мумкинлиги назарда тутилади. Масалан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-тороғ қилиш - моддий таркибли ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томонининг бошқа хусусиятлари:

- *маъмурий ҳуқуқбузарликни қайси вақтда содир этилганлиги;*
- *маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш жойи;*
- *маъмурий ҳуқуқбузарликнинг қандай услубда содир этилганлиги;*
- *маъмурий ҳуқуқбузарликни такроран содир этиш*

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилганлигини аниқлашда қонун чиқарувчи, ҳуқуқбузарлик объектив томонининг бошқа хусусиятларини ҳам назарда тутиши мумкин. Жумладан, содир этилган қилмишни маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида таснифлашда, ушбу қилмишнинг қайси вақтда содир этилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Айрим ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгилашда, *ҳуқуқбузарликни содир этиш жойини* аниқлаш зарур бўлади.

*Ҳуқуқбузарликнинг қандай услубда содир этилганлиги* ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркибини вужудга келтирувчи хусусиятлардан биридир.

*Маъмурий ҳуқуқбузарликни такроран содир этиш* - ҳуқуқбузарлик объектив томони хусусиятларидан бири бўлиб, маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги қонунчиликнинг кўпгина моддаларида назарда тутилган. Лекин амалдаги Ўзбекистон Республикасининг МЖТКда маъмурий ҳуқуқбузарликни такроран содир этиш тушунчаси берилмаган. Маъмурий ҳуқуқбузарликни такроран содир этиш деганда, маъмурий жавобгарликка тортилган шахс томонидан бир йил давомида турдош (бир хил ёки ўхшаш) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишни тушуниш лозим. Ҳуқуқбузарликни такроран содир этиш айбдор шахсга нисбатан жавобгарлик санкцияларида назарда тутилган оғирроқ жазо чорасини қўллашга сабаб бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томонинининг юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятлари (*қилмишни содир этиш вақти, жойи, услуби, такроран содир этиш* ва ҳоказо) барча ҳуқуқбузарликларга ҳам хос эмас, балки улар маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг *факультатив белгилари* ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарлик таркибининг факультатив белгиларидан фарқли равишда, *ҳуқуққа хилоф ҳаракат* ёки *ҳаракатсизлик*, уларни содир этишдан келиб чиқадиган *зарарли оқибат* ҳамда *зарарли оқибат билан қилмиш ўртасидаги сабабий боғланиш* - маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг *мажбурий хусусиятлари* ҳисобланади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти** – Бу ҳуқуқбузарлик содир этган шахс бўлиб, буларга 16 ёшга тўлган ақли расо шахслар киради.

**Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектларига** - мансабдор шахслар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, ҳарбий хизматчилар ва интизом устави татбиқ этиладиган бошқа шахслар киради<sup>1</sup>.

Ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этишда айби мавжуд бўлганида, уни жавобгарликка тортиш мумкин. Айб - содир этилган қилмишга нисбатан шахснинг руҳий муносабатидир. Айб икки шаклда: қасд ва эҳтиётсизликда ифодаланган бўлиши мумкин. Айб - маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектив томонининг мажбурий хусусияти ҳисобланади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони** - бу ҳуқуқбузарлик субъекти (жисмоний шахс)нинг ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳамда унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабати ҳисобланади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик айбнинг кўйидаги икки шаклида содир этилиши мумкин:**

- *маъмурий ҳуқуқбузарликни қасддан содир этиш;*
- *маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизликдан содир этиш.*

**Маъмурий ҳуқуқбузарликни истисно этувчи ҳолатлар:**

- зарурий мудофаа;
- охирги зарурат.

**Зурурий мудофаа** – бу МЖТКда ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин зарурий мудофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.



**Охирги зарурат** – бу Ушбу Кодексда ёки бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, ҳуқуқларга ҳамда қонун билан ҳимоя этиладиган манфаатларга зарар етказган, охирги зарурат ҳолатида, яъни шахсга ёки маъмур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган хавфни, башарти бу хавфни ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаса ҳамда етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, бартараф этиш учун содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.


### Мустақил тайёргарлик учун топширик

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчасини ёд олиш.
2. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятларини ўқиб таҳлил қилиш?
3. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг турларини конспектлаштириш?
4. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркибини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш?

### Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Тезкор хотира”** ва **“Кичик гуруҳларга бўлиш”** интерфаол методларидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Тезкор хотира” методидан машғулотнинг дастлабки қисмида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тингловчилардан мавзуга оид асосий тушунча ёки қонидани 3 дақиқада ёд олиш талаб қилинади. Белгиланган вақт ўтгач тушунчани тўлиқ, сўзма-сўз ёддан айтиб берган уч тингловчига балл берилади. Аммо қолган тингловчилардан тушунчани ёддан айтиб бераётган тингловчининг хатоларини топиш талаб қилинади.



**Мавзуга оид тушунча:** *маъмурий ҳуқуқбузарлик* деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

### “Кичик гуруҳларга бўлиш” методи.

“Кичик гуруҳларга бўлиш” методида гуруҳ тингловчилари тенг миқдорда кичик гуруҳларга бўлинади. Гуруҳларга бир қанча топшириқлар берилади. Топшириқлар бирма-бир навбат билан ҳам ёки ҳаммаси бирга ҳам



берилиши мумкин. Гуруҳлар ҳар бир топшириққа берган жавобига қараб баҳолаб борилади.

### “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



Т/р	Топшириқ
1.	Учта объектив томони ҳаракат бўлган қасддан содир этилган ҳуқуқбузарларга мисол келтириш
2.	Учта объектив томони ҳаракат бўлган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган ҳуқуқбузарларга мисол келтириш
3.	Учта объектив томони ҳаракатсизлик бўлган қасддан содир этилган ҳуқуқбузарларга мисол келтириш
4.	Учта объектив томони ҳаракатсизлик бўлган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган ҳуқуқбузарларга мисол келтириш
5.	Учта моддий таркибли ҳуқуқбузарликларга мисол келтириш
6.	Учта формал таркибли ҳуқуқбузарликларга мисол келтириш

**ИЗОҲ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни Ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

**Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



**Назорат учун саволлар:**

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш деганда нимани тушунаси.
2. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни қасдан содир этиш деганда нимани тушунаси.
3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг таркиби.
4. Маъмурий жавобгарликни истисно этувчи ҳолатлар.
5. ИИОлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлиги.

## 4.5-МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ

### Маъруза машғулоти (2 соат)

#### Машғулот режаси:

**1-ўқув саволи.** Маъмурий жазо тушунчаси ва турлари.

**2-ўқув саволи.** Маъмурий жазо қўллашнинг умумий қоидалари.

#### 1-ўқув саволи. Маъмурий жазо тушунчаси ва турлари

Турли ҳуқуқ тармоқларида тартибга солинадиган ва қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни айбдор шахс томонидан бузганлик учун юридик жавобгарлик назарда тутилади. Юридик жавобгарлик айбдор шахсга нисбатан муайян жазо қўллашда намоён бўлади. Масалан, меҳнат интизоми бузилганда – интизомий жазо, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда – маъмурий жазо, жиноят содир этилганда – жиноий жазо қўлланилади.



**Маъмурий жазо** – маъмурий мажбурловнинг бошқа чораларидан фарқли равишда ҳуқуқбузар томонидан маъмурий қонунчилик ҳужжатлари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинганда, яъни, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилгандагина қўлланиладиган ўзига хос мақсадга эга жазо санкциялари бўлиб, маъмурий-процессуал тартибда амалга оширилади. Маъмурий жазо – мақсадига кўра маъмурий мажбурлов чораларининг

бир тури бўлиб ҳисобланади.

Маъмурий жазо – Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан, маъмурий мажбурловнинг бошқа чоралари эса, турли норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
- 4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
- 5) маъмурий камоққа олиш.
- 6) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.

Маъмурий жаримадан ташқари барча маъмурий жазо чоралари, фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин.

Қонунчилик ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, маъмурий жазо – асосий ва қўшимча маъмурий жазо чораларига бўлинади.

*Асосий маъмурий жазо чоралари* бу – маъмурий жазо чоралари бошқа маъмурий жазо чораларининг турларига қўшимча бўлиб, айти вақтда тайинланиши мумкин бўлмаган жазо чораларидир. Масалан, жарима, муайян шахсни махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш, маъмурий қамоқ каби чоралар фақат асосий маъмурий жазо чоралари сифатида қўлланилиши мумкин.

*Қўшимча маъмурий жазо чоралари* бу – маъмурий жазо чорасига қўшимча равишда тайинланиши мумкин бўлган маъмурий жазо чораларидир. Масалан, ашёларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш қўшимча жазо чораларидир. Бироқ, улар ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин. Қўшимча маъмурий жазо чораларининг яна бир ўзига хос хусусияти бу уларнинг содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун алоҳида, мустақил равишда қўлланилишининг мумкин эмаслиги, яъни улар фақат асосий маъмурий жазо чораларига қўшимча жазо чораси сифатида тайинланиши мумкин.

Демак, бир маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ё асосий, ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин. Лекин, бир вақтнинг ўзида иккита асосий ёки иккита қўшимча жазо чораларининг қўлланилиши мумкин эмас.



**Жарима** – маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади. Бошқача айтганда, жарима – маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун МЖТКнинг Махсус қисми моддаларининг санкцияларида белгиланган ҳолларда қўлланилади.

Жарима – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган айбдор шахслардан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

Жарима – моддий хусусиятга эга бўлган маъмурий жазо чораси бўлиб, айбдор шахслардан давлат ҳисобига ундириб олинган муайян бир пул миқдорида ифодаланади. Жарима тарзидаги маъмурий жазо чораси ҳуқуқбузарнинг онгига таъсир кўрсатиб, аввало, унинг моддий манфаатларига

зарар етказди. Шу боис маъмурий жарима самарали жазо чораларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Жарима маъмурий жазо чорасининг асосий тури ҳисобланади. У бошқа жазо чораларининг ўрнига татбиқ этилиши мумкин эмас. Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жарима қўшимча маъмурий жазо чораси билан биргаликда солиниши мумкин (масалан, ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш).

Жариманинг миқдори – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса у аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади<sup>1</sup>.

Жарима, солиш объектларига кўра 2 турга бўлинади: фуқароларга, (яъни жисмоний шахсларга) ва мансабдор шахсларга солинадиган жарималар, улар миқдorigа кўра фарқланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллиқдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса – ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача ва мансабдор шахсларга – юз эллиқ бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин<sup>2</sup>.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиладиган жариманинг энг кўп миқдори Кодекснинг 6-моддасига биноан фуқароларга – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ошмаслиги керак.



***Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш*** – маъмурий жазонинг тури сифатида фақат маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёлар учунгина татбиқ этилади. Мазкур жазо чораси мулкый хусусиятга эга бўлган маъмурий жазо чораси бўлиб, фақат маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса сифатида фойдаланилган ашёлар эгасига нисбатангина қўлланилиши мумкин. Лекин, ҳуқуқбузарга тегишли бўлмаган ашёларни (масалан, ғайриқонуний ов қилиш, балиқ тутиш

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1995. – 3-сон. 6-м.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. – 52-сон. – 384-м.

натижасида қўлга киритилган маҳсулотлар: ёввойи ҳайвонлар, балиқлар) ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш маъмурий жазо чораси ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 26-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш – шу ашёни мажбурий тарзда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатдир.



***Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш*** – маъмурий жазонинг тури сифатида фақат маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёлар учунгина татбиқ этилади. Мазкур маъмурий жазо чораси МЖТКнинг 27-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни

мусодара қилиш – шу ашёнинг ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат.

Мазкур мусодара қилиш чораси:

1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан;  
2) божхона органлари томонидан – акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортировка (ҳалқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда, шунингдек экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетилаётган ҳолларда;

3) солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан – акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар сақланганда, реализация қилинганда, шунингдек яширин равишда ишлаб чиқарилганда қўлланилади.



*Муайян шахсни унга берилган **махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш** (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) **махрум этиш** – ҳуқуқбузарнинг белгиланган фаолият билан шуғулланишини, махсус ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқини вақтинчалик чеклашдан иборат маъмурий жазо туридир. Қонун чиқарувчи бу жазо чорасини қўллашни фақат транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан ва ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳоллари билангина чеклайди.*

Турли транспорт воситаларини бошқариш ҳамда овчилик билан шуғулланиш – белгиланган ёшга тўлган шахсда **махсус ҳуқуқ** (тегишли транспорт воситасини бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси, талони шунингдек овчилик билети)**нинг** мавжуд бўлишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТҚда махсус ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг энг кўп ва энг оз муддатлари ҳамда мазкур жазони қўлловчи орган(мансабдор шахс) белгиланган бўлиб, махсус ҳуқуқдан маҳрум этишни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидангина айбдор шахс ўзига берилган махсус ҳуқуқ (транспорт воситаларини бошқариш, ов қилиш ҳуқуқи)дан фойдаланиш тартибини қўпол бузса, ёки мунтазам бузиб келса, шу ҳуқуқдан **ўн беш кундан уч йилгача** муддатга маҳрум қилиш жазо чораси қўлланиши мумкин.



**Маъмурий қамоққа олиш** – ҳуқуқбузар шахсга нисбатан унинг шахсий эркинлигини маълум бир муддат (уч суткадан ўн беш суткагача, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун – ўттиз суткагача)га вақтинчалик чеклаш ва жамиятдан ажратиб қўйишдан иборат бўлган қаттиқ маъмурий жазо туридир.

Маъмурий қамоққа олиш фақат туман (шаҳар) судининг жиноий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан қўлланилиши мумкин.

## **2-ўқув саволи. Маъмурий жазо қўллашнинг умумий қоидалари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинганда, яъни ҳуқуқбузар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун маъмурий жазо – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилади.

Маъмурий жазони қўллаш асослари яна қуйидагиларда намоён бўлади:



- 1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломатининг мавжудлиги;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс жавобгарликка тортиш ёшига етган бўлса;
- 3) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли расо бўлса;
- 4) шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ёки охириги зарурат чегарасидан четга чиқиб содир этса;
- 5) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетмаган бўлса.

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи санкцияларда – жазо чораси ва унинг рухсат этилган меъёрлари(ҳажми, миқдори)нинг энг ками ва энг юқориси кўрсатилган бўлади.

Маъмурий жазони қўллашда ваколатли орган (мансабдор шахс) маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг, яъни қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари<sup>1</sup>га асосланиши шартдир.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКда маъмурий жазонинг қўлланилишига бағишланган алоҳида 4-боб ажратилган бўлиб, унинг 30-моддасида маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қоидалари ўз аксини топган. Мазкур маъмурий-ҳуқуқий нормага мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилади.

Ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий жазони қўлланиш чоғида:

- содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти;
- ҳуқуқбузарнинг шахси;
- унинг айбдорлик даражаси;
- мулкӣ аҳволи;
- жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар;
- жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Маъмурий жазо қўлланишининг мазкур умумий қоидаларига барча ваколатли органлар ва мансабдор шахслар риюя қилишлари шарт.

Бундан ташқари маъмурий жазони қўллашда жазони индивидуаллаштириш ҳам катта аҳамият касб этади, яъни маъмурий ҳуқуқда

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1995. – 3-сон. – 6-м.

содир этилган қилмишнинг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг айбдорлик даражаси, шахси ҳамда қонунда назарда тутилган жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган санкциялар чегарасида унга жазо тайинлашдир.

Ваколатли орган (мансабдор шахс) жазони индивидуаллаштириб, аввало содир этилган қилмишнинг хусусияти, даражаси ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олади. Бунда қилмишни қандай усулда, ким билан биргаликда содир қилинганлиги, қайси босқичгача олиб борилган – тайёргарлик ёки тугалланганлиги, ҳуқуқбузар шахснинг вояга етмаган ёки етганлиги, ҳуқуқбузарликни биринчи бор ёки такроран содир этиши, ҳуқуқбузарликни қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этиши ва ҳоказолар эътиборга олинади.

Жазони индивидуаллаштиришда айбдор шахснинг барча ижобий ва салбий хусусиятлари, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари ҳисобга олинади лозим, чунки жазо асосан шахсий хусусиятга эга ва айбдор шахсга қўлланилади<sup>1</sup>.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 31-моддасига кўра, маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

- 1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;
- 2) айбдорнинг ҳуқуқбузарлик зарарли оқибатларининг олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда қоплаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;
- 3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;
- 4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;
- 5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;
- 6) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яққа ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 242-моддасида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар ва мансабдор шахслар кодекснинг 33-моддасига асосан маъмурий жазо чорасини қўллаётганда маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабабини албатта кўрсатиб, кодекснинг махсус

---

<sup>1</sup> Бахрамов Х.Х., Селиманова С.М. Административная ответственность: обстоятельства, влияющие на назначение наказания // *Ҳуқуқ-Право-Law*. – Т., 2005. – 3-сон. – 78-79-б.

қисмидаги моддаларнинг жазо белгилаш қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини қўллаши мумкин. Ушбу ҳолатни, маъмурий жарима жазоси мисолида кўриш мумкин. Бунда фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Ҳуқуқбузар шахс томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишга ваколати бўлган орган, мансабдор шахс ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин. Мазкур маъмурий-ҳуқуқий нормалар ўзида инсонпарварлик принципини тўла ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 32-моддасида эса маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга қуйидагилар киритилган:

- 1) ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;
  - 2) маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек ҳуқуқбузарликни илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;
  - 3) вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш (жалб қилиш);
  - 4) ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;
  - 5) ҳуқуқбузарликнинг табиий офат шароитида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши;
- б) ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс)ларга булардан ташқари бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиш ваколати берилмаган. Улар, ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши ҳолатини фақат унинг хусусиятига қараб айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

Бир шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракат(ҳаракатсизлик)ларини содир этган бўлса, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айни бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқиладиган бўлса, бу шахсга нисбатан узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади. Бу ҳолда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган кўшимча жазо чораларидан бири қўшилиши мумкин.

Башарти шахс МЖТКнинг Махсус қисмидаги бир неча модда билан маъмурий жавобгарлик белгиланган ва улар тўғрисидаги ишларни ҳар хил орган (мансабдор шахс) кўрадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган бўлса,

унга нисбатан жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади. Бу ҳолда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жазо чораларидан бири қўшилиши мумкин<sup>3</sup>.


### Мустақил тайёргарлик учун топшириқ

1. Асосий маъмурий жазо чоралари деганда нимани тушунасиз ва улар қайсилар?
2. Қўшимча маъмурий жазо чоралари деганда нимани тушунасиз ва улар қайсилар?
3. Бир қанча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик.
4. Енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар.


### Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Зинама-зина”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Ушбу методдан мақсад тингловчилар онгида Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий жазо чоралари тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш. Тингловчилар ушбу жазо чораларини енгилдан оғирга қараб ўрганиш билан бирга, ҳар бир жазо чорасининг моҳияти ва тартибини ўзаро фикр алмашиш орқали ўрганишади.



### Маъмурий жазо чоралари:



<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1995. – 3-сон. 6-м.

**Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



**Мустақил таълим учун топшириқ**

1. Маъмурий жазо тушунчаси ва турлари?
2. Жарима жазоси тушунчаси ва моҳияти?
3. Маъмурий қамоқ жазоси тушунчаси ва моҳияти?
4. Жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар?
5. Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар?

## 4.6-МАВЗУ: АЙРИМ ТУРДАГИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

### Маъруза машғулоти (2 соат)

#### Машғулоти режаси:

**1-ўқув саволи.** Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси ва турлари.

**2-ўқув саволи.** Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ва мулкка тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси ва турлари.

**3-ўқув саволи.** Одил судлов, жамоат тартиби ва бошқарув тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

#### **1-ўқув саволи. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси ва турлари**

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар деганда айбдор шахс томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги тартибга солинган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши тушунилади. Мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва қонун ости ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликларга қўйидагилар киради:

1. Тухмат;
2. Ҳақорат қилиш;
3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш;
4. Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш;
5. Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асосиз равишда рад этиш;  
(*Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим. Конституция 30-модда.*)
6. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш;
7. Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш;
8. Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик;
9. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик;
10. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш;
11. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш;

12. Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш;
13. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш;
14. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш;
15. Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги;
16. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш;
17. Маҳаллий меҳнат органлари томонидан юборилган фуқароларни ишга олишдан бош тортиш;
18. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлов каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар белгиланган.



#### **40-модда. Тухмат.**

Тухмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш.

Била туриб ёлғон гапириш – бу, тегишли маълумотлар ёки фактларни тарқатувчи шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини олдиндан англашига ва йўл қўйишига айтилади.

Уйдирмалар тарқатиш – бу, олдиндан била туриб гўё рўй бермаган маълумотлар ёки фактларни камида битта шахсга ошкоро (ноошкоро) оғзаки, ёзма ёки бошқа бир шаклда маълум қилиши тушунилади. Бунда маълум қилиш оғзаки, ёзма ёки бошқа бир шаклда баён этилганлигининг аҳамияти йўқ.

Маълумотларнинг ёлғонлигини англаб етмаслик (масалан, маълумотларнинг расмий шахсдан олинishi, ҳужжатлар билан таниishi) жавобгарликни истисно қилади. Ҳақиқатда содир бўлмаган фактларнинг маълум қилиниши, лекин уларнинг мазмунига нотўғри баҳо берилиши тухмат ҳисобланмайди.

Тегишли маълумотларни тарқатувчи шахснинг мазкур маълумотлар тўғри бўлиши мумкин, деб тахмин қилиши тухмат учун маъмурий жавобгарликни истисно қилмайди.

Бошқа шахсларни шарманда қилса ҳам, лекин ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотларни тарқатиш тухмат таркибини ҳосил қилмайди.

Бошқа шахсни шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш уйдирма ҳисобланадими, деган масала ахлоқ ва маънавийлик нормалари асосида ҳал этилади. “Бошқа шахсни шарманда қилувчи уйдирмалар” жумласига қонун, ахлоқ ва маънавийлик нормаларига риоя қилиш нуқтаи назаридан жамоатчилик ёки айрим фуқаролар фикрида фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматини ерга урувчи уйдирмаларни ҳам киритиш мумкин.

Тухмат тўғридан-тўғри ғаразли ният билан, қасддан одатда ўч олиш, кўролмаслик каби баҳоналар билан содир этиладиган ҳуқуқбузарликдир.

Фуқароларнинг мазкур ҳуқуқбузарликлардан ҳимояланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида мустаҳкамланган.

Мазкур ҳуқуқбузарлик “тақиқловчи” маъмурий-ҳуқуқий норма бўлиб, ушбу модданинг тузилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак:

Тухмат (40-м.) сўзининг ўзи – маъмурий-ҳуқуқий норманинг **гипотезаси** ҳисобланиб, яъни маъмурий-ҳуқуқий норманинг қандай ҳолатда ва шароитда қўлланилишини белгилайди. Бунда тухмат жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоида (меъёрлари)лари зид бўлган хатти-харакатлар ҳисобланади.

Била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиши бу – маъмурий-ҳуқуқий норманинг **диспозицияси** ҳисобланади.

Базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жаримаси эса – маъмурий-ҳуқуқий норманинг **нисбий аниқ санкцияси** ҳисобланади.

**Объекти** – шахснинг шаъни ва қадр-қиммати.

**Объектив томони** – ҳаракат (фаол) натижасида содир этилади.

**Субъекти** – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

**Субъектив томони** – қасддан (тўғри) содир этилади.

Мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиб маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарликни айнан шу шахс томонидан такрор содир этса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-модда 1-қисми билан квалификация қилинади.



**Ҳақорат қилиш** – фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлиб, шахснинг маънавий нуфузига атрофдаги фуқаролар кўз ўнгида путур етказиши ва жабрланувчининг ҳурматига зарар етказилиши тушунилади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик оғзаки ёки ёзма (хат, расм ва шу кабилар) тарзда ёхуд фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урадиган хатти-харакат (тарсаки, тупурмоқ, беадаб имо-ишора сингари)лар билан содир этилиши мумкин. Тухмат ҳуқуқбузарлигидан фарқли ўлароқ, ҳақорат қилишда жабрланувчининг маънавий қиёфасини салбий тасвирловчи қандайдир фактлар кўрсатилмайди, балки шахсга баҳо берилади, бу баҳо кишининг хулқ-атворида, қиёфаси кабиларга тегишли бўлиши мумкин.

Бу салбий баҳо ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслиги мазкур таркиб учун аҳамиятсиздир. Башарти, масалан, шахс жабрланувчини аҳмоқ деб атаса-ю, ҳақиқатан ҳам у кўпчилик бошқа шахсларнинг фикрича ақлсиз бўлса, у ҳолда ҳақорат янада яққол намоён бўлади.



Мазкур ҳуқуқбузарлик “тақиқловчи” маъмурий-ҳуқуқий норма бўлиб, ушбу модданинг тузилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак:

Ҳақорат қилиш (41-м.) сўзининг ўзи – маъмурий-ҳуқуқий норманинг **гипотезаси** ҳисобланиб, яъни маъмурий-ҳуқуқий норманинг қандай ҳолатда ва шароитда қўлланилишини белгилайди. Бунда ҳақорат қилиш жамиятда ўрнатилган ҳуқ-атвор қоида (меъёрлари)лари зид бўлган хатти-ҳаракатлар ҳисобланади.

Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан камситиш бу – маъмурий-ҳуқуқий норманинг **диспозицияси** ҳисобланади.

Базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирк бараваригача миқдорда жаримаси эса – маъмурий-ҳуқуқий норманинг **нисбий аниқ санкцияси** ҳисобланади.

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг таркибий тузилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак:

**Объекти** – шахснинг шаъни ва кадр-қиммати.

**Объектив томони** – ҳаракат (фаол) натижасида содир этилади.

**Субъекти** – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

**Субъектив томондан** – мазкур ҳуқуқбузарлик тўғридан-тўғри қасддан содир этилади, яъни шахс ўзининг хатти-ҳаракатлари ғайриҳуқуқий эканлигини англаб етади ва уларни содир қилишни истади. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарнинг аниқ ифодаланган мақсади шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ерга уриш.

Ҳақорат кўпчилик ўртасида — айбдорга ҳам, жабрланувчига ҳам таниш ёки нотаниш кишилар иштирокида, ҳатто жабрланувчи йўқ бўлган вақтда ҳам содир этилиши мумкин. Бу кейинги ҳолатда айбдорнинг нияти ҳақоратнинг жабрланувчига маълум бўлишидан иборатдир.

Мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиб маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарликни айнан шу шахс томонидан такрор содир этса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 140-модда 1-қисми билан квалификация қилинади.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан мазкур ҳуқуқбузарлик аниқланганда ёки фуқароларнинг ички ишлар органларига қилган мурожаатлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли маъмурий-процессуал ҳужжатларни расмийлаштириб, ўрнатилган тартибда маъмурий жазо чорасини қўллаш учун маъмурий ишлари судга тақдим этади.

**2-ўқув саволи. Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ва мулкка тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси ва турлари**

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг **VI боби Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик** деб номланган бўлиб, ушбу бобда **52-59-моддаларни** ўз ичига олган маъмурий

ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

**Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар деганда** – айбдор шахс томонидан аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги тартибга солинган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши тушунилади.

**Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг турлари:**

1. Енгил тан жароҳати етказиш (52-м);
2. Санитария қонун ҳужжатларини бузиш (53-м);
3. Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш (54-м);
4. Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш (55-м);

5. Гиёвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш (56-м);

6. Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш (56<sup>1</sup>-м);

7. Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш (57-м);

8. Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши (58-м);

9. ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик (59-м).



#### **Енгил тан жароҳати етказиш (52-м).**

**Эҳтиётсизлик** орқасида енгил тан жароҳати етказиш (1 б-дан – 2 б-ча жарима);

а) ҳуқуқбузар зарар етказилишига олдиндан кўзи етган бўлса ҳам енгилтаклик билан уни бартараф этиш мумкинлигига ишонган бўлса;

б) ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракатлари билан етказилган зарар эҳтиётсизлик орқасида содир

этилган бўлса.

**Қасддан** енгил тан жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддатли ёмонлашувиغا ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишига олиб келмаган бўлса, (2 б-дан – 4 б-ча жарима);

Соғлиқнинг ёмонлашуви муддати ва меҳнат қобилиятининг қай даражада йўқотилганлиги масаласини тиббий гувоҳлик бериш хулосасини ҳисобга олган ҳолда маъмурий ишлар бўйича судья ҳал қилади.

Ҳуқуқбузарлик **объекти** жабрланган шахснинг соғлиғидир.

Ҳуқуқбузарликнинг **объектив томони** ҳаракат натижасида с. э-ди.

Ҳуқуқбузарликнинг **субъектив томони**

1-қисми эҳтиётсизлик орқасида содир этилади;

2-қисми эса, қасддан енгил тан жароҳати етказилади.

Ҳуқуқбузарликнинг *субъекти* 16 ёшга тўлган жисмоний шахс ҳисобланади.

Худди шундай хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этилган қасддан енгил тан жароҳати етказилиши ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилинади.

56-модда. Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш

Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш —

гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қamoқ жазосига сабаб бўлади.

***Ички ишлар органлари томонидан мазкур ҳуқуқбузарлик аниқланиб, тегишли маъмурий-процессуал ҳужжатлар тузилиб, қўриб чиқиш учун судга юборилади.*** Кодекснинг 52-моддасининг 1 ва 2-қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан қўриб чиқилади.

**Мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик МЖтКнинг 60–64-моддаларини ўз ичига олган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларнинг турлари:**

1. Табiiй ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш;
2. Оз миқдорда талон-торож қилиш;
3. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотларининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;
4. Топиб олинган мол-мулкни яшириш;
5. Ғайриқонуний ов маҳсулотларини қабул қилиш;
6. Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш.



**Оз миқдорда талон-торож қилиш деганда** – мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилишига айтилади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса.

Башарти, талон-торож қилинган мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **30 бараваридан ошмаса**, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож қилиш деб ҳисобланади.

Устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкни уларнинг ходими томонидан ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан содир этилган оз миқдорда талон-торож қилиш **фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади.**

Мулкни оз миқдорда талон-торож қилиш мулкка тажовуз қилишнинг кенг тарқалган турларидан биридир. Бу ҳуқуқбузарлик етказадиган моддий зарар жуда катта бўлиб, бундан кўриладиган маънавий зиён ҳам озмунча эмас. Мулкни ўғирлаш, оз миқдорда талон-торож қилиш қасддан қилинадиган, ҳақини тўламасдан содир этиладиган ғайриқонуний хатти-ҳаракат бўлиб, бу мулкни ғаразли мақсадда ўзининг мулки қилиб олиш ёки бошқа шахснинг мулки қилиб бериш учун амалга оширилади. Айбдор меҳнат сарфламасдан бой бўлиб қолади, талон-торож қилинган мулкни ўз мулки сифатида тасарруф қилади, уни ишлатади, инъом этади, сотади ёки ҳоказо.

**Мулк деганда**, саноат, хўжалик ёки ҳунармандлик, ишлаб чиқариш буюмлари, хом ашё, пул, ҳақ тўланган ҳужжатлар тушунилади.

Талон-торож қилинган мулкнинг қиймати белгиланган чакана нархлар билан аниқланади. Агар талон-торож умумий овқатланиш корхонасида (ишлаб чиқаришда, буфетда) ёки комиссия савдода рўй берган бўлса, қиймат ана шу маҳсулотни ва молни сотиш учун белгиланган нархлар асосида аниқланади. Башарти талон-торож қилинган мулкнинг чакана нархи бўлмаса, у ҳолда қиймат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Моддий бойликларни талон-торож қилишда, растрата қилишда, қасддан йўқ қилиш ёки қасддан шикаст етказишда уларнинг чакана нархи бўлмаган тақдирда етказилган зарарни белгилаш учун нархларни ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги кўрсатмалар»ига мувофиқ аниқланиши керак.

Башарти, талон-торож қилинган мулкнинг, бойликнинг чакана нархи бўлмаса ва уларнинг қийматини Молия вазирлиги кўрсатмаларида назарда тутилган тартибда аниқлаш имкони бўлмаса, у ҳолда ўғирланган мулк қиймати эксперт хулосаси асосида аниқланади.

Содир этилган талон-торож оз миқдордаги талон-торож эканлигини ҳал этишда талон-торож қилинган мулкнинг қийматидан ташқари, буюмларнинг табиий миқдори (вазни, ҳажми) ва уларнинг халқ хўжалиги учун аҳамияти ҳам ҳисобга олиниши лозим. Талон-торож қилинган мулкнинг (масалан, муайян

бинокорлик материалининг) ўта тақчиллиги ҳам назарда тутилиши керак. Оз миқдордаги талон-торож, башарти, у мазкур моддада кўрсатиб ўтилган шаклларда, яъни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан содир этилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркибини ташкил этади.

**Ўғирлаш** – яширин равишда талон-торож қилишдир.

**Ўзлаштириш** – ҳуқуқбузар ихтиёрида бўлган мулкни ўзиники қилиб олиши ёки бошқа шахснинг мулкига айлантиришига айтилади.

**Растрата қилиш** – айбдор шахснинг ихтиёрида бўлган мулкни ғаразли мақсадда сотилиши, ишлатилиши, ҳадя қилиниши, бегоналаштирилишига айтилади.

### **3-ўқув саволи. Одил судлов, жамоат тартиби ва бошқарув тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**

*Одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик МЖТКнинг 180–182-моддаларида белгиланган. Буларга:*



**Судга ҳурматсизлик қилиш** (МЖТК 180-м.), Суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик (МЖТК 181-м.), Халқ маслаҳатчисининг судга боришига тўсқинлик қилиш (МЖТК 182-м.) моддалари бўйича ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Одил судловга тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам ҳар қандай ҳуқуқбузарлик сингари куйидаги тўрт таркибдан иборат:

**Объекти** – одил судловнинг нормал фаолиятини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

**Объектив томони** – ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир, жумладан, одил судловни тартибга солувчи ижтимоий муносабатларга зарар етказишга қаратилган.

**Субъекти** – 16 ёшга тўлган ақли расо, жисмоний шахс ҳисобланади.

**Субъектив томон** – қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилганлиги.

**Судга ҳурматсизлик қилиш (180-м.).** Гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Одил судлов (суд) органининг нормал фаолияти ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти ҳисобланади. Гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёки суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарликнинг *объектив томони* ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик амалга оширилган пайтда қонун олдида жавоб бера оладиган, 16 ёшга тўлган шахс ҳуқуқбузарлик *субъекти* бўлиши мумкин.

Кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликнинг *субъектив томони* айбнинг қасддан қилинганлигида ифодаланади. Бу ўринда ҳуқуқбузарнинг судга ҳурматсизлиги, шунингдек, судни ошқора менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракат содир этгани намоён бўлади.

Моддада кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси ва хўжалик судлари кўриб чиқади (245, 245<sup>1</sup>-м.).

**Суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик (181-модда)**

Мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермаслик.

Одил судлов (суд) органининг нормал фаолияти ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти ҳисобланади. Мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермасликда ўз ифодасини топган хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарликнинг *объектив томони* ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик амалга оширилган пайтда қонун олдида жавоб бера оладиган, 16 ёшга тўлган шахс ҳуқуқбузарлик *субъекти* бўлиши мумкин.

Кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликнинг *субъектив томони* айбнинг қасддан қилинганлигида ифодаланади. Бу ўринда ҳуқуқбузарнинг суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракат содир этгани намоён бўлади.

Моддада кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни туман (шаҳар) судининг ушбу кодекснинг 180,181,182-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни Маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади (МЖтК 245-модда).

Ушбу кодекснинг 180-181-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни Хўжалик судлари кўриб чиқадилар (245<sup>1</sup>-модда).

Ушбу кодекснинг 180, 181-моддаларида Фуқаролик ишлари бўйича судлар ваколати доирасида кўриб чиқадилар (245<sup>4</sup>-модда).

**Халқ маслаҳатчисининг судга боришига тўсқинлик қилиш (182-модда).**

Мансабдор шахснинг халқ маслаҳатчиси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун судга боришига тўсқинлик қилиши.

Одил судлов (суд) органининг нормал фаолияти ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти ҳисобланади. Мансабдор шахснинг халқ маслаҳатчиси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун судга боришига тўсқинлик қилишида ўз ифодасини топган хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарликнинг *объектив томони* ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик амалга оширилган пайтда қонун олдида жавоб бера оладиган, 16 ёшга тўлган шахс ҳуқуқбузарлик *субъекти* бўлиши мумкин.

Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг *субъектив томони* айбнинг қасддан қилинганлигида ифодаланади. Бу ўринда ҳуқуқбузарнинг мансабдор шахснинг халқ маслаҳатчиси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун судга боришига тўсқинлик қилиши дан далолат берувчи хатти-ҳаракат содир этгани намоён бўлади.

Моддада кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси ваколати доирасида кўриб чиқади (МЖтК 245-модда).

Бошқарув соҳасида ҳуқуқий нормалар ёрдамида тартибга солинган, ваколатли органлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий муносабатлар – бошқарув тартиби деб аталади. Бошқарув тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар МЖтКнинг 193-241-моддаларида қайд этилган.

Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарлик ҳам ҳар қандай ҳуқуқбузарлик сингари қуйидаги тўрт таркибдан иборат:

**Объекти** – бошқарув соҳасида ҳуқуқий нормалар ёрдамида тартибга солинган, ваколатли органлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

**Объектив томони** – ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир, жумладан, бошқарув соҳасида ҳуқуқий нормалар ёрдамида тартибга солинган, ваколатли органлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий муносабатларга зарар етказишга қаратилган.

**Субъекти** – 16 ёшга тўлган ақли расо, жисмоний шахс ҳисобланади.

**Субъектив томон** – қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилганлиги.



## **Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик (194-м.).**

Ички ишлар органлари ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, милицияга бориш ёки кўрсатилган муддатда милицияда бўлишдан иборат қонуний талабларини бажармай милицияга келмаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд милиция ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса.

Бошқарув тартиби соҳасида ижтимоий муносабатлар ушбу ҳуқуқбузарликнинг объекти ҳисобланади. Давлат ҳокимияти, ички ишлар органи ходими ҳамда жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширувчи шахсларнинг обрўси ички ишлар органлари ходимининг қонуний талаби бажарилмаслигининг бевосита объекти ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ички ишлар органлари ходими, маҳалла посбони, ҳарбий хизматчининг талабини бажармасликка қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан ифодаланади. Ички ишлар органлари ходимининг талабини бажармаслик натижасида зарарли оқибатнинг юзага келиши шарт эмас. Ҳуқуқбузарлик таркибига бевосита кирмайдиган оқибатларга фақат ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ифодаловчи белгилар талабини бажармасликнинг объектив томони қўшилади. Таркибни таснифлаш учун шахснинг қонуний талабларни бажармаганлигини, яъни бўйсунмаганлигини белгилаш муҳим. Бунда шуни таъкидлаш керакки, мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркиби талабни бажармаслик фақат бир неча марта қатъий қилинган талабни бажармасликда ёки жамоат тартибини муҳофаза қиладиган шахслар ва органларга нисбатан яққол ҳурматсизлик кўринишидан далолат берадиган қўпол шаклдаги бўйсунмасликда юзага келади. Ички ишлар органлари ходими, маҳалла посбонлари ёки ҳарбий хизматчининг талаби такрорий ва қатъий усулда бўлиши, тартиб бузувчининг бунга бажаришдан воз кечиши сўз, имо-ишора, сукут сақлаш шаклида намоён бўлиши лозим. Бунда айбдор кўпчилик олдидами ёки ички ишлар органлари ходими, маҳалла посбони ёки ҳарбий хизматчи олдидами бўйсунмасликни намоён этишининг аҳамияти йўқ.



16 ёшга етган шахс кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўлиши мумкин. субъектив томони — ҳуқуқбузарликнинг қасдан содир этилганлиги.

### Мустақил тайёргарлик учун топшириқ

1. Тухмат ҳамда ҳақорат ҳуқуқбузарликларининг ўзаро фарқини таҳлил қилиш.
2. Баданга енгил шикаст етказиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини конспектлаштиринг.
3. Оз миқдорда талон-тароғ қилиш ҳуқуқбузарлигининг ўзига хос хусусиятлари?
4. Учта ҳуқуқбузарликнинг юридик таркибини ёзиш.

### Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“CASE STUDY”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«CASE STUDY» (кейс стади) муайян вазиятлар орқали ўрганиш – тингловчиларни ўқитувчи белгилаб берган реал вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш таклифларини ишлаб чиқишга йўналтирилган метод. Муайян вазиятлар таҳлил индивидуал ёки кичик гуруҳларда амалга оширилиши мумкин.



Кейс тингловчиларга мавзу доирасида муаммони аниқлашга, уни ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳал этиш йўллари эркин излаш, таҳлил қилиш ва ҳуқуқий баҳо бериш кўникмаларини беради. Кейс таҳлил қилиш жараёнида тингловчилар бир-бирлари билан мулоқот қилишни коммуникацион ҳолатларини шакллантиради. Кейс стади тингловчиларнинг назарий билимларини амалиётда қўллаш, тадбиқ этишга асосланади.

Гуруҳ тингловчилари уч ёки тўрт гуруҳга тенг тақсимланади ва ҳар бир гуруҳга алоҳида муаммоли вазият берилади.

**1-муаммоли вазият.** М.Улуғбек тумани Сайром кўчаси 7-хонадонда яшовчи фуқаро Т.Т.Умидов ишга кириш мақсадида туманнинг “Бўш иш ўринлар ярмаркаси”га борди. У ерда туманда жойлашган Дон маҳсулотлар комбинатидан бўш ўрин топиб шу корхонага кириш учун ариза ва ишга киришга керакли бўлган ҳужжатларни расмийлаштириб шу корхона раҳбариятига топширди. Лекин фуқаро Т.Т.Умидовнинг ишга кириш учун ёзган аризаси ва ҳужжатлари ҳеч қандай сабабларсиз кўриб чиқилмади ва ишга қабул қилинмади.

**2-муаммоли вазият.** 201\_\_й «\_\_» \_\_\_\_\_ куни Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани Қорасу 4 даҳасида жойлашган Автобуслар тўхташ шох бекатида 1985 й.т. фуқаро А.А.Олтиев “Палмал” номли сигарета тамаки

махсулотини чекиш белгиланмаган жойида истеъмол қилаётган вақтида профилактика инспектори томонидан аниқланди.

**3-муаммоли вазият.** Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани, Қора сув-4, 15-уй, 1-хонада яшовчи фуқаро А.Т.Абдуллаев уйдан 3000 АҚШ доллар пулини қўшниси фуқаро С.С.Рустамбаев ўғирлаганини профилактика инспекторига айтди. Ушбу ҳолат бўйича профилактика инспектори фуқаро С.С.Рустамбаев билан суҳбат олиб бориш учун ИИО ТПга олиб келиб тушунтириш хати олаётган пайтда фуқаро А.Т.Абдуллаев пулимни топдим уйимдан, қўйган жойим эсимдан чиқган экан деб профилактика инспекторига айтади.

**4-муаммоли вазият.** Қибрай туманининг Тузел маҳалласида яшовчи фуқаро А.Б.Косимов қўшниси фуқаро А.С.Ахроров билан суҳбатлашиб ўтирганда, улар ўртасида низо чиқди, фуқаро А.Б.Косимов жамоат жойида фуқаро А.С.Ахроровни шаъни қадр-қимматини камситувчи ҳар хил уятли сўзлар билан сўкиниб кетди. Шу ҳудудда хизмат олиб бораётган ППХ ходимлари фуқаролар А.Б.Косимов ва А.С.Ахроровларни ИИО ТПга олиб келди.

Гуруҳларга юқоридаги муаммоли вазиятлар юзасидан қуйидаги вазифалар берилади:

1. ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш;
2. аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг таркибини аниқлаш.

**Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганди гуруҳнинг дарс машғулотидидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



**Мустақил таълим учун топшириқ**

1. Жамоат жойлари деганда нимани тушунчасиз?
2. Тухмат ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жавобгарлик?
3. Ҳақорат ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жавобгарлик?
4. Баданга енгил тан жароҳати етказиш ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жавобгарлик?
5. Майда безорилик ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жавобгарлик?

## 4.7-МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ

Маъруза машғулоти (2 соат)

**Машғулот режаси:**

**1-ўқув саволи.** Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби ва муддатлари ҳамда ушлаб туришга ваколатли органлар (мансабдор шахслар).

**2-ўқув саволи.** Шахсни кўриқдан ўтказиш иш ва ашёларни кўздан кечириш асослари

**3-ўқув саволи.** Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари ва тартиби

**1-ўқув саволи.** Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби ва муддатлари ҳамда ушлаб туришга ваколатли органлар (мансабдор шахслар).

Ўзбекистон Республикасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби ўрганишдан олдин Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари тўғрисида тушунчаларни билиб олишимиз зарур.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари (МЖТК 285-модда):**

- маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш;
- ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш;
- ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш (баённома тузиш зарур бўлганда);
- маъмурий йўл билан ушлаб туриш
- шахсни кўриқдан ўтказиш
- ашёларни кўздан кечириш
- ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш
- транспорт воситаларини ушлаб туриш
- транспорт воситаларини кўздан кечириш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари сифатида ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш билан бирга зурур ҳолларда **ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш** зарур бўлади.

Ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш тартиби **МЖТКнинг 284-моддасига** асосан амалга оширилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик қилинган жойда тузиш мумкин бўлмаса, ҳуқуқбузар **милиция ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс томонидан милицияга ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига** ушлаб келтирилиши мумкин.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, транспортда юкларни бут сақлашни таъминлаш борасидаги қоидалар, транспортда ёнғиндан сақлаш қоидалари, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши кураш-санитария қоидалари бузилган тақдирда ҳуқуқбузар, агар унда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва у ҳақда зарур маълумотлар бериши мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса, **ваколатли шахс томонидан милицияга ушлаб келтирилиши мумкин.**

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда баённома тузиш мақсадида, башарти ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида аниқлаш мумкин бўлмаса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш устидан **назорат олиб борувчи органларнинг ходимлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг мансабдор шахслари, шунингдек милиция ходимлари** шундай ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни милицияга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтиришлари мумкин. Ҳуқуқбузар **табиатни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари, овчилик жамоатчи инспекторлари, балиқларни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари ва ўрмонларнинг жамоатчи инспекторлари** томонидан ҳам ушлаб келтирилиши мумкин.

Юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларига, бошқа хил мол-мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ҳуқуқбузар ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик ҳаракатига барҳам бериш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун ҳарбийлаштирилган соқчилик хизмати биносига ёки милицияга ушлаб келтирилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарни олиб келиш иложи борича қисқа муддатда амалга оширилиши лозим.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига олиб келинган шахс бу ерда бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас.



***Маъмурий йўл билан ушлаб туриш*** – ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, маъмурий баённома тузиш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашга қаратилган, шахснинг қисқа муддатга эркинлигини чеклашдан иборат маъмурий таъсир чораларидан биридир.

Ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби Ўз.Р. МЖТКнинг (286-моддаси) “Маъмурий йўл билан ушлаб туриш”га асосан амалга оширилади ҳамда ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушлаб туриш учун “Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённома тузилади”.

Ушбу моддага асоан маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиб, унда:

- баённома тузилган сана ва жой;
- баённома тузган шахснинг лавозими;
- фамилияси, исми, отасининг исми;
- ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар;
- уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади.

- Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади.

- Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади.

- Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

## **2-ўқув саволи. Шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш асослари**

### ***Шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш (МЖТК 289)***

Шахсни кўриқдан ўтказиш:

**- ички ишлар органларининг ваколатли шахслари;**

**- ҳарбий соқчиликнинг ваколатли шахслари;**

**- ҳаво транспортининг ваколатли шахслари;**

**- божхона органлари ваколатли шахслари;**

**- чегара қўшинларининг ваколатли шахслари**

Ўзбекистон Республикаси қонунларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса, **шунга ваколоти бўлган бошқа органлар** томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шахсни кўриқдан ўтказиш кўриқдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан ва шу жинсдаги иккита ҳолис гувоҳ иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ашёларни кўздан кечириб чиқиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органларининг, чегара қўшинларининг, солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги **Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг,** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек тегишли **ваколоти бўлган органлар**нинг бошқа ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади.

Ашёларни, ов қилиш ва балиқ тутиш қуролиларини, қўлга киритилган маҳсулотлар ва бошқа буюмларни кўздан кечириш, одатда, шу ашё ва буюмлар кимнинг мулки ёки эгалигида бўлса, ўша шахс иштирокида амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, мазкур ашёлар, буюмларни мулкдорсиз (эгасисиз) иккита ҳолис гувоҳ иштирокида ҳам кўздан кечириб чиқилиши мумкин.

Шахсий кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомага тегишинча ёзиб қўйилади.



### *Ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш (МЖТК 290-м)*

Ҳуқуқбузарларни ушлаш, шахсий кўриқдан ўтказиш ёки ашёларини кўздан кечириш вақтида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашёлар бўлмиш ашё ва ҳужжатлар МЖТКнинг назарда тутилган органларнинг мансабдор шахслари томонидан олиб қўйилади. Олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилгунга қадар шундай ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқи берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан белгилаб бериладиган жойларда сақланади, иш кўриб бўлинганидан кейин эса, уни кўриб чиқиш натижаларига қараб, бу ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса — сотиб юборилади.

Олиб қўйилган орден, медаль, фахрий унвоннинг кўкракка тақиладиган нишони қонуний эгасига қайтариб берилади, башарти, эгаси номаълум бўлса, унда тегишли органга жўнатилади.

Божхона қоидалари ёки солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, башарти ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлмаса, жарима ундирилишини таъминлаш мақсадида унинг ашёлари (қимматли буюмлари) олиб қўйилиши мумкин.

Ашё ва ҳужжатлар олиб қўйилган тақдирда бу хусусда баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд буюмларни кўздан кечириб чиқиш ёки маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳақидаги баённомаларга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун Ўз.Р.МЖТКга мувофиқ транспорт воситасини, кичик ҳажмли кемани бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзида маъмурий жазо қўлланилиши мумкин бўлса, ҳуқуқбузардан унинг иши юзасидан қарор чиқарилгунга қадар транспорт воситаси, кичик ҳажмли кемани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, овчилик билети олиб қўйилади ва бу ҳақда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага, шунингдек ҳайдовчилик гувоҳномасининг талонига, кема бошқарувчиси гувоҳномасининг талонига тегишлича ёзиб қўйилиб, талонлар транспорт воситаси ҳайдовчисига, кема бошқарувчисига қайтариб берилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани ва ов қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш эса — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

МЖТКнинг қисмларида, назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, милиция ходимлари иш кўриб чиқилгунга қадар ўқотар қуролни, шунингдек ўқ-дориларни олиб қўйишга ҳақлидирлар, бу хусусда мазкур қуролнинг марка ёки модели, калибри, туркуми ва тартиб рақами, ўқ-дориларнинг миқдори ва тури кўрсатилган ҳолда баённомага тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан унинг ашёларини олиб қўйиш, шахсий кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириб чиқиш жуда зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилади.

***Ички ишлар органлари ходимлари томонидан маъмурий йўл билан ушлаб туриш чорасини қўллаш тартибига алоҳида йўналиш:***

ИИОлари ходимлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораларини қўллашда ушбу жараёнининг дастлабки босқичларига эътиборимизни қаратишимиз лозим. ИИОлари ходимлари ушбу чораларини қўллашда аввало фуқаролар билан мумалага киришиши лозим бўлади. Ушбу жараёнда ИИО ходими фуқаролар билан хушмуомалали бўлиши, фуқароларга "Сиз"лаб мурожаат қилиши, ўзининг талаб ва танбеҳларини асосли тарзда ифодалай олиши керак.

Фуқарога мурожаат қилганда ходим қўлини бош кийимга теккизиб саломлашиши, ўз лавозими, унвони ва фамилиясини айтиб, мурожаат қилишининг сабаби ва мақсадини қисқа баён этиши лозим.

Фуқаролар мурожаат қилганда ҳам ИИО ходими қўлини бош кийимига текказиши, сўнгра уларнинг арзларини диққат билан тинглаб, чора кўриши, зарур бўлган ҳолларда эса бу масала билан қаерга мурожаат қилишларини тушунтириб бериши керак.

Мансабдор шахсларнинг ва фуқароларнинг талабига кўра ходим ўз фамилияси, хизмат жойини айтиши ва хизмат гувоҳномасини кўрсатиши лозим.

Фуқароларга нисбатан:

- 1) такаббур, қўпол, димоғдор бўлиш;
- 2) кинояли ёки беодоб тарзда фикр билдириш;
- 3) инсон шаънини ҳақоратлайдиган пичинглар ва ибораларни қўллаш, камситиш;
- 4) дўқ қилиш, панд-насихат бериш ва ноҳақ таҳқирлаш;
- 5) ноҳақ айблаш;
- 6) кўркитадиган ва таҳқирлайдиган ишораларни қилиш тақиқланади.

Фуқаролар билан гаплашганда ходим вазмин, хотиржам ва мулоҳазали бўлиши, уриш-жанжаллар ва баҳсларга ҳолислик билан қонуний барҳам бериш, ҳар қандай ҳолатда ўзини йўқотмаслиги, қўполликка қўполлик билан жавоб бермаслиги ва ўз ҳаракатларида шахсий ҳиссиётларга берилмаслиги керак.

**3-ўқув саволи. Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари ва тартиби**

Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан **ушлаб туриш сабаби баргараф этилгунга ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар** амалга оширилиши мумкин. Бунда маъмурий баённома расмийлаштирилиб, транспорт воситаси ушлаб қолинганлиги ҳақидаги маълумот баённомага қайд қилинади ва ҳайдовчига барча ҳужжатлари қайтариб берилади. (Кодекснинг 131 ва 136-моддалари бундан мустасно).

Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказишга ваколатли органлар (мансабдор шахслар):	
1.	Ички ишлар органлари;
2.	Ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари;
3.	Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари;
4.	Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг мансабдор шахслари;
5.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари;
6.	Чегара қўшинларининг мансабдор шахслари.

№ Ички ишлар органлари томонидан қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун ва қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда:	
1.	125-модда. Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида
2.	125 <sup>1</sup> -модда. Юк ташиш қоидаларини, шатакка олиш қоидаларини бузиш иккинчи қисмида
3.	126-модда. Кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойнали, шунингдек теvarак-атрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш
4.	128 <sup>6</sup> -моддасида Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши (агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халақит берса)
5.	131-модда. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш
6.	135-модда. Йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши
7.	135 <sup>1</sup> -модда. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузиш
8.	136-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши биринчи ва иккинчи қисмларида
9.	137-модда. Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиш
10.	176 <sup>3</sup> -модда. Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш
11.	194-модда. Милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик (милиция ходимининг транспорт воситасини



	тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабини бажармаслик қисмида)
<p>Ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан: Қуролли Кучларнинг, чегара қўшинлари ва ички қўшинларнинг транспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчилар ва бошқа шахслар йўл ҳаракати қоидаларини бузганда;</p>	
<p>Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан:</p>	
1. ...	60-модда. Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш
2. ...	78-модда. Кесиладиган ўрмон фонидан фойдаланиш тартибини бузиш
3. ...	79-модда. Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш
4. ...	81-модда. Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш
5. ...	82-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш
6. ...	84-модда. Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш
7. ...	90-модда. Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш
8. ...	92-модда. Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш
9. ...	94-модда. Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, соғи камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этиш
<p>Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан:</p>	
1. ...	198-модда. Ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш
2. ...	227-модда. Божхона назорати зонаси режимининг бузилиши
<p>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойатларга ва жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан:</p>	
1. ...	164-модда. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш
2. ...	166-модда. Молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш
3. ...	167-модда. Видеоёзувли кассеталарни сотиш ва видео муассасаларнинг ишлаш қоидаларини бузиш
4. ...	168-модда. Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш

5. ...	172-модда. Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш
6. ...	173-модда. Стандарт талабларига ёки техник шартларга жавоб бермайдиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилиш
7. ...	176-модда. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш
8. ...	176 <sup>3</sup> -модда. Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш
9. ...	186 <sup>1</sup> -модда. Этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш
<b>Чегара кўшинларининг мансабдор шахслари томонидан</b>	
1. ...	196 <sup>1</sup> -модда. Чегара кўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш
2. ...	224-модда. Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш
3. ...	224 <sup>1</sup> -модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш
4. ...	224 <sup>2</sup> -модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасида барпо этилган муҳандислик-техника иншоотларини ва тўсиқларни йўқ қилиб юбориш ёки уларга шикаст етказиш

Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини (Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ва чегара кўшинларининг транспорт воситаларидан ташқари) сақлаб туриш жойларига олиб бориш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Транспорт воситаси тўхташ жойига жойлаштирилган тақдирда транспорт воситасини ушлаган ДЙҲХХ ходими ўз ваколатлари доирасида ҳайдовчини транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш юзасидан зарур хатти-ҳаракатларни амалга оширади, маъмурий баённомани расмийлаштиради, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг **8-иловасига** мувофиқ шаклдаги далолатномани тузади. Далолатнома уч нусхада тузилиб, биринчи нусхаси транспорт воситасини тўхташ жойида сақлаш учун масъул бўлган шахсда қолдирилади, иккинчи нусхаси баённомага биркитилади, учинчи нусхаси ҳуқуқбузарга берилади.

Транспорт воситасини олиб чиқиб кетишга фақат маъмурий ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан рухсат берилади. Агарда маъмурий иш бўйича ҳужжатлар ваколати доирасида кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс)га юборилган тақдирда, вақтинчалик ушлаб турилган транспорт воситасини кўйиб юбориш уларнинг рухсати билан амалга оширилади.

Маъмурий ишни кўриб чиққан ДЙҲХХ ходими йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 9-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада рухсатнома расмийлаштиради, имзолайди ва муҳри билан тасдиқлайди ҳамда

унинг биринчи нусхасини ҳуқуқбузарга беради, иккинчи нусхасини маъмурий баённомага тикиб қўяди.


### Мустақил тайёргарлик учун топширик

1. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби ва муддатларини конспектлаштириш.
2. ИИОнинг маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколатларини конспектлаштириш.
3. Шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш асосларини конспектлаштириш.
4. Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари ва тартибини ўқиб ўрганиш.

### Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Давра суҳбати”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва тингловчилардан ушбу савол

бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

#### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

- 1-савол. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш мақсади ва қўллаш асослари.
- 2-савол. ИИОнинг маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколатлари.
- 3-савол. Шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш асослари.
- 4-савол. Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари ва тартиби.

**Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



**Назорат учун саволлар:**

1. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби ва асослари.
2. Ашёларни кўздан кечириш асослари.
3. Транспорт воситасини кўздан кечириш тартиби.
4. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари.
5. Ашёларни кўздан кечиришни райсмейлаштириш тартиби.

## 4.8-МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

Маъруза машғулоти (2 соат)

### Машғулот режаси:

**1-ўқув саволи.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари.

**2-ўқув саволи.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар.

**3-ўқув саволи.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш.

### 1-ўқув саволи. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари

Ваколатли орган (мансабдор шахс)лар ҳуқуқбузарлик ишларини юритишнинг қуйидаги босқичлари асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларини кўриб чиқадилар:

- 1) ишни қўзғатиш; 2) ишни кўриб чиқиш;
- 3) иш юзасидан қарор қабул қилиш; 4) қарорни ижро этиш.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқишга ваколатли органлар фақат ўз ваколати доирасидаги ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқадилар. Яъни ушбу органлар айрим ҳуқуқбузарлик ишларини юритишнинг барча босқичларини қўлламайдилар. Масалан: маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини қўзғатиб, иш бўйича дастлабки ҳужжатларни тўплаб мазкур ишни кўриб чиқиш учун ваколатли органга юбориши мумкин (МЖТКнинг 280-282-м.).

Шу жумладан, кўп ҳолларда судьялар ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш босқичини амалга оширадилар. ИИОлари эса кўриб чиқиш ваколатига кирмайдиган ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳуқуқбузарлик ишларини қўзғатиб, иш бўйича далилий ашё ва ҳужжатларни тўплаб уларни кўриб чиқиш ваколатига эга органларга юборадилар. МЖТКда белгиланган айрим органларга (10та) фақат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузиш ваколати берилган бўлиб, улар тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқиш ваколатига эга орган(Суд)ларга юборади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари (МЖТКнинг 269-м): ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонунчиликка мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар 2691-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ишни кўриб чиқиш жараёнида орган (мансабдор шахс) томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар, шунингдек қоғозда расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида шакллантирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилганда ишда иштирок этувчи шахслар органга (мансабдор шахсга) ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли.

Ишлар электрон шаклда шакллантирилганда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан судга тақдим этилган ёзма ҳужжатлар ишга электрон шаклда қўшиб қўйилади, шундан сўнг ёзма ҳужжатлар уларни тақдим этган шахсларга қайтарилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, орган (мансабдор шахс) томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар тегишинча органнинг мажлисида раислик қилувчининг ва котибнинг ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шаклда бошқа органга топшириш ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги электрон шаклда шакллантирилган ишларнинг қоғоздаги кўчирма нусхалари бўлиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахсларнинг мурожаатлари 2692-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда ва муддатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан мурожаат қилишга ҳақли.

Мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат шаклида юборилиши мумкин.

Иш ҳолатлари ҳужжатларнинг фақат асл нусхалари билан тасдиқланиши лозим бўлганда, шунингдек бошқа зарур ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) талаби билан ҳужжатларнинг асл нусхалари тақдим этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби 270-модда.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар 271-модда.

Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:

- 1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса;
- 3) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасо бўлса;
- 4) шахс ҳаракатни зарурий муҳофаа ҳолатида ёки охириги зарурат ҳолатида қилган бўлса;
- 41) шахс ҳаракатни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрkitиш натижасида қилган бўлса;
- 5) амнистия акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўлланишни бекор қилса;
- 6) маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;
- 7) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса;
- 8) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш кўзғатилган бўлса;
- 9) шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса;
- 10) ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда шахсни жавобгарликдан озод этиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасида назарда тутилган бўлса;
- 101) ҳуқуқбузар ушбу Кодекснинг 212-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчи билан ярашган бўлса;
- 11) агар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 164-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 165-моддасининг биринчи қисмида, 166-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 167-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 168-моддасида, 171-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 172, 173-моддаларида, 174-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 1741-моддасининг биринчи — саккизинчи қисмларида, 175-моддасининг биринчи ва олтинчи қисмларида, 1751-моддасининг биринчи қисмида, 1753, 1754-моддаларида, 1755-моддасининг биринчи қисмида, 1761 — 1764-моддаларида, 177-моддасининг биринчи қисмида, 1771-моддасининг биринчи қисмида, 1772-моддасининг биринчи қисмида, 178-моддасининг биринчи, учинчи — саккизинчи қисмларида, 1781-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 1792-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 1794-моддасининг биринчи қисмида, 1795-моддасида, 215-моддасининг биринчи қисмида, 2151-моддасининг биринчи қисмида, 2278-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларида, 22714-

моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 22715-моддасининг биринчи қисмида, 22716-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида, 22718-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 22719-моддасининг биринчи қисмида, 22721-моддасида, 22722-моддасининг биринчи қисмида, 22723-моддасининг биринчи қисмида, 22724, 22725 ва 22726-моддаларида, 22727-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар йўл қўйилган бузилишларни ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кунлик муддатда ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, бундан фуқароларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига зарар етказилган ҳоллар мустасно.

## **2-ўқув саволи. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар**

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари 294-модда. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундн ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда, шунингдек Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 3091-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирок этиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда иштирок этишдан бўйин товлаган тақдирда, у жиноят ишлари бўйича суднинг ажримига биноан ички ишлар органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин. Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни ёки бошқа қимматликларни олиб ўтиш билан боғлиқ бўлиб, мусодара қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш алоҳида ҳолларда, агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса ёки унинг турган



жойини аниқлаш имкони бўлмаса, бундай шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

**Жабрланувчи.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахс жабрланувчи деб топилади.

Жабрланувчи ишга оид ҳамма материаллар билан танишиб чиқишга, кўрсатувлар беришга, далиллар келтиришга, илтимослар қилишга, ишни кўриб чиқиш пайтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимон хизматидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

**Қонуний вакиллар.** Вояга етмаган ёки ўзининг жисмоний нуқсонлари ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги сабабли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан ўз ҳуқуқини ўзи амалга оширолмайдиган — маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёки жабрланувчининг манфаатларини улар учун мазкур шахсларнинг қонуний вакиллари (отаналари, эр ёки хотинлари, вояга етган болалари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар) ифодалашга ҳақлидирлар.

Қонуний вакиллар иш материаллари билан танишишга ва манфаатларини ўзлари ифода этаётган шахс номидан илтимослар қилишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидирлар.

**Адвокат.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб адвокат қатнашиши мумкин.

Адвокат ишга оид материаллар билан танишиб чиқишга, уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан илтимослар қилишга ва иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

**Гувоҳ.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс шу иш юзасидан гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин.

Ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан гувоҳ кўрсатилган вақтда келиши, ҳаққоний кўрсатувлар бериши, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни айтиб бериши ва қўйилган саволларга жавоб бериши шарт.

**Эксперт.** Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкин.

Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Эксперт маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан махсус билимларга зарурат туғилган ҳолларда тайинланади.

**Мутахассис.** Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш мақсадида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва кўникмага эга бўлган, ишнинг якунидан

манфаатдор бўлмаган вояга етган шахс мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин.

### **3-ўқув саволи. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрланиш 303-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс):

1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш кирмаслиги;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;

3) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;

4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;

5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларини қайтариш 303<sup>1</sup>-модда. Маъмурий иш мазкур органга (мансабдор шахсга) тааллуқли бўлмаган (судловига тегишли бўлмаган) ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 281 ва 282-моддаларида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда юборилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган органга (мансабдор шахсга) қайтарилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жойи 304-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 113-моддасининг бешинчи қисмида, 119, 125, 1251, 126, 127, 128, 1281, 1282, 1283, 1284, 1285, 1286, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 1351, 136, 139, 140-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар транспорт воситалари рўйхатга олинган жойда кўриб чиқилиши ҳам мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар шундай ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқилади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бошқа жойда кўриб чиқилиши ҳам назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари 305-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб

чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 512, 513, 514, 515, 516, 517, 518, 519, 170, 180, 181, 183, 187, 194-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бир сутка мобайнида кўриб чиқилади, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида, 164-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 1975, 201, 202, 203, 204, 205-моддаларида назарда тутилган ишлар — уч сутка ичида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ишлар эса — беш сутка ичида кўриб чиқилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 56, 57, 58-моддаларида, 611-моддаси биринчи қисмида, 94, 1651, 1842, 1843, 189, 1891, 201, 2021, 2241-моддаларида, 225-моддасининг биринчи — учинчи қисмларида, 239, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар, улар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилганда, бир сутка мобайнида кўриб чиқилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 271-моддасининг 11-бандида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишнинг бошқа материаллари ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан олинган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тартиби 306-модда. Ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни судда кўриб чиқиш чоғида суднинг ташаббусига ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви амалга оширилиши мумкин.

Ишни кўриб чиқувчи органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисида ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларнинг сўзлари эшитилади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишда прокурор қатнашган тақдирда унинг ҳулосаси ўқиб эшиттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар 307-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор

эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкый зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри хал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

### Мустақил тайёргарлик учун топширик

1. ЎзР МЖТКнинг қайси қисми, бўлими, боби ва моддаларида Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш белгиланган?
2. ЎзР МЖТКнинг қайси моддасида Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари белгиланган, уларни айтиб беринг?
3. ЎзР МЖТКга биноан ҳозирги кунда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар қандай шаклда шакллантирилади?
4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахсларнинг мурожаатлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қандай тартибда амалга оширилишини айтиб беринг?
5. ЎзР МЖТКнинг қайси моддасида Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар сифатида қандай ҳолатлар эътироф этилган?

### Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“True or false”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Чет тилини ўрганишдаги машхур методлардан бири “Рост ёки ёлгон” методи ҳисобланиб, ушбу метод тингловчилардан мавзуга оид берилган жумлаларни тўғри ёки нотўғрига ажратишларини талаб қилади. Ҳар қайси жавоб ҳуқуқий жиҳатдан исботлаб берилиши лозим.



Ушбу методдан яқка тартибда ҳам кичик гуруҳларга бўлган ҳолда ҳам фойдаланиш мумкин. Албатта жуда муҳим шарт тингловчиларнинг мавзуга оид адабиёт ва тарқатмалар билан таъминланганлиги.

Т/р	Мазмун
1.	Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги электрон шаклда шакллантирилган ишларнинг қоғоздаги кўчирма нусхалари бўлиши мумкин эмас.
2.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари: ҳар бир ишнинг ҳолатини кечиктириб, тор доирада, қисман ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни бошлиқнинг буйруғига мувофиқ ҳолда хал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан иборатдир.
3.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби жиноят кодекси билан белгиланади.

4.	Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилиши мумкин
5.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш фақат давлат тилида юритилади.
6.	Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим
7.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш очик кўрилади.
8.	Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбланаётган шахс иш юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса унинг номидан яқин қариндошлари иштирок этишади
9.	Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса — баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.
10.	Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади
11.	Баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб уч суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.
12.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқаётган органлар (мансабдор шахслар) синоптикларнинг берган маълумотларига асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди
13.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари - шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсан кўриқдан ўтказиш, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечириш ва ашё ҳамда ҳужжатларни олиб кўйиш.
14.	Транспорт воситасидан фойдаланган ҳолда йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади.
15.	Ушлаб турилган шахс ушлаб туриш баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади.
16.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, агар баённома тузиш шарт бўлиб, уни жойнинг ўзида тузишнинг имкони бўлмаса, ички ишлар органи ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс ҳуқуқбузарни ички ишлар органига ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига келтириши мумкин.
17.	Шахсни кўриқдан ўтказиш кўриқдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан ва шу жинсдаги иккита холис гувоҳ иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.
18.	Вояга етмаган шахснинг илтимосига кўра унинг ушлаб турилгани ҳақида ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар хабардор қилинмаслиги мумкин.

19.	183, 194-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ўн беш кун мобайнида кўриб чиқилади
20.	Маст ҳолдаги шахслар учун маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузарни баённома тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади.
21.	Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.
22.	Ярашилганлиги муносабати билан ушбу Кодекснинг 21 <sup>1</sup> -моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин
23.	жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили суд ярашувни тасдиқлаган тақдирда ҳам улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотмайди
24.	Жабрланувчи ёхуд унинг қонуний вакили ярашув тўғрисида илтимоснома ёзади
25.	Агар иш бўйича ҳуқуқбузар сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, уларнинг барчаси билан ярашувга эришилмаган бўлса, ярашув тўғрисидаги иш кўриб чиқилмайди.

### **Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



### **Назорат учун саволлар:**

1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби.
2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар.
3. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно қилувчи ҳолатлар.
4. Маъмурий ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби.

## 4.9-МАВЗУ: ЖИНОЯТ ҚОНУНИ. ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ

Маъруза машғулоти (2 соат)

**Машғулот режаси:**

- 1-ўқув саволи.** Жиноят қонуни ва унинг тузилиши.
- 2-ўқув саволи.** «Жиноят» тушунчаси ва ижтимоий моҳияти.
- 3-ўқув саволи.** Жиноят белгилари ва уларнинг мазмуни.
- 4-ўқув саволи.** Жиноятларни таснифлаш мезонлари.

**1-ўқув саволи. Жиноят кодексининг тузилиши**

Мустақил мамлакатимизнинг Жиноят кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги ўн олтинчи сессиясида қабул қилиниб, 1995 йилнинг 1 апрелидан қонуний кучга киритилди.

Қонун чиқарувчи зарур ҳолларда янги жиноят қонунларини қабул қилиш орқали жиноят кодексининг амалдаги моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритади ёки жиноят кодексига киритилиши лозим бўлган моддаларни ишлаб чиқади. Дарҳақиқат, таъкидлаш жоизки, бунда жиноят қонунларининг тизимини ҳисобга олиш нафақат қонунчилик техникаси ва қонуннинг таркибий тузилишига риоя қилиш нуқтаи назаридан, балки ўзаро мувофиқлик, уйғунлик ва мантиқ қоидаларига амал қилиш нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Жиноят кодекси махсус тузилишга эга бўлиб, у қонун чиқарувчининг иродаси акс этган техник қоидаларга бўйсунувчи шаклдан иборат. Таркиби жиҳатидан жиноят кодексини икки: Умумий ва махсус қисмдан иборат. Қонуннинг ушбу қисмлари ўзаро алоқадор бирликни ташкил қилишига қарамай, улардаги моддалар маъно-мазмунига кўра бир-бирдан жиддий фарқ қилади.

Бинобарин, кодекснинг умумий қисмида умумий қоидалар, кодекснинг принцип ва вазифалари, жиноят қонунининг амал қилиш доираси, жавобгарлик ва жазо асослари, уларни тайинлашнинг қонун-қоидалари, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар, вояга етмаганларнинг жавобгарлиги ҳамда уларга жазо тайинлаш хусусиятлари, шунингдек, жиноят қонунларига тааллуқли бошқа қоидалар ўз аксини топган.

Махсус қисмда эса жиноят деб топилган аниқ ижтимоий хавфли қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳамда уларни содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган аниқ жазо чоралари белгиланган. Умумий ва махсус қисмлар бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунончи, махсус қисмдаги аниқ жиноятлар турлари бўлмаганида, умумий қисмнинг моддалари ўз мазмун ва аҳамиятини йўқотган бўлар эди, шунингдек,



махсус қисмнинг моддаларини ҳам умумий қисмнинг асосий қоидаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Жиноят кодексининг умумий қисми еттита бўлим ва ўн етти бобдан иборат, бўлимлари алоҳида бобларга бўлинган бўлиб, уларда ҳуқуқнинг ушбу соҳаси институтларини тартибга солувчи нормалар мужассамлашган:

**БИРИНЧИ БЎЛИМ.** Умумий қоидалар.

I боб. Жиноят кодексининг вазифалари ва принциплари.

II боб. Кодекснинг амал қилиш доираси.

**ИККИНЧИ БЎЛИМ.** Жавобгарлик асослари.

III боб. Жиноят.

IV боб. Жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар.

V боб. Айб.

VI боб. Тамом бўлмаган жиноят.

VII боб. Жиноятда иштирокчилик.

VIII боб. Бир қанча жиноят содир этиш.

**УЧИНЧИ БЎЛИМ.** Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар.

IX боб. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси ва турлари.

**ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ.** Жазо ва уни тайинлаш.

X боб. Жазо тушунчаси, мақсадлари ва турлари.

XI боб. Жазо тайинлаш.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ.** Жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш.

XII боб. Жавобгарликдан озод қилишнинг турлари.

XIII боб. Жазодан озод қилишнинг турлари.

XIV боб. Судланганлик.

**ОЛТИНЧИ БЎЛИМ.** Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари.

XV боб. Жазо ва уни тайинлаш.

XVI боб. Жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш.

**ЕТТИНЧИ БЎЛИМ.** Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари.

XVII боб. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлаш.

Жиноят кодексининг махсус қисми ҳам алоҳида бўлим ва бобларга бўлинган бўлиб, у маълум бир турга мансублик аломати бўйича тартибга солинган. Чунончи, бобларда тақиқловчи хусусиятга эга нормалар мужассамлашган бўлиб, улар жиноят қонуни муҳофаза қиладиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмишларни назарда тутди. Ушбу ижтимоий муносабатлар, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий моҳиятига кўра, турдош бўлганлиги сабабли, давлат ёки жамият ҳаётининг аниқ бир соҳасидагина намоён бўлади.

Ҳар бир бобда бир турга мансуб муносабатларнинг таркибий қисмидан иборат муайян ижтимоий муносабатга зарар етказадиган ҳамма жиноятларнинг тўлиқ рўйхати келтирилган. Ҳаммаси бўлиб махсус қисм еттита бўлим, йигирма тўртта бобдан иборат.

**БИРИНЧИ БЎЛИМ.** Шахсга қарши жиноятлар.



- I боб. Ҳаётга қарши жиноятлар.
- II боб. Соғлиққа қарши жиноятлар.
- III боб. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар.
- IV боб. Жинсий эркинликка қарши жиноятлар.
- V боб. Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар.
- VI боб. Шахсинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар.
- VII боб. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар.
- ИККИНЧИ БЎЛИМ. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар.
- VIII боб. Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар.
- IX боб. Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар.
- УЧИНЧИ БЎЛИМ. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар.
- X боб. Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш.
- XI боб. Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар.
- XII боб. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар.
- XIII боб. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар.
- ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. Экология соҳасидаги жиноятлар.
- XIV боб. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар.
- БЕШИНЧИ БЎЛИМ. Ҳокимият бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар.
- XV боб. Бошқарув тартибига қарши жиноятлар.
- XVI боб. Одил судловга қарши жиноятлар.
- ОЛТИНЧИ БЎЛИМ. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар.
- XVII боб. Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар.
- XVIII боб. Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар.
- XIX боб. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар.
- XX боб. Жамоат тартибига қарши жиноятлар.
- XXI боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар.
- ЕТТИНЧИ БЎЛИМ. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.
- XXI боб. Бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар.
- XXII боб. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.
- XXIII боб. Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар.
- XXIV боб. Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари.
- Жиноят кодекси «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси» деб аталган саккизинчи бўлим билан яқунланиб, унда жиноят қонунида учрайдиган баъзи атамаларнинг ҳуқуқий маъносига изоҳ берилади. Умумий ва махсус

қисмларда жиноят қонунига оид барча нормалар алоҳида қоидалар – моддаларга ажратилган бўлиб, улар махсус кетма-кетликка эга. Жиноят кодекснинг саккизинчи бўлими бундан мустасно бўлиб, унда кодексда учрайдиган баъзи ҳуқуқий тушунча ва атамаларгагина изоҳ берилади. Бироқ, улар модда шаклида берилмаган бўлса-да, моҳиятан алоҳида модда ҳисобланади. Бундай техник услуб ҳуқуқ-тартибот органлари ва бундай ваколлати бўлмаган бошқа органларнинг қонунни тор ёки кенг доирада талқин қилишига йўл қўймаслик шартидан келиб чиққан. Бинобарин, ушбу бўлимдаги атамалар ва тушунчаларга берилган шарҳлар расмий ва умуммажбурий ҳисобланади.

## **2-ўқув саволи. Жиноят тушунчаси ва ижтимоий моҳияти**

«Жиноят» тушунчаси жиноят ҳуқуқининг асосий тушунчаларидан биридир. У одамларнинг қайси қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) ҳуқуққа хилоф ва нега улар жазо таҳдиди орқали жиноят қонуни билан тақиқланган, деган саволларга жавоб беради.

Жиноят ҳуқуқи тарихида «жиноят» тушунчаси илк маротаба Ғарбий Европа давлатлари жиноят қонунчилигида келтирилган. Унга мувофиқ, жиноят амалдаги жиноят қонуни билан жазоланадиган қилмишдир. Бу тушунча биринчи марта Франциянинг 1791 йилдаги Жиноят кодексига киритилган. Кейинчалик шунга ўхшаш тушунчалар бошқа давлатларнинг жиноят кодексларига ҳам киритилган.

«Жиноят» тушунчаси турли штатларнинг Жиноят кодексларидаги норма ва таърифларда ҳам мавжуд. Бу нормалар кўпинча қонунда кўрсатилган белгилар жамланиши орқали жиноий хатти-ҳаракат (тажовуз, қилмиш)ларни англатади.

Таъкидлаш жоизки, АҚШда жиноий қилмиш белгиси бўлиб ғайриҳуқуқийлик ва жазога муқаррарлик ҳисобланади. Қолаверса, ғайриҳуқуқийлик нафақат Жиноят кодекси кўрсатмаларининг бузилишига олиб келадиган, балки суд прецеденти ҳуқуқида ҳам фойдаланадиган амалдаги қонуннинг исталган нормасининг бузилишини англатади.

Немис ҳуқуқшунослари «қилмиш»ни жиноий ғайриҳуқуқийлик, жазога маҳкум, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сифатида таҳлил қилади. Юридик фанда ҳамда қонунчиликда «қилмиш таркиби» атамаси қўлланилади, шунинг учун ҳам германиялик ҳуқуқшунослар фикрига кўра, жиноят таркиби ҳақида сўз юритиш нотўғри бўларди.

Жиноий қилмиш белгиларига жазога маҳкумлик, ғайриҳуқуқийлик ва айбдорлик киради. ГФР Жиноят кодексининг 12-параграфига асосан, энг кам жазо сифатида бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва ундан қаттиқроқ жазо кўзда тутилган ғайриҳуқуқий қилмиш жиноят (ерберечен) ҳисобланади. Франсуз жиноий-ҳуқуқий доктринасида «жиноий қилмиш» тушунчасига ҳар хил ёндашув мавжуд. Жумладан, профессор Расса жиноятга «қонунда кўзда тутилган ва оқланмаган, истак натижасида содир этилган реал хатти-ҳаракат» сифатида таъриф берган.

М. Анселнинг фикрича, жиноий қилмиш «жиноятчининг ижтимоий жиҳатдан акс этишидир. У жиноят суди олдида муайян масъулият билан ҳисоб бериш учун сабаб ва асос ҳисобланади». Таснифланишига кўра, жиноий қилмишни бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин. Франция Жиноят кодексининг 111–1-моддасида жиноий қилмиш оғирлигига кўра жиноят, хатти-ҳаракат ва ҳуқуқбузарлик сифатида таснифланади. Фақат қасддан қилиниши мумкин бўлган жиноятлар энг оғир қилмиш сифатида қаралади. Франсуз жиноят қонунчилиги жиноий қилмиш ҳақида умумий таърифга эга эмас.

Жиноят кодексининг 111–2-моддасида белгиланадики, қонун жиноятни ва хатти-ҳаракатни аниқлайди ҳамда уларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазони жорий қилади.

Шундай қилиб, Франция жиноят қонуни умуман жиноятни эмас, балки фақат муайян жиноий қилмишнинг белгиларинигина аниқлайди. Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 14-моддаси 1-қисмидаги «жиноят» тушунчасига мувофиқ, Жиноят кодексига жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш жиноят деб топилади.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 14-моддаси 2-қисмига кўра, гарчанд расман (формал) Жиноят кодексига кўзда тутилган бирор-бир қилмишнинг белгисидан иборат бўлсада, аммо ижтимоий хавф туғдирмайдиган, яъни давлат ва жамиятга зарар етказмайдиган ҳамда шахсга зарар етказиш таҳдиди юзага келмаган ҳаракат (ҳаракатсизлик) жиноят ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодекси (1994 й.) қабул қилинганга қадар, республика тараққиётига таъсир қилувчи иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва бошқа омиллар туфайли жиноят таърифи бир неча марта ўзгарди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1982 йилда нашр этилган Жиноят кодексининг 7-моддасида жиноятга қуйидагича таъриф берилган: «СССРнинг ижтимоий тузумига, унинг сиёсий ва иқтисодий тизимларига, социалистик мулкка, шахсга, фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, мулкӣ ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига қарши қаратилган бўлиб, жиноят қонунида жамият учун хавфли фаолият (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) деб кўрсатилган, шунингдек, социалистик ҳуқуқ-тартиботга қарши қаратилган бўлиб, жиноят қонунида жамият учун хавфли фаолият деб назарда тутилган бошқа ҳаракатлар жиноят деб ҳисобланади. Гарчанд, расмий жиҳатдан жиноят қонунида кўрсатилган бирор ҳаракатнинг аломатлари мавжуд бўлса ҳам, лекин ўзининг кам аҳамиятлилиги сабабли, жамият учун хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмайди».

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига **жиноятга** Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади (14-м. 1-қ.) дея таъриф берилган. Жиноят кодекси билан кўриқланадиган объектларга зарар етказилган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади (14-м. 2-қ.). Бу икки таърифни қиёслайдиган бўлсак, улар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Агар биринчи таърифда (1982 й.) жиноят белгиларига ижтимоий хавфли

қилмиш, жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлар рўйхати, қилмишнинг кам аҳамиятлилиги кирган бўлса, иккинчи таърифда эса, юқорида кўриб ўтганимиздек, жиноятнинг барча белгилари очик акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасидаги таърифдан кўриниб турибдики, жиноят, энг аввало, ижтимоий хавфли қилмишдир. Қилмиш эса кишиларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсиз шаклдаги хулқи (хатти-ҳаракати)дир. Жиноий қилмиш инсонга хос хатти-ҳаракатларнинг бир кўриниши сифатида, аввало, уларнинг психологик мазмунининг барча аломатларига эга бўлмоғи лозим.

Инсонга хос хатти-ҳаракатларнинг физиологик асосини жисмоний ҳаракат ёки унинг асоси ташкил қилади. Жисмоний ҳаракат фаол ёки пассив бўлиши мумкин. У оғзаки фаоллик (туҳмат, таҳдид, ташвиқот, таҳқирлаш), тажовузкорлик предметларига физик-механик таъсир қилиш (тан жароҳати етказиш, ўғрилиқ) ёхуд жиноят объекти ва предметига биргаликдаги механик ва оғзаки таъсир (безорилик, ҳокимият ва мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш) келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, жиноят жамиятнинг ижтимоий ҳаётидаги мураккаб ходисалардан биридир, шунинг учун ҳам унинг ўрганилишига нафақат юристлар, балки философлар, сиёсатшунослар, социологлар ва бошқа соҳа олимлари ҳам кўп эътибор қилади.

Жиноятчилик муаммоси бир неча юз йиллардан буён етакчи олимлар фикрини банд қилиб келмоқда. Аммо ҳозиргача бу ижтимоий ҳодисага қарши чора топилгани йўқ. Демократик ва ҳуқуқий давлат куриш даврида жамиятимизда жиноят ҳуқуқи, аввало, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан кўриқлашда ижтимоий ҳаётни бошқарувчи куч сифатида яққол намоён бўлади.

Кўриб чиқиладиган таърифда жиноятнинг формал норматив аломатлари (қилмишнинг Жиноят кодекси билан тақиқланиши) ҳамда унинг ижтимоий моҳиятини очиб берувчи моддий аломатлари (унинг ижтимоий хавфлилиги) назарда тутилгани учун ҳам бу таъриф расмий-моддий ҳисобланади.

Жиноятнинг формал белгиси қонунчиликдаги «қонунда у ҳақда кўрсатилмаган жиноят йўқ» принципида ўз ифодасини топади. Демак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунида худди айрим чет давлатлардаги каби (Англия, Ҳиндистон, АҚШ ва б.) жиноят қонунини ўхшашлиги бўйича қўллашга йўл қўйилмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи (ҳуқуқни қўлловчи) органлар томонидан қонунчиликда қайд қилинмаган ижтимоий хавфли қилмишлар аниқланиши мумкин ва шунинг учун ҳам улар жиноий жазога лойиқ деб топилмайди. Жиноят деб ҳисобланадиган ижтимоий хавфли қилмишлар рўйхати кенг талқин қилинмайди. Жиноий жавобгарликка ва жазога фақат жиноят қонунида ижтимоий хавфли қилмиш, яъни муайян жиноят аломатига эга бўлган, Жиноят кодекси Махсус қисмининг у ёки бу моддасида белгиланган қилмиш содир этган шахс тортилади.

Жиноятнинг моддий белгиси мазмун-моҳиятига кўра, ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга, яъни жиноят қонуни билан кўрикланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ҳисобланади.

### **3-ўқув саволи. Жиноятнинг белгилари ва уларнинг мазмуни**

Жиноят кодексининг 14-моддасига кўра, жиноят таърифининг асосий белгилари:

- 1) ижтимоий хавфлилик;
- 2) ҳуқуққа хилофлик;
- 3) айблилик;
- 4) жазога лойиқлик ҳисобланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эълон қилинган ва қафолатланган муҳим ижтимоий қадриятларга тажовуз қилиш билан аниқланади.

Жиноят кодексининг 14-моддаси 2-қисмига мувофиқ, қонун билан кўрикланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Жиноят сифат ва миқдор кўрсаткичларига эга. Жиноятнинг сифатга кўра ўзига хослиги ижтимоий хавфнинг табиатида намоён бўлади. Жиноятнинг миқдорий тавсифи ижтимоий хавф даражасида ифодаланади.

Ижтимоий хавфнинг табиати ижтимоий муносабатлар мазмуни, уларнинг қадриятлар тизимидаги ўрни, объектга етказган зарарининг мазмуни, айбнинг шакл билан аниқланадиган муайян тур ёки кўринишдаги жиноятнинг ижтимоий хоссасидир.

Ижтимоий хавфлилик даражаси бир хил хусусиятдаги ижтимоий хавфли қилмишнинг қиёсий хавфлилиги ифодасидир.

Ижтимоий хавфлилик даражаси зарарнинг катталиги, қасд ва эҳтиётсизлик турига, мотив ва мақсадлар мазмунига, жиноятнинг содир этилиш жойи, вақти, усули, вазияти, қуроллари ва бошқа ҳолатларга боғлиқ бўлади.

Ҳуқуққа хилофлик жиноятнинг ижтимоий объектив аломатлари ижтимоий хавфлилик ва айбдорликдан фарқли ўлароқ, жиноятни баҳолаш норматив белгиси бўлган жиноят қонунидаги ижтимоий хавфнинг юридик ифодасидир.

Жиноятнинг норматив ва ижтимоий белгилари ўртасидаги муносабатни тўғри белгилаш қонунчилик фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг жиноят қонунига жиний қилмишни киритишда, доимо жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, ғоявий ва ижтимоий-ҳуқуқий эҳтиёжларига асосланилади. У ёки бу ғайриқонуний қилмиш Жиноят кодексининг Махсус қисмида жиноят сифатида белгиланган, чунки улар ижтимоий хавфлидир.

Бу, биринчидан, Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги жиноий-хуқуқий нормалар диспозицияларида қилмиш белгиланганини англатади. Иккинчидан, жиноий-хуқуқий нормалар озодликдан маҳрум қилиш, қамок, ахлоқ тузатиш ишлари, жарима ва бошқалар каби муайян жазо турларидан иборат санкцияларни назарда тутати. Ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф қилмиш фақат айб мавжуд бўлсагина жиноят деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи айбсиз айб қўйишни инкор этади. Жиноят кодексининг айб учун жавобгарлик принципини ифодалаган 9-моддасида «шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади», дея таъкидланган. Шунинг учун ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган қилмиш айбсиз жиноят деб топилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, айбсиз содир этилган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар жиноят ҳисобланмайди.

Айб – бу шахснинг ўзи содир этадиган қилмишига қасд ёки эҳтиётсизлик тарзида ифодаланган ижтимоий ахлоқ ва қонун билан қораланадиган руҳий муносабатлардир.

Жиноят – жазога лойиқ қилмиш. Шунга кўра, қилмишнинг жиноят сифатидаги энг муҳим белгиси унинг жазога лойиқлигидир. Жиноят қонуни жиноий жазо қўллаш таҳдиди билан у ёки бу ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат содир этишни тақиқлайди. Фақатгина жазога тортиладиган бундай ижтимоий қилмишлар жиноят ҳисобланади. Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги моддаларнинг диспозицияларида нафақат у ёки бу жиноят аломатлари кўрсатилган, балки уларни содир этганлик учун санкциялар – жазонинг ҳажми ва аниқ кўринишлари ҳам белгиланган. Бундай ҳолларда жазонинг ўлчови ва хусусияти муайян жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мос келади. Бироқ, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида белгиланган санкциялардаги жазолар ҳар доим ва ҳамма ҳолатларда ҳам қўлланилади дегани эмас. Жиноят кодекси жазодан озод қиладиган ҳолатларни ҳам назарда тутати. Кўпинча, бу ижтимоий хавфи ката бўлмаган жиноятларга тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 3 февралдаги Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари, жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги иштирокчилиқда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади. Шу билан бир қаторда, Жиноят кодекси бир қатор жиноий жазо ва жавобгарликдан озод қилиш институтларини назарда тутати. Бундай озод қилиш асосида жиноий қатағонни қисқартириш ва жазонинг индивидуаллаштиришини таъминловчи инсонпарварлик принципи ётади. Жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтлари (ЖК 64–76 ва 87–90-м.) жиноятчиликка қарши курашда, шунингдек, судланганларни ахлоқан тарбиялаш жараёнида кенг ва самарали фойдаланилади. Бироқ, бу ҳолат асло жиноят – жазо қўллаш таҳдиди остида қонун билан тақиқланган қилмиш деган умумий қонуннинг бузилишига олиб келмайди. Жиноят Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқига кўра

тавсифланар экан, унинг ахлоққа зид хусусиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Бирор-бир жиноий қилмиш йўқки, у миллий ахлоқ асосларига тажовуз қилмаган бўлсин. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги доимий равишда ўзгармас бўлиб қолмайди. Ижтимоий муносабатлар ривожини, илмий-техник тараққиёт қилмишнинг ижтимоий хавфли ва жазога лойиқ деб топиш мезонига ўзгартириш киритиши ва аксинча бўлиши мумкин. Бугун ижтимоий хавфли бўлган қилмиш, эртага ижтимоий норма бўлиши ёки қандайдир янги қилмишнинг жиноят қонуни тақиқлаш заруриятини юзага келтириши мумкин.

Бундай ҳолларда жиноят ҳуқуқидаги бўшлиқни тўлдирувчи қонун чиқарувчи орган ЎзР Олий Мажлисида. Суд, прокурор, терговчи, суриштирув органлари жиноий-ҳуқуқий бошқарув доирасидан ташқарида бўлган қилмишларга жиноий-ҳуқуқий тус беришга ҳақлари йўқ. Бу органлар ижтимоий хавфли қилмишнинг янги турига дуч келишганда унинг қонун билан тақиқланиши ва уни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик масаласини кўтариб чиқиши керак. Жиноятнинг ўзгарувчан аломати бир ҳолатда қилмишнинг ижтимоий хавфи кўп, бошқасида кам бўлиши билан изоҳланади. Масалан, ҳарбий ҳолат шароитида қатор қилмишларнинг ижтимоий хавфи юқори бўлади. Республикада халқнинг моддий ва маънавий турмуш тарзининг юксалиши, интизомийлик ва онглиликнинг ўсиши турли хил жамоат тартибининг бузилишларига акс таъсир кўрсатади.

Шунинг учун қонунда, масалан, юқори ижтимоий хавфга эга безорилик хатти-ҳаракатига алоҳида эътибор қилинган. Буларга инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш (ЖК 133-м.), одам савдоси (ЖК 135-м.), одам ўғирлаш (ЖК 137-м.), виждон эркинлигини бузиш (ЖК 145-м.) ва бошқаларни киритиш жоиз. Янги Жиноят кодекси қабул қилингунга қадар (1994 йил) ижтимоий хавфли бўлган ва жиноят деб топилган айрим қилмишларни қонун чиқарувчи Жиноят кодексидан чиқарди, чунки улар эндиликда ижтимоий хавфли эмас ва жиноят ҳисобланмайди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ижтимоий хавфлилик умуман жамият, айти пайтда, ҳар бир фуқаро манфаатларига тажовуз қилинган жиноятдир. Чунки бизнинг мамлакатимизда жамият ва алоҳида шахслар манфаатлари гармоник уйғунлашган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқига кўра, Жиноят кодекси билан кўриқланадиган объектларга зарар етказган ёки зарар етказиш хавфини келтириб чиқарадиган ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф, айбли ва жазога лойиқ қилмиш жиноят деб топилади.

#### **4-ўқув саволи. Жиноятларни таснифлаш мезонлари**

ЖК 15-моддаси ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига асосланган моддий белгига кўра жиноятларни турларга ажратади.

Жиноятларни таснифлаш айбдор томонидан содир қилинган қилмишнинг Махсус қисм моддаларидаги юридик ва фактик аломатлар билан солиштирган

ҳолда, ижтимоий хавфлилик нуқтаи назаридан жиноятларни характерлаш имкониятини беради.

ЖК 15-моддаси кўрсатилган жиноятларни аниқ таснифлашга, яъни ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра уларни тўрт турга ажратишга ёрдам беради.

Яна бир бор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти унинг сифат белгисини ифодалайди. Уни аниқлашнинг асоси сифатида тажовуз обектининг аҳамияти, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш натижасида юзага келадиган оқибатлар (моддий, жисмоний, маънавий ва бошқалар) хизмат қилади.

Масалан, бир турдаги жиноят обектига тажовуз қилувчи жиноий қилмишнинг хусусияти ҳам бир хилдир (масалан, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига ёки давлат хавфсизлиги ва конституциявий тузумга қарши жиноятлар).

Ижтимоий хавфлилик даражаси — бир хусусиятдаги жиноятлар ижтимоий хавфлилигининг миқдор кўрсаткичидир. Уни аниқлашда етказилган зарар миқдори, жиноят содир этиш усули, айб шакли, мотив ва мақсад ҳамда бошқа ҳолатлар ҳисобга олинishi мумкин.

Ушбу икки аспектнинг битта жиноят-ҳуқуқий мезонга бирлашиши ЖК Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларни таснифлашга ёрдам беради. Булар: ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар (ЖК 15-моддаси 1-қисми).

Ижтимоий хавфлиликнинг даражаси ва хусусияти фақатгина жиноятларни таснифлаш асоси бўлибгина қолмасдан, балки улар қилмишни жиноят сифатида баҳоловчи белги ҳам ҳисобланади, шунингдек, улар судлар томонидан жазо тайинлаш вақтида ҳисобга олинishi керак.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатига асосланган ижтимоий хавфлилик даражаси, шунингдек, айб шаклига қараб барча жиноятлар тўртта турга бўлинади. Бошқача сўз билан айтганда, жиноятларни таснифлашга содир қилинган жиноятнинг тури ва миқдори, унинг ҳуқуққа хилофлиги асос қилиб олинган.

Дастлабки икки категорияга қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларни киритиш мумкин. Оғир ва ўта оғир жиноятлар эса, фақат қасддан содир этилади.

ЖК 15-моддаси 2-қисмига мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради. Жавобгарлик муқаррар бўлган ҳолатларда айблилик ЖК моддаларида жавобгарлик асоси сифатида келтирилган. Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари айбсиз жавобгарликка йўл қўймайди (ЖК 9-моддаси).

Ҳар қандай ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф қилмиш жиноий жазога сазоворликни назарда тутати. Жазога сазоворлик содир этилган қилмиш учун



жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини ифодалайди. Шу билан боғлиқ равишда жазога сазоворликни қилмишни жиноят сифатида тавсифлайдиган белгилар қаторига киритиш фақатгина жиноят ҳуқуқи табиати ва характери туфайли эмас, балки қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилганлиги учунгина амалга оширилган. ЖК 14-моддаси 1-қисмида назарда тутилган «жазо қўллаш таҳдиди билан» жумласи жазога сазоворликни жиноятнинг асосий белгиларидан эканлигидан далолат беради.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш керакки, қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги жазога сазоворлик билан бевосита боғлиқ. Жиноят-ҳуқуқий тақикни ўрнатувчи ҳуқуқ нормаси қонун билан ўрнатилган қоидаларга риоя қилишни, бу қоидалар бузилган тақдирда айбдорни жазолашни таъминловчи жинойий санксиялар мавжуд бўлишини назарда тутаяди. Ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг тақиқланганлиги жинойий-ҳуқуқий норма билан боғлиқ бўлмаса, жиноят ҳам, жазо ҳам мавжуд бўлмайди.

Жазога сазоворликни жиноятнинг мустақил белгиси сифатида қуйидаги иккита жиҳат билан характерлашимиз мумкин: 1) ижтимоий хавфли қилмиш жазо қўллаш таҳдиди билан қонун чиқарувчи томонидан тақиқланади; 2) ушбу тақикни бузган шахс қоидага кўра жазога тортилади.

Шуни таъкидлашимиз лозимки, жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳар доим ҳам жазо қўллаш шартлигини назарда тутмайди. Жиноятни аниқлаш «жазо қўллаш таҳдиди» билан бевосита боғлиқдир. Жинойий жазо бу жиноят содир қилишнинг оқибатидир. ўз навбатида, бу оқибат баъзи бир ҳолатларда қўлланилмаслиги ҳам мумкин. Шу йўл билан қонун чиқарувчи жазо қўлланилишини огоҳлантириш орқали жавобгарликнинг муқаррарлиги принципининг бузилмаслигини таъминлайди. Масалан, айбдорнинг қилмишида уни жинойий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган барча аломатлар мавжуд бўлиши мумкин, лекин шунга қарамадан амнистия акти туфайли у жинойий жазодан озод қилиниши мумкин (лекин жинойий жавобгарликдан эмас). Шунинг учун жинойий жазо ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари ҳар доим ҳам жинойий-ҳуқуқий мажбурловнинг айнан битта механизми бўла олмайди.

Жиноятларнинг бошқа турларига қараганда ушбу туркум жиноятлар қолган уч туркум жиноятларига нисбатан камроқ аҳамият касб этади. Шуниси характерлики, жамият учун унчалик катта хавф туғдирмайдиган қилмишларга маъмурий преюдитсия мавжуд бўлган ҳолларда жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар киради, маъмурий жавобгарликка тортилган шахс бир йил давомида яна шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликни содир этса, жинойий жавобгарликка тортилади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноятлар назарда тутилган моддалар санксия қисмида озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўлмаслиги мумкин (масалан, ЖК 140- ёки 192-моддалари). Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар акс этган моддаларнинг аксаридида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган (фақатгина айрим ихтисослашган ёки ўта ихтисослашган жиноятларда бу жазо қўлланилади). Бу турдаги жиноятларга қуйидаги қасддан содир қилинадиган ЖК 139-, 140-, 145-, 149-моддалари ва

бошқалар, шунингдек, 280-моддаси 1-қисмида назарда тутилган эҳтиётсизликдан содир қилинадиган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради (ЖК 155-моддаси 3-қисми).

Жиноят қонунида белгиланган қоидага кўра, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига санксия қисмида қасддан содир этиладиган, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар тааллуқлидир. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, назарда тутилган жазо, ўз навбатида, бошқа енгил турдаги жазолар билан муқобил равишда мос келиши керак.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради (ЖК 155-моддаси 4-қисми).

Ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси энг юқори жиноятлар – ўта оғир жиноятлардир.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради (ЖК 155-моддаси 5-қисми).

Бу туркумдаги жиноятларга қонун чиқарувчи, энг аввало, шахс ҳаёти ва соғлиқига қарши қаратилган қасддан содир қилинадиган жиноятлар, шунингдек, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларни киритган.

Жиноятни тегишли туркумга киритиш ЖКда белгиланган ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Ретсидив жиноятни хавfli ёки ўта хавfli деб топиш масаласи шахсинг илгари содир қилган унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жинояти учун неча маротаба судланганлигига қараб, ҳал қилинади (ЖК 34-моддаси); умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат ўта оғир жиноятлар учун тайинланиши мумкин (ЖК 51-моддаси); шахс жазони ўтайдиган колониянинг тури содир этилган жиноят қайси туркумга кириши билан боғлиқ ҳолатда белгиланади.

Жиноятларни таснифлашда жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш (ЖК 33-моддаси), жиноий жавобгарликдан озод қилиш (ЖК бешинчи бўлими), шу жумладан жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги (ЖК 64-моддаси), судланганлик ҳолатининг тугалланиши (ЖК 78-моддаси) муносабати билан, шунингдек, вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш (ЖК 88-моддаси) ва бошқа ҳолатлар бевосита боғлиқдир.

Таснифлаш содир этилган қилмишнинг у ёки бу белгилари, хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратиш демакдир. Жиноятлар турли асосларда таснифланади. Масалан: тажовуз объектига; ижтимоий хавfliлик даражасига; қилмишнинг ҳолатига (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик); айбдорлик

хусусиятига (қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида); криминологик ва криминалистик хусусиятларига кўра ва бошқалар. Жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра таснифланиши, айниқса, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш, жазони тайинлаш масалаларини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик принципларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

### Мустақил тайёргарлик учун топшириқ


1. Умумий ва махсус қисмларнинг ўзаро фарқини конспектлаштиринг.
2. Жиноят кодекси тузилишини жадвал кўринишида тасвирланг.
3. Жиноятларнинг таснифланишини конспектлаштиринг (мисоллар билан).
4. Жиноят белгиларининг мазмунини ёритинг.

### Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Дебат”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Дебат» (французча «дебаттере» сўзидан олинган бўлиб, «дебац» – «баҳслашмоқ») технологияси йиғилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув машғулотларида дебат қуйидаги тартибда уюштирилади:



### **Ўқув машғулотнинг муаммоли саволлари:**

1-муаммо. Дубайда содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топиладими?

2-муаммо. Депутат ва сенат аъзолари томонидан жиноят содир этилган тақдирда улар бошқа жисмоний шахслардан ҳар хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонунда уларга нисбатан енгиллаштирувчи ҳолатлар белгиланганми?

3-муаммо. Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эгами?.

### **Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



### **Назорат учун саволлар:**

1. Жиноят қонунчилиги ва принциплари.
2. Жиноят тушунчаси ва белгилари.
3. Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши.
4. Жиноят қонунининг макон бўйича амал қилиши.
5. Жиноятларни таснифлаш мезонлари.

## 4.10-МАВЗУ. ЖИНОЯТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ АСОСЛАРИ, ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ТУШУНЧАСИ

Маъруза машғулоту (2 соат)

### Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Жиноят учун жавобгарлик тушунчаси, моҳияти ва асослари.

2-ўқув саволи. Жиноят учун жавобгарликнинг вужудга келиши, амалга оширилиши ва тугатилиши.

3-ўқув саволи. Жиноят таркиби ва тузилиши.

### 1-ўқув саволи. Жиноят учун жавобгарлик тушунчаси, моҳияти ва асослари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир». Мазкур конституциявий қоида ҳуқуқий демократик давлатда давлат, жамият ва фуқаро ўртасидаги ўзаро муносабатнинг негизи қонунийлик бўлиб, у жамиятда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга, яъни ўзаро масъулиятга эга бўлган субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг тартибга солинишини таъминловчи қонун чиқариш тизимига эга бўлиш заруратини белгилайди. Бинобарин, масъулият шундай ҳодисаки, у инсон борлигини ташкил этувчи учта асосий манба: шахс, жамият ва давлат фаолиятини тартибга солишнинг объектив заруратини акс эттиради.



**«Жиноят учун жавобгарлик» тушунчаси** - жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо қўллашда ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир (ЎЗРЖКнинг 16-м).

Мазкур тушунчада жинойий жавобгарликни ташкил этган бир қатор муҳим белгилар ўз аксини топган.

### Жинойий жавобгарликнинг белгилари.

- 1) ўзининг юридик мазмунига кўра, жиноятнинг ҳуқуқий оқибатидир;
- 2) ижтимоий хавфли ва айбли қилмиш оқибатида юзага келади;
- 3) ҳукм қилиш шаклидаги давлат мажбурловида ифодаланиб, жинойий жазони қўллаш ёки қўлламаслик ёхуд жиноят ҳуқуқига оид таъсирнинг жинойий жазо бўлмаган бошқа таъсир чораларида ўз аксини топади;
- 4) жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар вужудга келади, амалга оширилади ва яқунланади;
- 5) фақат суд томонидан тайинланади.

**«Жинойий жавобгарлик»нинг асослари.** ЖК 16-моддасининг 2-

қисмида жиноий жавобгарликнинг умумий асослари белгиланган бўлиб, унда *фактик* ва *норматив* асослар ўз аксини топган.

**Фактик асос.** Жиноий жавобгарликнинг *фактик асоси* шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Айнан шу сабабдан юридик далил сифатида жиноят ҳуқуқига оид муносабат юзага келиб, унинг таркибий элементи жиноий жавобгарлик ҳисобланади.

Юзага келган жиноят ҳуқуқига оид муносабат содир этилган жиноятни очиш ва тергов қилиш бўйича ваколатли органларнинг процессуал фаолияти давомида моддий мазмунга тўлиб боради. Жиноий жавобгарлик мазкур фаолиятнинг объекти бўлганлиги сабабли, у жиноят қонунида мазкур жиноий қилмишни жиноят деб белгиловчи тегишли ҳуқуқий нормани аниқлашга қаратилган бўлади. Жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар субъектларидан бирининг мазкур фаолияти жиноятни квалификация қилиш деб таърифланади ва у содир этилган қилмишнинг ноқонунийлигини исботлаш бўйича муайян мантикий жараёндан иборат бўлади. Зеро, қилмишда жиноят ҳуқуқига оид муайян нормада бўлган аломатлар мажмуи бўлганидагина уни жиноят сифатида тан олиш мумкин. Жиноят ҳуқуқига оид нормада ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида таърифловчи объектив ва субъектив элементлар ҳамда аломатлар энг кам ва етарли бўлган мажмуи жиноят таркиби ҳисобланади.

**Норматив асос.** Бинобарин, жиноий жавобгарликнинг *норматив асоси* Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркиби тушунилади, яъни ЖКнинг 16-моддаси 2-қисмига мувофиқ, жиноят қонунчилигида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бундан кўриниб турибдики, жиноят қонунчилигида кўрсатилган жиноят таркиби жиноий жавобгарликка тортишнинг норматив асоси ҳисобланади. Ижтимоий хавфли қилмиш фақат жиноят қонунда кўрсатилган жиноят таркибининг белгилари мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ҳисобланади.

Фактик ва норматив асосларнинг йиғиндиси **жиноий жавобгарликнинг умумий асосини** ташкил қилади.

**2-ўқув саволи. Жиноят учун жавобгарликнинг вужудга келиши, амалга оширилиши ва тугатилиши.**

Жиноий жавобгарликнинг жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар доирасида юзага келиши, амалга оширилиши ва тўхтатилиши унинг моҳияти фақат мазкур ҳуқуқий муносабатлар орқали очилишини шарт қилиб қўяди.

**Жиноят учун жавобгарликнинг вужудга келиши.** Жиноий жавобгарлик суднинг айблов ҳукми чиққан пайтдан бошлаб вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигига асосан жиноий жавобгарлик фақатгина жиноий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида мавжуд бўлади.

**Жиноий жавобгарликни амалга оширилиши.** Жиноий жавобгарликни амалга ошириш шакллари қуйидагилардан иборат:

1. Айбдорни жазо қўлламасдан ҳукм қилиш (ЖКнинг 70, 71-м.).
2. Айбдорга жазо белгилаб, аммо уни реал ижро этишдан озод қилган ҳолда ҳукм қилиш (ЖКнинг 72-м.).
3. Айбдорга жазо белгилаб, уни ижро этган ҳолда ҳукм қилиш.
4. Айбдорга жазо ёки бошқа тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаб, шунингдек уларни реал ижро этиш билан ҳукм қилиш (ЖКнинг 91-м.).
5. Вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш йўли билан ҳукм қилишдан иборатдир (ЖКнинг 87-м. 2-қ.).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50, 51-моддаларида белгиланган имтиёзларни қўллашда судлар эркин судланувчининг ҳукм чиқарилаётган ёки иш апелляция босқичида кўриляётган кунда 60 ёшга тўлганлигини инобатга олишлари лозим<sup>4</sup>.

**Жиноят учун жавобгарлик қуйидаги ҳолларда тугатилади.** Жиноий-ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги ҳолатларда тугайди:

- 1) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш;
- 2) шахс устидан ҳукм чиқариш:
  - а) жазони қўлламаган ҳолда;
  - б) вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда;
- 3) жиноий жавобгарликдан тўлиқ озод этиш;
- 4) жиноий жазодан тўлиқ озод этиш;
- 5) судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши;
- б) ижтимоий хавфли жиноят содир этган шахснинг ўлими.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига янги киритилган 66№-моддасидаги ярашув институтини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади<sup>5</sup>.

### **3-ўқув саволи. Жиноят таркиби тушунчаси ва тузилиши.**

Жиноят таркиби жиноят ҳуқуқи назариясида асосий ўринлардан бирини эгаллайди ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолиятида катта аҳамиятга эга бўлиб, Жиноят кодексининг 16-моддаси 2-қисмига мувофиқ, жиноят қонунчилигида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортишга

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари тўплами 1991 - 2006.Т., 2006. 2- жилд. 109 б.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари тўплами 1991 - 2006.Т., 2006. 2- жилд. 126 б.

асос бўлади.

Жиноят таркиби тушунчаси. Жиноят таркиби бу - жиноят қонунчилигида аниқ бир ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб таърифловчи энг кам ва етарли объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Суд томонидан жиноят учун жаъзо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 2006 йил 3-феврал 01-сонли қарорида жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари талабларига сўзсиз ва аниқ риоя қилиш зарурлигига ва қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлмаган шахсларнинг судланишига ҳамда нотўғри квалификация қилиш ҳолатларига ва иш ҳолатларини ва айбдор шахсини инобатга олмасдан жазо чораларини тайинлашга йўл қўймасликка катта эътибор берилади.

Жиноят таркибининг умумий тушунчаси барча жиноят таркибларига тегишли бўлган белгиларни умумлашган ҳолда акс эттиради ва алоҳида таркибларнинг мазмунини ёритиш учун муҳим илмий-билиш аҳамиятига эга. Аниқ жиноятларнинг ўзига хосликларини кўрсатиб ва мазмунини ёритиб, жиноят таркиби бир турдаги жиноятларни иккинчи турдаги жиноятлардан фарқини аниқлашга ёрдам беради. Жиноят таркиби белгиларини тўғри аниқлаш нафақат қилмишнинг қайси жиноят турига мансублигини аниқлаш масаласини, балки айбдорга қайси жазо чораси қўлланилиши мумкинлиги масаласини ва шу шахс содир этган қилмиш жиноят ҳисобланиши мумкинлиги масаласини ҳал қилишда аҳамиятга эга. Жиноят ҳақида сўз борар экан, жиноят содир этилган ёки этилмаганлиги шу жиноятни таърифловчи қонун нормалари, яъни жиноят таркиби асосида амалга оширилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикиси Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади» деб айтилган.

Жиноят таркибининг тузилиши.

Жиноят таркиби тузилиши буйича тўрт элементдан иборат:

1. Жиноятнинг объекти.
2. Жиноятнинг объектив томони.
3. Жиноятнинг субъекти.
4. Жиноятнинг субъектив томони.

Жиноят таркибининг турлари.

Жиноят таркибини ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тўрт турга ажратиш мумкин:

1. Асосий таркибли жиноят.
2. Енгиллаштирувчи таркибли жиноят.
3. Оғирлаштирувчи таркибли жиноят.
4. Алоҳида оғирлаштирувчи таркибли жиноятларга ажратилади.



Асосий таркибли жиноят деб - аниқ турдаги ҳар бир жиноят учун зарур ва энгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи белгилардан мустасно бўлган белгилар йиғиндисидан ташкил топади. Бу таркиб фақат шу жиноят турига мансуб муҳим ва ўзига хос белгилардан иборат бўлади. Масалан: 169-модданинг 1- қисми.

Энгиллаштирувчи (имтиёзли) таркибли жиноят деб - асосий таркибга қўшилиб, ушбу турдаги жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтирувчи ҳолатлардан иборат таркибдир.

Оғирлаштирувчи таркибли жиноят деб - асосий таркиб белгилари билан бир қаторда, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширадиган ҳолатлар мавжуд бўлади. Бундай ҳолатлар бир нечта, шу билан бирга, улар жиноят таркиби элементларининг барчасига ёки ҳаммасига тааллуқли бўлиши мумкин.

Алоҳида оғирлаштирувчи таркибли жиноят деб - асосий таркибнинг ўзида оғирлаштирувчи ҳолатларни акс эттиради. Бунда ижтимоий хавфлилик даражаси оғирлаштирувчи таркибдан ҳам юқори бўлади.

Жиноят таркиби белгилари қонун чиқарувчи қабул қилган баён қилиш услубига қараб оддий ва мураккабга ажратилиши мумкин.

Оддий таркибли жиноятлар - қонунда таърифланганда ҳар бир таркиб белгиси биттадан кўрсатилади: битта объект, битта ҳаракат, битта оқибат, битта айб шакли.

Мураккаб таркибли жиноятлар - шундай таркибга эгаки, унда икки ёки ундан кўп объект, икки ёки ундан кўп қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), бир неча муқобил белгилар, битта таркибга мансуб бир қатор оддий таркиблар ёки айбнинг икки шакли мавжуд бўлади.

Бир неча қилмишдан иборат жиноят таркиби - икки ёки ундан ортиқ қилмишлар йиғиндиси, ягона жиноят таркибини вужудга келтирадиган таркиблар киради.

Муқобил таркиб - бир неча қилмиш ёки бир неча жиноий оқибатлардан иборат бўлиб, жиноят таркиби мавжуд деб ҳисоблаш учун шулардан камида биттасининг борлиги кифоя қилади.

Икки айб шакли мавжуд бўлган жиноят таркиби - бу шундай таркибки, уларда айбдор ўз қилмишига (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ва унинг натижасида келиб чиққан оқибатга турли руҳий муносабатда бўлади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ**


1. Жиноят учун жавобгарликнинг норматив ва фактик асосларини конспеклаштириш.
2. Жиноят таркибининг элементлари ва уларнинг белгиларини конспеклаштириш.
3. Жиноят таркибининг турларини конспеклаштириш.

## Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Савол-жавоб”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Савол-жавоб» методи мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1. Жиноят учун жавобгарликнинг умумий ёши?
2. Қасддан одам ўлдириш жинояти учун жавобгарлик ёши?
3. Жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва уларни бошқара олган шахс?
4. Ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан суд томонидан қандай чора тайинланиши мумкин?
5. Айбнинг шакллари?
6. Қасд турлари?
7. Мансабдор шахсларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори?
8. Ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш?
9. Эҳтиётсизлик турлари?
10. Агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят?

11. Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг ҳолатларига кўра кўзи етиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган бўлса, бундай қилмиш?

12. Шахснинг қасдан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш?

13. Қасдан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса?

14. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни истисно қиладими?

15. иштирокчилик деб нимага айтилади?

16. Жиноят иштирокчиларининг турлари?

17. Иштирокчиликда жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган шахс?

18. ташкилотчи ким?

19. Жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс?

20. Иштирокчиликнинг шакллари?

### **Тингловчилар куйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;

2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганди гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;

3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;

4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



### **Назорат учун саволлар:**

1. Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари.

2. Жиноят таркиби тушунчаси ва моҳияти.

3. Бир қанча жиноят содир этиш.

4. Жиноятда иштирокчиликнинг турлари ва шакллари.

5. Жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар.

## 4.11-МАВЗУ: ЖИНОЙ ЖАЗО ТУШУНЧАСИ, МАҚСАДИ ВА ТУРЛАРИ

### Маъруза машғулоти (2 соат)

#### Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Жиноят учун жазо тушунчаси, турлари ва белгилари.

2-ўқув саволи. Жазо тайинлашнинг умумий асослари.

3-ўқув саволи. Жавобгарлик ва жазодан озод қилиш тушунчаси ҳамда асослари.

#### 1-ўқув саволи. Жиноят учун жазо тушунчаси, турлари ва белгилари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорини 1-бандига асосан қуйидаги қоида биз учун алоҳида аҳамиятга эга «Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликни муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин».

Жазо – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир (ЎЗР ЖК 42-м.1-қ).

Жазо – маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

*Жиноий жазо турлари (ЖК 43-м.):*

- Жарима (ЖК 44-м.);
- Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш (ЖК 45-м.);
- Мажбурий жамоат ишлари (ЖК 45<sup>1</sup>-м.);
- Ахлоқ тузатиш ишлари (ЖК 46-м.);
- Хизмат бўйича чеклаш (ЖК 47-м.);
- Озодликни чеклаш (ЖК 48<sup>1</sup>-м.);
- Интизомий қисмга жўнатиш (ЖК 49-м.);
- Озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 50-м.);
- Умрбод озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 51-м.).

*Қўшимча жазо тури:*

- Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш (ЖК 52-м.).

**1. Жарима** – айбдордан давлат даромадига жиноят кодексда белгиланган миқдорда пул ундиришдир.

Жарима – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда. Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда

тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда мажбурий жамоат ишларининг икки ярим соати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга, ахлоқ тузатиш ишларининг, хизмат бўйича чеклашнинг, озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

**2. Шахснинг муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш** – Шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда - бир йилдан беш йилгача муддатга, кўшимча жазо тариқасида тайинланганда - бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади.

Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан жиноят кодекси маҳсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога кўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

**3. Мажбурий жамоат ишлари** – Мажбурий жамоат ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади.

Маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади.

Мажбурий жамоат ишлари бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга тайинланади ва олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади.

**4. Ахлоқ тузатиш ишлари** – Ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

**5. Хизмат бўйича чеклаш** – Ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир.

Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси жиноят кодекси маҳсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик оқоғасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин.

**6. Озодликни чеклаш** – Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Озодликни чеклаш бир ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин:

- муайян жойларга бормаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;
- муайян фаолият билан шуғулланмаслик;
- муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;
- транспорт воситасини бошқармаслик;
- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;

- муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;
- алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;
- алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

**7. Интизомий қисмга жўнатиш** – Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишдир.

Интизомий қисмга жўнатиш жазоси жиноят кодекси махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда уч ойдан бир йилгача муддатга қўлланилади. Суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин.

**8. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси** – Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир.

Озодликдан маҳрум қилиш бир ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

**9. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш** – Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

**Қўшимча жазо тури:** Ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм

қилинганида суднинг ҳукм асосида киритадиган тақдимномасига биноан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин.

*Қўшимча жазо* шундай жазоки, у мустақил равишда қўлланилмай, қайсидир асосий жазо билан биргаликда белгиланади. Қонунда фақат бир турдаги жазо, яъни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш қўшимча жазо турига киритилган. Қўшимча жазолар ёрдамчи хусусиятга эга бўлиб, судга содир этилган жиноят оғирлигига мос жазо чорасини индивидуаллаштириш ва умумий ҳамда махсус мажбурлов таъсирига эришиш имконини беради.

## **2-савол. Жазо тайинлашнинг умумий асослари**

Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар муайян жиноят учун белгиланган санкциялар доирасида жазо тури ва миқдорини танлашга жиддий таъсир кўрсатади. Қонунда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг рўйхати ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатларнинг рўйхати белгиланганлиги амалдаги қонун ҳужжатларининг хусусиятини ташкил этади. Бу муайян ишни кўриб чиқиш вақтида аниқланган ҳеч бир ҳолат, агар Жиноят кодексининг тегишли моддаларидаги рўйхатга киритилмаган бўлса, жазони оғирлаштирувчи аҳамиятга эга бўла олмаслигини билдиради.

*Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар* – жиноят таркиби белгиларига кирмайдиган, жиноятнинг объектив ва субъектив ҳолатларини тавсифлайдиган ҳамда санкция доирасида енгилроқ жазо тайинлашда инобатга олинадиган ҳолатлардир.

Қонун (ЖК 55-моддаси) жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар доирасини чекламайди. Шу сабабли жазо тайинлаш пайтида ушбу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин (масалан, ижтимоий хавфлилиги катта бўлмаган жиноятнинг биринчи марта содир этилиши, судланувчининг ёш боласи борлиги, айбдор томонидан бевосита жиноят содир этилганидан сўнг жабрланувчига тиббий ёки бошқа тарзда ёрдам кўрсатилиши ва ҳ.к.). Бундай ҳолатнинг жазони енгиллаштирувчи деб топилганлиги ҳақидаги хулоса ҳукмда асосланрилиши керак.

Қонун (ЖК 55-модда) жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида қуйидагиларни назарда тутади:

*Айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгулдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиб учун фаол ёрдам бериш (ЖК 55-м. 1-қ. «а» б.).* Айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ўзи содир этган жиноят ҳақида хабар беришдир. Жиноят содир этилганидан кейин қанча вақт ўтганидан қатъи назар, айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қаралмоғи керак. Мазкур ҳолат жиноят содир этган шахснинг хавфлилик даражаси анча



камайганидан далолат берувчи «жиноятдан кейинги ижобий хулқ» турларига киради. Айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш жиноий жавобгарликка тортиш муддати давомида ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Бироқ ушбу ҳаракат мажбурий эмас, балки ихтиёрий бўлиши муҳим. Бунда ҳокимият органлари содир этилган жиноят ҳақида маълумотга эга бўлган-бўлмаганлигининг аҳамияти йўқ.

*Етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш (ЖК 55-м. 1-қ. «б» б.).* Ихтиёрий равишда етказилган зарарни бартараф қилиш қуйидагиларда намоён бўлади: а) етказилган зарарни ўз кучи билан бевосита бартараф қилиш; б) моддий зарарни ўз маблағлари ҳисобидан қоплаш; д) жабрланувчи ёки жамоа аъзолари олдида суд белгилаган шаклда ошкора кечирим сўраш.

*Оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиши (ЖК 55-м. 1-қ. «в» б.).* Ушбу ҳолат турли моддий қийинчиликлар, ноқулай турмуш шароитлари, оилада ота ёки онанинг йўқлиги кабиларни билдиради. Бироқ, агар жиноят оғир шахсий ёки оилавий ҳолатлар оқибати сифатида келиб чиқмаган бўлса, ушбу ҳолатларни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб бўлмайди. Оғир шахсий ёки оилавий ҳолатларнинг юзага келиши айбдорнинг жиноий хулқига олиб келган бўлса, улар жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қаралиши лозим. Оила боқувчисининг оғир хасталиги ёки ўлими натижасида кундалик ҳаёти издан чиққан шахс оила бошига тушган қийинчиликларга дош бера олмай, масалан, ўғрилиққа қўл уриши ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобланиши мумкин.

*Мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиши (ЖК 55-м. 1-қ. «ж» б.).* Мажбурлаш деганда, айбдорни жиноят содир этишга мажбур қилиш мақсадида унга руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш тушунилади. Мажбурлаш сабабли жиноят содир этган айбдор тушкун ҳолда иш қилади. Моддий қарамлик деганда, айбдорнинг ўзга шахс қарамоғида бўлиши, турар жойи бўлмагани боис бировникида яшашига асосланган қарамлиги кабилар тушунилади.

*Жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача гайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиши (ЖК 55-м. 1-қ. «д» б.).* Жабрланувчининг гайриқонуний, баъзан эса жиноий ҳаракатлари айбдорнинг руҳиятига таъсир этадиган кучли ҳаяжонланиш ҳолатини келтириб чиқариши мумкин. Кучли руҳий ҳаяжонланиш, ҳаракатларни назорат қилишга салбий таъсир этади. Бироқ ушбу ҳолда инсон ўз ҳаракатларини англаш, улар учун жавоб бериш ва уларни бошқариш имкониятини йўқотмайди. Фақат шунинг учунгина ушбу ҳолат жиноий жавобгарликни истисно этувчи эмас, балки енгиллаштирувчи ҳолат

деб топилади. Қонунда жабрланувчининг зўравонлиги, оғир ҳақорати ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати инobatга олиниб, бундай вазиятларда жавобгарлик енгиллаштирилган.

*Зарурий мудофаанинг, охирги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиши, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиши (ЖК 55-м. 1-қ. «е» б.).* Айбдор бундай вазиятда давлат ёхуд шахс манфаатларини ҳимоя қилади, зарар эса ушбу ҳолда ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсга етказилганлиги боис, бу ҳолат жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб қаралади (ЖК 37-41-м.).

*Вояга етмаганнинг жиноят содир этиши (ЖК 55-м. 1-қ. «ж» б.).* Кўпинча вояга етмаганларнинг дунёқараши шаклланиб бўлмаганлиги, руҳияти беқарор бўлганлиги, кўп ҳолларда содир этиаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини тўла англамаганлиги ва бошқа шу каби сабаблар туфайли содир этганликлари боис – жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топилади.

*Ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши (ЖК 55-м. 1-қ. «з» б.).* Ушбу ҳолда ҳомиладорлик аёл организмида баъзи бир функционал ўзгаришлар келтириб чиқариши ва унинг руҳиятига салбий таъсир этиши инobatга олинади. Қонун чиқарувчи бунда инсонпарварлик принципига асосланади ҳамда ҳомиладор аёлнинг соғлиғини сақлаш, боланинг она қорнида нормал ривожланиши ва туғилиши мақсадларини кўзлайди.

*Жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиши (ЖК 55-м. 1-қ. «и» б.).* Ғайриқонунийлик ижтимоий хавфлиликнинг юридик ифодасидир. У жиноят содир этган шахс жиноий-ҳуқуқий нормада белгиланган тақиқни бузганидан далолат беради. Жазони бу асосда енгиллаштириш учун жабрланувчининг, шахсни жиноят қилишга олиб келган, хулқ-атвори ғайриқонуний ёки ахлоққа зид бўлиши шарт.

*Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар* – жиноят таркиби белгиларига кирмайдиган, жиноятнинг объектив ва субъектив ҳолатларини тавсифлайдиган ҳамда санкция доирасида оғирроқ жазо тайишлашда инobatга оладиган ҳолатлардир.

ЖК 56-моддасида жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг чекланган доираси белгиланган. Жазо тайинлаш пайтида ушбу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин эмас. Бироқ, муайян жиноятнинг хусусиятларидан келиб чиқиб,

сабабларини ҳукмда асослантирган ҳолда суд улардан бирортасини ҳам жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

### **3-ўқув саволи. Жавобгарлик ва жазодан озод қилиш тушунчаси ҳамда асослари**

Жиноят содир этган шахсни жазодан озод қилиш ҳам жавобгарликдан озод қилиш сингари жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Жазодан озод қилиш деганда шахсни жиноят содир этишда айбли деб топиш билан биргаликда, уни содир этган жинояти учун қонунда назарда тутилган ҳолатларда жазолашдан воз кечишни тушунишимиз лозим. Жиноят учун жазодан озод қилиш жавобгарликдан озод қилишдан процессуал тартиби, шартлари ва бошқа ҳолатларига кўра фарқланади. Ҳуқуқий оқибатига кўра суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади (ЖК 77-моддаси 2-қисми). Жазодан озод қилишнинг моҳияти шундаки, бунда айбдор қонуний шартлар асосида жазони ижро этмайди ва суд томонидан тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилади.

Жазо маҳкумни жазолаш мақсадида эмас, балки уни ахлоқан тузатиш, жиний фаолиятининг давом этишига тўсқинлик қилиш, шунингдек, маҳкумнинг ҳам, бошқа шахсларнинг ҳам янги жиноятлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланади ва ижро этилади. Шу боис жазо тайинлаш ва уни ижро этиш давлат ихтиёридаги бошқа ҳуқуқий-воситалар муайян вазиятда жазонинг мақсадига эришиш имконини бермаганида зарур бўлади. Агар ушбу мақсадларга жазо қўлламай туриб, бошқа усул ва воситалар ёрдамида эришиш мумкин бўлса, жазони ижро этиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Ана шундай ҳолларда жазодан ёхуд уни ўташдан озод қилиш масаласи ҳал қилинади.

*Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.* Жазо маҳкумнинг суд ҳукми бўйича жазони ижро этишга қаршилиқ кўрсатиши, жазони ижро этишга масъул органларнинг ўз хизмат вазифаларига совуққон муносабати, маҳкумнинг оғир касаллиги ва бошқа сабабларга кўра жазо ижро этилмаслиги мумкин.

Жазони ижро этиш муддатлари суд томонидан чиқарилган ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади.

*Қонунда муддатлар ўтишининг икки тури белгиланган:*

- 1). Дифференциал (табақалаштирилган) муддат;
- 2). Универсал (умумий) муддат.

Дифференциал муддатнинг ўтиб кетиши жиноят учун тайинланган жазо тури ва муддатидан келиб чиқади.

*Шартли ҳукм қилиш.*

*Шартли ҳукм қўллаш учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:*

1). Озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинланганлиги;

2). Содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келганлиги.

*Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш.* Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш Жиноят кодексининг 73-моддасида тартибга солинган. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ўз мазмунига кўра жазони бундан буён ўташдан озод қилиш туридир. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг моҳияти шундаки, суд жазонинг ўталмаган муддати давомида қасддан янги жиноят содир этмаслик шарти билан, жазо ўтаётган шахсни унинг ўталмаган қисмини ўташдан озод қилади. Шундай қилиб, жазонинг ўталмаган қисми ўзига хос синов муддати бўлиб, унга риоя этмаслик жазонинг ўталмаган қисмини ҳисобга олиш, уни янги тайинланган жазога қўшиш ва муддатидан илгари шартли озод қилишнинг тугатилиши учун асос бўлади. Шундан келиб чиқиб, муддатидан илгари шартли озод қилиш жазодан озод қилишнинг хусусий ва шартли туридир.

*Жазони енгилроғи билан алмаштириш.*

Жиноят кодексининг 43-моддасида жазолар тизими енгилдан оғирга қараб белгиланган. Жазонинг енгилроқ турлари қонунда ушбу турдаги жазолар учун белгиланган муддатлар доирасида тайинланади ва бундан кейин ўташдан озод қилинган қаттиқроқ жазонинг ўталмаган муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш фақат икки турдаги жазога, яъни озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга қўлланилиши мумкин.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этганлиги учун ҳукм қилишда жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми амалда ўтаб бўлинганидан сўнггина жазо енгилроғига алмаштирилиши мумкин (ЖК 74-модда 3-қисми «а» банди).

*Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш.*

Суд ҳукм чиқарилганидан кейин руҳий касалликка, шунингдек, жазони

ўташга тўсқинлик қиладиган бошқача оғир касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкин.

Рухий касалликларга асосан узоқ давом этадиган, кучайиб ва оғирлашиб борадиган ҳамда даволаш қийин бўлган сурункали рухий касалликлар киради. Барқарор бўлмаган, вақтинчалик, ўткинчи хусусиятга эга бўлган рухий касалликлар жазодан муддатидан илгари озод қилиш масаласини ҳал этиш учун асос бўла олмайди.

Рухий касалликларга кирмайдиган бошқа оғир касалликлар деганда, ўзининг жиддийлиги ва даволаб бўлмаслиги билан жазо чорасини қўллашга тўсқинлик қиладиган ва жазони қўллаш унга нисбатан бефойда ҳисобланган касалликлар тушунилади.

*Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш.*

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддаси 1-қисмининг 23-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 80-моддасининг 10-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади.

Афв этиш суд ҳукмининг асослилиги ва ваколатлилигини шубҳа остига қўймайди. У фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг аниқ бир шахсининг (ёки аниқ шахсларнинг) содир этган жиноятини кечиришини аниқлатади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ**

1. Жазо тизими, асосий ва қўшимча жазолар деганда нима тушинилади?
2. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси кимларга қўлланилмайди?
3. Ҳарбийларга қўлланилиши мумкин бўлган жазо турлари?
4. Жазодан озод қилиш ва жавобгарликдан озод қилишнинг ўзаро фарқи?
5. Жазо тайинлашда нималар ҳисобга олиниши лозим?

### **Семинар машғулоти (2 соат)**

**“Баҳс-мунозара” методи** - мавзу бўйича тингловчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш

вазифасини тингловчиларнинг бирига топшириши ёки ўқитувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир тингловчи мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда тингловчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак: барча тингловчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;

“ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;

фикр-ғояларни тинглаш маданияти;

билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;

бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

**“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Ўқитувчи мунозара мавзусига доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Ўқитувчи тингловчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

3. Ўқитувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун тингловчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда ўқитувчи тингловчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Ўқитувчи тингловчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.



**Баҳс-мунозаранинг саволлари:**

1. Жиноий жазоларнинг мақсади?

2. Ҳам асосий, ҳам қўшимча жиноий жазоларнинг ўзаро фарқи?

3. айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлаш?

4. маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилиш мумкинми?

5. Мажбурий жамоат ишлари кимларга қўлланилмайди (биттадан айтилади)?

6. Ахлоқ тузатиш ишлари кимларга нисбатан қўлланилмайди (биттадан айтилади)?

7. Хизмат бўйича чеклаш қанча муддатга тайинланади?

8. маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштириш жазоси?

9. Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш?

10. Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси кимларга нисбатан қўлланилмайди?

11. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қандай ҳолларда қўлланилади?

12. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси кимларга нисбатан тайинланиши мумкин эмас

**Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;

2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;

3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;

4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



**Мустақил таълим учун топшириқ**

1. Жиноий жазо турлари?

2. Жарима жазоси тушунчаси ва моҳияти?

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси ва моҳияти?

4. Жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар?

5. Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар?

## 4.12-МАВЗУ: АЛОҲИДА ТУРДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

### Маъруза машғулоти (2 соат)

#### Машғулот режаси:

**1-ўқув саволи.** Шахсга қарши жиноятлар;

**2-ўқув саволи.** Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар;

**3-ўқув саволи.** Бошқарув тартибига қарши жиноятлар.

#### **1-ўқув саволи. Шахсга қарши жиноятлар**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмини етита бобдан (I боб – Ҳаётга қарши жиноятлар; II боб – Соғлиққа қарши жиноятлар; III боб – Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар; IV боб – Жинсий эркинликка қарши жиноятлар; V боб – Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар; VI боб – Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар; VII боб – Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар) иборат «Шахсга қарши жиноятлар» деб номлаувчи биринчи бўлим очиқ беради.

Шахсга қарши жиноятларни *ижтимоий хавфлилик* даражасининг юқорилиги, уларнинг содир этилиши натижасида ҳаёт, соғлиқ, шахснинг жинсий эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати, шахснинг озодлиги ҳамда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказиш ёки зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқариши билан шартланади.

*Шахсга қарши жиноятлар* – бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган ва бевосита шахснинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлиги, озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда оила ва вояга етмаганларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларига тажовуз қилувчи ижтимоий хавfli қилмишлардир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми «Шахсга қарши жиноятлар» деб номланувчи биринчи бўлимга киритилган барча жиноятларнинг *турдош объекти* шахс манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, шахс манфаатларини жиноий тажовуздан химоя қилишнинг мазкур турдаги жиноятларнинг объекти сифатида баҳолаш уларнинг ижтимоий муносабатлар ва ундаги асосий тизимнинг негизи каби қаралади. Шахс бир вақтнинг ўзида биологик мавжудот эканлиги ҳамда муайян ҳуқуқ ва эркинликлар, мажбурият, озодлик ва бошқа ҳуқуқларга



эгаллигини мужассам этади. Ушбу бўлимда назарда тутилган ҳар бир жиноят шахсининг ижтимоий ҳаётда мавжуд эканлигини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг меъёрида амал қилишини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади. Шу нуқтаи назардан ушбу таҳлиллар «шахс» ва «инсон» категорияларини жиной-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида баҳолашда бир-бирига қарама-қарши қўйиш учун ҳеч қандай асосларнинг йўқ эканлигини кўрсатади.

Кўриб чиқиладиган жиноятларнинг *объектив томони* кўп ҳолларда шахсининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қилиши мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланиши билан тавсифланади. Қонун чиқарувчи шахсга қарши жиноятларнинг *зарурий белгилари сифатида* маълум бир оқибатлар келтириб чиқиш шартлигини белгиловчи (*моддий таркибли*) ёки бундай оқибатлар келиб чиқишини назарда тутмайдиган жиноятларни (*формал таркибли*) қайд этган. Масалан, шахсга қарши жиноятларнинг *моддий таркибли турларида* жиноятни тугалланган деб баҳолаш учун албатта қонун нормасида назарда тутилган муайян оқибатларнинг келиб чиққанлигини аниқлаш талаб этилади. Хусусан, қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-м.) жиноятида одам ўлими юз берганлиги жиноятнинг тугалланганлигидан далолат беради. Агар бундай оқибат шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра келиб чиқмаган бўлса, қилмиш қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш тариқасида квалификация қилинади. Бундай таркибли жиноятларни шахсга қарши бўлган бошқа жиноятларда ҳам кузатиш мумкин (масалан, соғлиққа қарши жиноятларда ва бошқ.).

Шахсга қарши жиноятларнинг *формал таркибли турларида* эса, жиноятни тугалланган деб ҳисоблаш учун қонун нормасида назарда тутилган жиноятнинг *объектив томонини* ифодаловчи қилмишлар содир этилганлигининг ўзи кифоядир. Масалан, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш (ЖК 112-м.) жинояти ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитилган вақтдан бошлаб тугалланган деб топилади.

Шахсга қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар кўриладиганда, содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳамда жиной-ҳуқуқий оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш асосий аҳамиятга эгадир. Сабабий боғланиш аниқланмаган ҳар бир ҳолат таҳлил этиладиган жиноят таркибини келтириб чиқармаслигини аниқлатади.

Шахсга қарши айрим жиноятларнинг диспозициялари бланкет хусусиятга эга бўлган моддалардан ҳам иборат ҳисобланади. Хусусан, тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш (ЖК 132-м.), фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 144-м.), сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш

тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 146-м.) ва бошқа шу каби жиноят ишларини кўриш ва тергов қилишда бошқа ҳуқуқ тармоқларига доир қонун ҳужжатларига мурожаат қилиш зарурдир.

Шахсга қарши жиноятларнинг *субъектив томони* ҳам қасд, ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилади. Таҳлил этилаётган жиноят таркибларининг аксарият қисми айбнинг қасд шаклида содир этилишини назарда тутди (ЖК 97–101, 103–110, 113, 118–121-моддалар ва бошқ.), бироқ мазкур жиноятлар қаторида айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ҳам ифодаланадиган жиноятлар ўз аксини топган (ЖК 102, 111-моддаси ва бошқ.).

Жиноятнинг мотив ва мақсадлари таҳлил этилаётган бир қатор жиноят таркибларининг (ёхуд уларнинг турларида) зарурий белгиси сифатида кўрсатилган (масалан, ЖК 124, 130, 131, 133, 135-моддалари ва бошқ.).

Кўрилаётган жиноятларнинг *субъекти* ҳар қандай 16 ёшга тўлган шахс бўлиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, масалан, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдиришда (ЖК 97-м. 2-қ.) 13 ёшдан, қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-м. 1-қ.), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖК 98-м.), қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-м.), қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-м.), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 106-м.), номусга тегиш (ЖК 118-м.), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш (ЖК 119-м.), одам ўғрилаш (ЖК 137-м.) жиноятларида 14 ёшдан, шунингдек вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 122-м.), ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 123-м.), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (ЖК 127-м.), фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 144-м.), сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 146-м.) жиноятлари учун 18 ёшдан жавобгарликка тортиладилар.

Шу билан бирга, шахсга қарши алоҳида турдаги жиноятларнинг субъектлари *махсус субъект* белгиларига эга ҳисобланади. **Хусусан**, онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (ЖК 99-м.), жинсий равишда ҳомила тушириш (аборт) (ЖК 114-м.), касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик (ЖК 116-м.), хавф остида қолдириш (ЖК 117-м.), бесоқолбозлик (ЖК 120-м.), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (ЖК 121-м.), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 122-м.), ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 123-м.), кўп хотинли бўлиш (ЖК 126-м.), фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш (ЖК 141-м.), фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 144-м.), виждон эркинлигини бузиш (ЖК 145-м.),

сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 146-м.), меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш (ЖК 148-м.) жиноятларида субъектнинг умумий белгиларини аниқлаш билан бирга, уларнинг қонун нормасида назарда тутилган қўшимча белгиларини ҳам аниқлаш шартдир.

Қонун чиқарувчи шахс манфаатларига тажовуз қилувчи бир қатор ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилади. Уларга, шахс ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлик, шахс озодлиги, шаъни ва кадр-қиммати, оиладаги меъёрий муносабатлар, вояга етмаган ва ёшларнинг нормал ривожланиши, умумэтироф этилган ахлоқий нормалар ва бошқаларни киритиш мумкин. Шу боис, шахсга қарши жиноятлар бевосита объектига қилинган тажовузларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида гуруҳларга ажратилган. *Улар қуйидагилардан иборат:* 1) ҳаётга қарши жиноятлар (ЖК 97-103-м.); 2) соғлиққа қарши жиноятлар (ЖК 104-111-м.); 3) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар (ЖК 112-117-м.); 4) жинсий эркинликка қарши жиноятлар (ЖК 118-121-м.); 5) оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар (ЖК 122-134-м.); 6) шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятлар (ЖК 135-140-м.); 7) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар (ЖК 141-149-м.).

*Қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилиш қоидалари.* Қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин, чунки, бунда айбдор ўз қилмиши-нинг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, жабрланувчининг ўлимига кўзи етган ва унинг ўлимини истаган бўлади, бироқ ўлим айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра (жабрдийданинг фаол қаршилиги, бошқа шахсларнинг аралашуви, жабрланувчига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилганлиги ва ҳ.к туфайли) юз бермайди.

Шу сабабли, айбдорнинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, ўлим юз беришини истаган-истамаганлигини ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўсқинлик қилганлигини аниқлаш зарур.

Қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятдан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркор.

Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ниятида ҳаракат қилади, баданга оғир шикаст етказиш шахснинг ўлимига сабаб бўлган ҳолларда эса, ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади.

Айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан,

жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жиний ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозим.

Агар қилмишда Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган квалификация белгилари, шунингдек, мазкур Кодекснинг 98–101-моддаларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, масалан, қотиллик безорилик туйқулари билан эмас, балки ўзаро жанжал ёки уришиш натижасида, рашк туфайли, ўч олиш, ҳасад, адоват, нафрат оқибатида содир этилган бўлса, қасддан одам ўлдириш жинояти ЖК 97-моддасининг биринчи қисми бўйича квалификация қилинади.

## **2-ўқув саволи. Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар**

*Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар* – бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган, миллий иқтисод, унинг тармоқлари ёки соҳаларига зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган ижтимоий хавфли қилмишлардир. Бу каби жиноятларнинг содир этилиши натижасида шахсларга, жамоат бирлашмаларига ёки давлатга моддий зарар етказилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар» деб номланувчи учинчи бўлимга киритилган барча жиноятларнинг *турдош объекти* иқтисодиёт соҳасидаги муҳим манфаатларни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Кўриб чиқилаётган жиноятларнинг *объектив томони* ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланади. Қонун чиқарувчи иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг зарурий белгилари сифатида маълум бир оқибатлар келтириб чиқиш шартлигини белгиловчи (моддий таркибли) ёки бундай оқибатлар келиб чиқишини назарда тутмайдиган жиноятларни (формал таркибли) қайд этган. Масалан, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг моддий таркибли турларида жиноятни тугалланган деб баҳолаш учун албатта қонун нормасида назарда тутилган муайян оқибатларнинг келиб чиққанлигини аниқлаш талаб этилади.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг формал таркибли турларида эса, жиноятни тугалланган деб ҳисоблаш учун қонун нормасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи қилмишларнинг содир этилганлигининг ўзи кифоя ҳисобланади. Масалан, босқинчилик (ЖК 164-м.) ўзганинг мулкани талон-торож қилиш мақсадида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатилган вақтдан бошлаб тугалланган деб топилади.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларда қилмиш ва келиб чиққан жиний оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш асосий аҳамиятга эгадир.

Сабабий боғланиш аниқланмаган ҳар бир ҳолат таҳлил этилаётган жиноят таркибини келтириб чиқармаслигини англатади.

Иқтисодиёт соҳасидаги айрим жиноятларнинг диспозициялари бланкет хусусиятга эга бўлган моддалардан ҳам иборат ҳисобланади. Хусусан, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 182-м.), рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 183-м.) ва бошқа шу каби жиноятларни квалификация қилишда бошқа ҳуқуқ тармоқларининг қонуний ҳужжатларига мурожаат қилиш зарурдир.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг *субъектив томони* ҳам қасд, ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилади. Таҳлил этилаётган жиноят таркибларининг кўп қисми айбнинг қасд шаклида содир этилишини назарда тутлади (ЖК 164–171, 173–186-м. ва бошқ.), бироқ мазкур жиноятлар қаторида айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ҳам ифодаланадиган жиноятлар ўз аксини топган (ЖК 172-м.).

Жиноятнинг мотив ва мақсадлари таҳлил этилаётган бир қатор жиноят таркибларининг (ёхуд уларнинг турларида) зарурий белгиси сифатида кўрсатилган (масалан, ЖК 164, 176, 179, 186, 186<sup>3</sup>-м. ва бошқ.).

Кўрилаётган жиноятларнинг *субъекти* ҳар қандай 16 ёшга тўлган шахс бўлиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, масалан, босқинчилик (ЖК 164-м.), товламачилик (ЖК 165-м.), талончилик (ЖК 166-м.) ва мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш (ЖК 173-м. 2–3-қ.) жиноятлари учун 14 ёшдан жавобгарликка тортилади.

Шу билан бирга, иқтисодиёт соҳасидаги алоҳида турдаги жиноятларнинг субъектлари махсус субъект белгиларига эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш (ЖК 175-м.), чет эл валютасини яшириш (ЖК 178-м.), сохта банкротлик (ЖК 180-м.), банкротликни яшириш (ЖК 181-м.), савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (ЖК 189-м.) жиноятларида субъектнинг умумий белгиларини аниқлаш билан бирга уларнинг қонун нормасида назарда тутилган қўшимча белгиларини ҳам аниқлаш шартдир.

Қонун чиқарувчи мамлакат иқтисодиёт манфаатларига тажовуз қилувчи бир қатор ижтимоий муносабатларни жинойий тажовузлардан ҳимоя қилади. Уларга ўзганинг мулки, иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни киритиш мумкин. Шу боис иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар бевосита объектига қилинган тажовузларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида гуруҳларга ажратилган. Улар қуйидагилардан иборат: 1) ўзгалар мулкни талон-торож қилиш (ЖК 164-169-м.); 2) ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар (ЖК 170-173-м.); 3) иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар (ЖК 175-185<sup>2</sup>-м.); 4) хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (ЖК 186-192-м.); 5) тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар (ЖК 192<sup>1</sup>-192<sup>11</sup>-м.).

Давлатга ёки фуқароларга етказиладиган зарар нафақат ўзгалар мулкани талон-торож қилиш натижасида, балки ўзганинг мулкани қонунга хилоф равишда эгаллаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам етказилиши мумкин. Уларда ўзганинг мулкани тўғридан-тўғри эгаллаш ҳолатлари мавжуд бўлмасида, аммо бу қилмишлар мулкый муносабатларнинг бузилиши ва фуқароларга жиддий хавф туғдиради, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг, жисмоний ва юридик шахсларнинг фойда ва даромад олишининг камайишига, йўққа чиқишига олиб келади.

*Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар* – бу Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган, Талон-торож – бу ҳуқуққа хилоф равишда, ўрнини қопламасдан, тамагирлик ниятида, мулкдорга зарар етказиб, ўзганинг мулкани айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар фойдасига эгаллаб олиши ёки ўтказиши тушунилади.

### **3-ўқув саволи. Бошқарув тартибига қарши жиноятлар**

Бошқарув тартибига қарши жиноятлар Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисми V бўлим, XV бобида ўз аксини топган бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

*Ҳокимият ёки мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш*, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, ЖКнинг 205-моддаси бўйича ҳуқуқий баҳоланади. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш ҳаракатлари: а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда; б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, ЖК 205-моддасининг иккинчи қисми билан жавобгарликка тортилади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш жиноятининг объекти – бошқарув тартиби. Объектив томони – ҳокимият ёки мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш натижасида, яъни мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишидир. Субъекти – махсус мансабдор шахс ёки мансабдор шахс. Субъектив томони – қасддан содир этилади.

*Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш*, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган қилмиш (ЖК 206-м.).

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш: а) жуда кўп

миқдорда зарар етказган ҳолда; б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, ЖКнинг 206-моддаси иккинчи қисми билан жавобгарликка тортилади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятининг объекти – бошқарув тартиби ҳисобланади. Объектив томони – ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни мансабдор шахснинг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида намоён бўлади. Субъекти – махсус мансабдор шахс ёки мансабдор шахс. Субъектив томони – қасддан содир этилади.

*Мансабга совуққонлик билан қараш*, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, ЖКнинг 207-моддаси биринчи қисми билан, шунингдек, ўша қилмишлар баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига (ЖК 207-моддаси иккинчи қисми) ёки а) одам ўлишига; б) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлса, ЖК 207-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Мансабга совуққонлик билан қараш жиноятининг объекти – бошқарув тартиби. Объектив томони – мансабга совуққонлик билан қараш, яъни мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишидир. Субъекти – махсус мансабдор шахс. Субъектив томони – эҳтиётсизлик орқасидан содир этилади.

*Ҳокимият ҳаракатсизлиги*, давлат органи мансабдор шахсининг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши лозим ёки мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, худди шунингдек бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилган бўлса, ЖКнинг 208-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги объекти – бошқарув тартиби. Объектив томони – ҳокимият ҳаракатсизлигининг, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки

жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, шунингдек бундай ҳаракатсизликнинг жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилишидир. Субъекти – махсус мансабдор шахс. Субъектив томони – қасддан содир этилади.

*Мансаб сохтакорлиги*, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса, мансаб сохтакорлиги деб топилади (ЖК 209-м. 1-қ.). Мансаб сохтакорлиги ҳаракатлари: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, ЖК 209-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ баҳоланмоғи лозим.

Мансаб сохтакорлиги жиноятининг объекти – бошқарув тартиби. Объектив томони – мансаб сохтакорлиги, яъни мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузишни тақдим этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлишида намоён бўлади. Субъекти – махсус мансабдор шахс. Субъектив томони – қасддан содир этилади. Аммо ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаганлиги квалификация қилишда асосий аҳамиятга эга бўлади.

*Пора олиш*, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши тушунилади (ЖК 210-м. 1-қ.).

Пора олиш жиноятининг оғирлаштирувчи белгилари қуйидагилардан иборат: а) такроран хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан; б) кўп миқдорда; в) тамагирлик йўли билан; г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганда (ЖК 210-м. 2-қ.). Шунингдек, ушбу ҳаракатлар: а) жуда кўп миқдорда; б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, Жиноят кодекси 210-моддасининг учинчи қисми билан квалификация қилинади.

Пора олиш жиноятининг объекти – бошқарув тартиби. Предмети эса моддий қийматликлар ёки мулкий наф қўриш имконини берувчи предметлар. Объектив томони – мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан



Ўзи ёки воситачи орқали қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ наф кўришида намоён бўлади. Субъекти – мансабдор шахс ёки масъул мансабдор шахс. Субъектив томони – тўғри қасддан содир этилади.

*Пора бериш*, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга ҳилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш пора бериш жинойти ҳисобланади (ЖК 211-м. 1-қ.).

Пора бериш жинойтининг оғирлаштирувчи белгилари: а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жинойтларни содир этган шахс томонидан; б) кўп миқдорда содир этилган бўлса (ЖК 211-м. 2-қ.), шунингдек ушбу ҳаракатлар: а) жуда кўп миқдорда; б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, ЖК 211-моддасининг учинчи қисми билан баҳоланади.

Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ёки бу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жинойтни очишда фаол ёрдам берган бўлса, бундай шахс жавобгарликдан озод

*Пора олиш-беришда воситачилик қилиш*, пора олиш-беришда воситачилик қилиш: а) ҳақ эвазига; б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида; в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, ЖКнинг 212-моддаси биринчи қисми билан жавобгарликка тортилади. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш ҳаракатлари: а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жинойтларни содир этган шахс томонидан; б) кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида; в) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда содир этилган бўлса, ЖКнинг 212-моддаси иккинчи қисми билан баҳоланадиган қилмиш ҳисобланади. Шундай ҳаракатлар: а) ҳақ эвазига; б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш билан; в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб; г) мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, ЖКнинг 212-моддаси учинчи қисми билан баҳоланади.

Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин, бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жинойтни очишда фаол ёрдам берса, жавобгарликдан озод қилинади (ЖК 212-м. 4-қ.).

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ**

1. Шахсга қарши жинойтларни турларга ажратинг.
2. Шахсга қарши жинойтлар бошқа жинойтлардан қайси хусусиятлари билан ажралиб туради.


3. Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни ўзаро фарқловчи белгиларини сананг.

4. ИИО ходимлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни сананг ҳамда уларни таркибини аниқланг.

### Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Фикрлар кетма-кетлиги”** ва **“CASE STUDY”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Ушбу методни қўллашдан олдин гуруҳ тингловчилари тенг кичик гуруҳчаларга бўлинади. Биринчи гуруҳ мавзуга оид битта умумий тушунчани айтиши лозим бўлади. Қолган гуруҳлар эса навбатма-навбат (ўзидан олдинги гуруҳнинг жавобларини такрорламаган ҳолда) ушбу тушунча тўғрисида биттадан фикр билдириши лозим бўлади. Биринчи гуруҳ томонидан берилган тушунча таҳлил қилиб бўлингач, кейинги гуруҳлар ўз тушунчаларини билдиришади, улар ҳам юқоридаги тартибда таҳлил қилинади.



#### “CASE STUDY” методи.

«CASE STUDY» (кейс стади) муайян вазиятлар орқали ўрганиш – тингловчиларни ўқитувчи белгилаб берган реал вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш таклифларини ишлаб чиқишга йўналтирилган метод. Муайян вазиятлар таҳлил индивидуал ёки кичик гуруҳларда амалга оширилиши мумкин.



Кейс тингловчиларга мавзу доирасида муаммони аниқлашга, уни ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳал этиш йўллари эркин излаш, таҳлил қилиш ва ҳуқуқий баҳо бериш кўникмаларини беради. Кейс таҳлил қилиш жараёнида тингловчилар бир-бирлари билан мулоқот қилишни коммуникацион ҳолатларини шакллантиради. Кейс стади тингловчиларнинг назарий билимларини амалиётда қўллаш, тадбиқ этишга асосланади.

Гуруҳ тингловчилари уч ёки тўрт гуруҳга тенг тақсимланади ва ҳар бир гуруҳга алоҳида муаммоли вазият берилади.

**1-муаммоли вазият.** Е. тунда кўп қаватли уйда жойлашган хонадонлардан бирига балкон орқали киради, уни сезиб қолган хонадон эгаларининг бош ва юз қисмларига темир бўлағи билан бир неча марта зарба беради. Олинган тан жароҳатлари натижасида Д. Вафот этади. Д нинг турмуш ўртоғи А га эса оғир шикаст етказилади.

Е эса хонадондан иккита уяли алоқа воситаси, икки дона тилла узук ва бир жуфт тилла зиракни қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинади.

**2-муаммоли вазият.** М. туғруқхонага мурожаат қилиб, навбатчи шифокорларга ўн кун олдин опаси А.нинг ўз уйида ўғил фарзанд дунёга келтирганини, сўнгра чақалоқни селлофан халтага ўраб, ҳожатхона учун қазилган ўрага ташлаб юборганини маълум қилган. Ички ишлар идораларига берилган хабардан сўнг чақалоқнинг жасади олиб чиқилган.

**3-муаммоли вазият.** Ўзларини коммунал, тиббиёт ёхуд ижтимоий таъминот хизмати ходимлари сифатида таништириб, кекса ёшдаги фуқароларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, уларнинг хонадонларига тўсиқсиз кириб, оғир тан жароҳати етказган ва мол-мулкни олиб кетган уюшган жинорий гуруҳ аъзолари Ж. ва Н.лар қўлга олинди.

**4-муаммоли вазият.** Т. мунтазам равишда маст ҳолатда уйига келиб, турмуш ўртоғи Г.ни таёқ билан қаттиқ дўппосларди. Г. турмуш ўртоғи Т. томонидан содир етилаётган навбатдаги дўппослаш азобларига чидай олмасдан, бинонинг олтинчи қавати деразасидан пастга ўзини ташлаб юборди. Олинган тан жароҳатлари натижасида Г. вафот етди.

Гуруҳларга юқоридаги муаммоли вазиятлар юзасидан қуйидаги вазифалар берилади:

1. ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш;
2. аниқланган жиноятларнинг таркибини аниқлаш;
3. аниқланган жиноятларни таснифланиш қоидасига кўра турларга ажратиш.

### **Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



### **Назорат учун саволлар:**

1. Баданга оғир тан жароҳати етказиш жинояти учун жавобгарлик.
2. Пора олиш жиноятининг жинорий-ҳуқуқий тавсифи.
3. Мулкка тажовуз қилувчи жиноятларнинг жинорий-ҳуқуқий тавсифи.
4. Мансаб соҳтакорлиги жиноятининг жинорий-ҳуқуқий тавсифи.
5. Ўғрилиқ жиноятининг жинорий-ҳуқуқий тавсифи.

#### 4.13-МАНВЗУ: ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

##### Маъруза машғулоти (2 соат)

###### Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Жиноят-процессуал қонунчилиги тизими, тузилиши.

2-ўқув саволи. Жиноят процесси принциплари ва уларнинг мазмун-моҳияти.

###### 1-ўқув саволи. Жиноят-процессуал қонунчилиги тизими, тузилиши.

1991 йил мустақилликга эришган мамлакатимиз босқичма-босқич миллий ҳуқуқий демократик тизимини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари асосида шакллантиришни Асосий қомусимиз – Конституциямиздан бошлаган эди. Шундан сўнг, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни муҳофаза қилувчи ва тартибга солувчи 3 та муҳим кодекслар яъни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги ўн олтинчи сессиясида қабул қилиниб, 1995 йилнинг 1 апрелидан қонуний кучга киритилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги жиноят-процессуал кодекси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартибини белгилайди.

Жиноят ишларини юритишнинг ушбу ЖПКда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир (1-м.).

Жиноят-процессуал қонунчилигининг **вазифалари** (2-м.) эса жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим.

Жиноят-процессуал қонунчилигининг вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиши (3-м.) – жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ олиб борилади.

Жиноят-процессуал қонунчилигининг чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан амал қилиши (4-м.) – чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган

жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ЖПКодексига мувофиқ олиб борилади.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ЖПКодекс Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро шартномалар ва битимларга зид келмайдиган ҳолларда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигини яхлит тизим сифатида тасаввур этиш мумкин, чунки унда акс этган нормалар бир-бири билан ўзаро алоқадор бўлган ҳуқуқий институтлардан иборат. Чунончи, жиноят-процессуал қонунчилигининг тўлиқ кодификация қилиниши ва ягона манба сифатида ЖПКодексига тўпланиши ушбу фикрнинг ёрқин далилидир. Жиноят-процессуал қонунчилигининг маълум қоидалар асосида тизимланиши нафақат унинг таркибий қисмларини тўғри аниқлаш, бевосита ҳуқуқни қўллаш жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлигини белгилаш, балки қонун ижодкорлиги фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўймаслик имкониятини беради.

Қонун чиқарувчи зарур ҳолларда янги жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини қабул қилиш орқали ЖПКодексининг амалдаги моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши мумкин. Дарҳақиқат, таъкидлаш жоизки, бунда жиноят қонунларининг тизимини ҳисобга олиш нафақат қонунчилик техникаси ва қонуннинг таркибий тузилишига риоя қилиш нуктаи назаридан, балки ўзаро мувофиқлик, уйғунлик ва мантиқ қоидаларига амал қилиш нуктаи назаридан ҳам муҳимдир. ЖПКодекси махсус тузилишга эга бўлиб, у қонун чиқарувчининг иродаси акс этган техник қоидаларга бўйсунувчи шаклдан иборат.

Таркиби ва тузилиши жиҳатидан ЖПКодекси икки: Умумий ва Махсус қисмдан, 14 та бўлимдан, 65(10та<sup>1</sup>)та бобдан, 609та моддадан иборат.

ЖПКнинг ушбу 2та қисмлари ўзаро алоқадор бирликни ташкил қилишига қарамай, улардаги боб ва моддалар маъно-мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Бинобарин, ЖПКнинг **умумий қисмида** 1-бўлим 1-боб, 1-моддадан 8-бўлим 40-боб 320-моддаларни ўз ичига олган қуйидаги: асосий қоидалар, жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари, вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиши, жиноят процесси принциплари, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар, жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари, ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар. ҳимоячилар ва вакиллар, бошқа шахслар, жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар, рад қилишлар, далиллар, исбот қилишнинг умумий шартлари, сўроқ қилишнинг умумий қоидалари, гумон қилинувчини, айбланувчини, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперимент, олиб қўйиш ва тинтув, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, экспертиза,

тафтиш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, нарсалар ва хужжатларни тақдим қилиш, ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш, жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш асослари ва чегаралари, ушлаб туриш, эҳтиёт чоралари, паспортнинг (ҳаракатланиш хужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш, лавозимдан четлаштириш, мажбурий келтириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш. Суриштирув, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик, жиноят процессида фуқаровий даъво, бошқа мулкий ундиришлар, мол-мулкни жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарга қайтариш, ҳукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш чоралари, реабилитация ва реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш тартиби, процессуал муддатлар, процессуал чикимлар ва уларни қоплаш каби жиноят-процессуал қоидалар ўз аксини топган.

**Махсус қисми** 9-бўлим 40<sup>1</sup>-боб, 320<sup>1</sup>-моддадан бошланиб 14-бўлим 65-боб 609-моддаларни ўз ичига олган қуйидаги: ишни судга қадар юритиш(ишни судга қадар юритиш, жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки тергов), биринчи инстанция судида иш юритиш, суд ҳукмлари, ажримларини қайта кўриб чиқиш, ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш, алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш, жиний суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик каби жиноят-процессуал норма ва қоидалар ўз аксини топган.

Умумий ва махсус қисмлар бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунончи, умумий қисмдаги процессуал нормалар асосида махсус қисмдаги моддалар билан жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Жиноят ишларини юритишда жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиб қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга хизмат қилади.

## **2-ўқув саволи. Жиноят процесси принциплари ва уларнинг мазмун-моҳияти**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-боби Жиноят процесси принциплари деб номланган бўлиб ўз ичига халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари талаблари асосида шакллантирилган 11 –27-моддаларни қамраб олган жами 17 та моддада акс эттирилган жиноят процессининг принциплари қайд этилган.

Принципларни кўриб чиқиб таҳлил қиладиган бўлсак:

1) **Қонунийлик** (11-м.) Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон

Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт.

Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жинойт процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

**2) Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши (12-м.)** Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жинойт ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади. Бу талаб Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида ҳам белгиланган.

**3) Жинойт ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш (13-м.)** Жинойт ишлари ҳайъатда кўрилади, Жинойт кодекси 15-моддасининг иккинчи — тўртинчи қисмларида назарда тутилган жинойтлар тўғрисидаги ишлар эса, судья томонидан якка тартибда кўрилади.

Агар судья томонидан якка тартибда кўриб чиқиладиган жинойт иши бўйича суд муҳокамаси вақтида Жинойт кодекси 15-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган жинойтлар содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ишнинг кўрилиши уни якка тартибда кўриб чиқишни бошлаган судья томонидан давом эттирилади.

**4) Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши (14-м.)** Одил судловни амалга оширишда судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ҳамда фақат қонунга бўйсундилар. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари жинойт ишларини қонун асосида кўриб чиқадилар ва ҳал қиладилар.

Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**5) Жинойт ишини кўзғатишнинг муқаррарлиги (15-м.)**

Прокурор, терговчи ва суриштирувчи жинойт аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жинойт ишини кўзғатишлари, жинойий ҳодисани, жинойт содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт.

**6) Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш (16-м.)**

Жинойт ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

**7) Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш (17-м.)**

Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

8) **Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш**(18-м.) Жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт.

Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Суд ва прокурор қонунга ҳилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёхуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ёхуд уй қамоғида бўлган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиши шарт.

9) **Судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши** (19-м.)

Барча судларда жиноят ишлари ошкора кўрилади, бундан давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган ҳоллар, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилаётган ҳоллар мустасно.

Судларда жиноят ишларини ошкора кўриш суднинг ташаббуси билан ёки жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра аудио- ва видеоёзудан фойдаланган ҳолда, шунингдек видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин.

10) **Жиноят ишлари юритиладиган тил** (20-м.)

Жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

11) **Жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки** (21-м.) Жиноят иши бўйича тергов олиб бориш ва ишни судда кўриш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаб олиш, айбдорларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга ҳақлидир.

12) **Ҳақиқатни аниқлаш** (22-м.)

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

13) **Айбсизлик презумпцияси** (23-м.)

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.(ЎзР Конституцияси 26-м. ЎзР «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 10-м.)

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас.

14) **Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш** (24-м.)

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни



тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади.

### **15) Судда ишларни юритишда тортишув (25-м.)**

Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади. Иш судда кўрилаётганда айбланиш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

Биринчи инстанция судида иш юритиш фақат айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурулов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор мавжуд бўлганда бошланиши мумкин.

### **16) Далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш (26-м.)**

Жиноят ишини юритишни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни бевосита текширишлари: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишлари, эксперт ҳулосаларини эшитишлари, ашёвий далилларни кўздан кечиришлари, баённома ва бошқа ҳужжатларни ўқиб эшитиришлари шарт. Ушбу Кодексда назарда тутилган алоҳида ҳоллардагина бу қоидалардан четга чиқишга йўл қўйилиши мумкин.

### **17) Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи (27-м.)**

Процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ушбу Кодексда белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маҳкум (оқланган шахс), унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари биринчи инстанция судининг ҳукми (ажрими) устидан апелляция ёки кассация тартибда шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидир.

Демак, мазкур жиноят процесси принципларга тўлиқ риоя этиш қонунийликка амал қилиш ҳисобланади. Аксинча ушбу принципларга амал қилмаслик қўпол қонунбузарлик ҳисобланади.

## **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ**

1. Жиноят процессуал қонунчилиги тузилиши деганда нимани тушунаси?
2. Жиноят процесси босқичлари ва уларнинг муддатлари.
3. Принцип сўзининг маъноси?
4. Жиноят процессуал қонунчилиги принципларини турларга ажратинг.

## Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“True or false”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Чет тилини ўрганишдаги машхур методлардан бири “Рост ёки ёлғон” методи ҳисобланиб, ушбу метод тингловчилардан мавзуга оид берилган жумлаларни тўғри ёки нотўғрига ажратишларини талаб қилади. Ҳар қайси жавоб ҳуқуқий жиҳатдан исботлаб берилиши лозим.



Ушбу методдан яқка тартибда ҳам кичик гуруҳларга бўлган ҳолда ҳам фойдаланиш мумкин. Албатта, жуда муҳим шарт тингловчиларнинг мавзуга оид адабиёт ва тарқатмалар билан таъминланганлиги.

Т/р	Мазмун
1.	Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ олиб борилади.
2.	Прокурор биринчи инстанция судининг ҳукми (ажрими) устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят беришга ҳақлидир.
3.	Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни аста ва қисман очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатсиз жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.
4.	Одил судловни амалга оширишда судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ҳамда фақат Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсундилар.
5.	Қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ барча ишлар судда ошкора кўрилади.
6.	Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт.
7.	Прокурор судда ҳам айбловчи ҳам ҳимоячи сифатида қатнашиши мумкин.
8.	Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ЖПКга мувофиқ олиб борилади.
9.	Айбланувчи - жиноят содир этишда айбдор шахс.
10.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Фуқаролик-процессуал кодекси билан белгиланади.
11.	Жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

12.	Жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади, Жиноят кодекси оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар эса, судья томонидан яқка тартибда кўрилади.
13.	Жиноят ишларини юритиш давлат тилида олиб борилади.
14.	Пора олиш билан боғлиқ жиноятларни прокуратура кўриб чиқиб жазо қўллаши мумкин.
15.	Ёпиқ суд мажлисини аудио- ва видеоёзувга олиш амалга оширилмайди.
16.	Ҳеч ким прокурор санкциясига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.
17.	Гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга.
18.	Терговчи ва тезкор вакил айбланувчидан маълумот олишнинг иложи бўлмаганда маълумотларни қийноқ йўли билан олиши мумкин.
19.	Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас.
20.	Ёшлар иттифоқи вакиллари жиноят ишини юритишда жамоат айбловчилари ҳамда жамоат ҳимоячилари тариқасида қатнашишга ҳақлидир.
21.	Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.
22.	Жиноят ишларини юритишнинг ЖКда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир.

### **Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



### **Назорат учун саволлар:**

1. Жиноят-процессуал қонунчилиги тузилиши.
2. Жиноят-процессуал қонунчилиги принципларининг аҳамияти.
3. Жиноят-процессуал қонунининг макон бўйича амал қилиши.
4. Жиноят-процессуал қонунининг вақт бўйича амал қилиши.

## 4.14-МАВЗУ: ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Маъруза машғулоти (2 соат)

**Машғулот режаси:**

**1-ўқув саволи.** Жиноят процесси иштирокчилари ва уларнинг таснифи.

**2-ўқув саволи.** Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳамда уларнинг процессуал ваколатлари.

**3-ўқув саволи.** Жиноят ишида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларнинг процессуал мақоми. Ҳимоячи ва вакиллар.

**1-ўқув саволи. Жиноят процесси иштирокчилари ва уларнинг таснифи**

Жиноят процессининг иштирокчилари жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва жиноят-процессуал муносабатларга киришиш учун ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган органлар ва шахслардир. Уларга қуйидагилар киради: **суд, прокурор, терговчи, суриштирув органлари, айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар ва жавобгар, эксперт, таржимон ва ҳ.к.**

Жиноят процессининг иштирокчилари қандай талабларга жавоб бериши кераклиги масаласида ҳам ягона ёндашув йўқ (фақат жиноят ишида ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ёки ўзлари вакили бўлиб қатнашаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларгина жиноят процессининг иштирокчилари бўлиб ҳисобланади, чунки улар жиноят ишини юритишда фаол иштирок этишларига имкон берувчи муайян процессуал ҳуқуқларга эгадирлар). Уларга айбланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси ёхуд жиноят-процессуал функцияларни (ишни тергов қилиш, ҳимоя қилиш, ишни моҳияти бўйича ҳал қилиш) функцияларини бажарувчи барча субъектлар, яъни суд, прокурор, терговчи, суриштирув органи, айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи киради.

«Жиноят процесси иштирокчилари»нинг кенгроқ тушунчаси ҳам мавжуд. Унга биноан, ушбу иштирокчилар қаторига жиноят процессида амалда иштирок этадиган, бунда процессуал ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўладиган барча шахслар киритилади, чунки бу ҳол жиноят процесси соҳасидаги ҳақиқий аҳволни акс эттиради ҳамда ҳозирги замон процессуал назариясига мос келади.

Албатта, процесс иштирокчиларининг тутган ўрни бир хил эмас. Уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми, шунингдек ваколатлари ва ишда қатнашиш шакллари ҳам турлича. Қонунда санаб ўтилган субъектларнинг барчаси ҳам муайян ишнинг юритилишида муқаррар тарзда доимо иштирок этмайди.

Масалан, жиноят процессида ҳатто жабрланувчи ёки ҳимоячи ҳам бўлмаслиги мумкин. Гумон қилинувчининг иштироқи эса баъзан жуда

чекланган вақт давом этади. Шунга қарамай, вазифаси ва жиноят ишидаги иштирокининг мазмунига кўра улар жиноят процессининг иштирокчилари ва, бинобарин, субъектларидирлар.

Қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий адабиётни таҳлил қилиш жиноят процессининг иштирокчилари, биринчидан, қонунда кўрсатилган; иккинчидан, муайян процессуал функцияларни бажаришда иштирок этадиган; учинчидан, қонунга кўра тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахслар эканлиги ҳақидаги хулосага олиб келади.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини билиш улкан амалий аҳамиятга эга. Фуқароларнинг субъектив жиноят-процессуал ҳуқуқлари одил судлов вазифаларини муваффақиятли бажаришга кўмаклашади. Аксинча, суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суднинг процесс иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришдан иборат ўз вазифаларини бажармасликлари қонунийликнинг бузилишига олиб келади.

Жиноят процессининг иштирокчиларини, вазифалари ва манфаатларидан келиб чиқиб, тегишлича таснифлаш мумкин. ЖПКнинг иккинчи бўлимида жиноят процесси иштирокчиларининг тугалланган рўйхати ва таснифи берилганлиги боис ушбу вазифа осонлашади.

Мазкур бўлимнинг **III боби** жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар – суд, судья ва халқ маслаҳатчилари, суд мажлисининг котиби, прокурор, терговчи ва суриштирув органининг фаолиятига бағишланган.

**IV бобда** жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари, жумладан, жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари тавсифланади.

**V бобда** жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар (айбланувчилар, гумон қилинувчилар, жабрланувчилар, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари) ҳақида сўз юритилади. Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам шу бобда тартибга солинган.

Нихоят, **VI бобда** жиноят процесси иштирокчиларининг яна бир катта гуруҳи ҳақида сўз боради. Булар жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслардир. Қонунга биноан, улар қаторига гувоҳ, гувоҳнинг адвокати, эксперт, мутахассис, таржимон, холис киритилади.

**2-ўқув саволи. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳамда уларнинг процессуал ваколатлари**

Жиноят-процессуал фаолият иштирокчилари орасида, аввало, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи ва қонунга кўра муайян ваколатларга, жумладан, давлат мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган **давлат органлари** ажратилади.

Суд – иш бўйича жиноят процессининг натижасини белгиловчи асосий орган ҳисобланади. ЖПКнинг 28-моддасига биноан, Ўзбекистон

Республикасида одил судловни Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади.

Жиноят ишини кўришда ушбу суд таркибига тайинланган ёки сайланган судьялар ва халқ маслаҳатчилари қатнашадилар. Судья якка тартибда ёки хайъатда иш тутиб, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади. Бундан ташқари, судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш билан боғлиқ ҳаракатларни бажаради, суд мажлисида раислик қилади ҳамда бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширади.

Суд мажлисида суд ишни мазмунан, яъни судланувчининг айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги ҳақидаги масалани ҳал қилади. Бунда суд мажлисида иштирок этувчи шахсларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини суд уларни асосли деб тан олган тақдирда эътиборга олади, акс ҳолда рад этади.

Ушбу масалаларни ҳал қилишда суд жиноят процессининг иштирокчиларидан, хусусан, прокурордан қанчалик мустақил эканлиги ҳақида қонуннинг қуйидаги қондасига қараб хулоса қилиш мумкин. Агар прокурор суд мажлисида айбловдан воз кечса, бу суд муҳокамасининг тугатилишига ва оқлов ҳукми чиқарилишига олиб келмайди. Суд ишни кўриб чиқишда давом этади ва суд терговининг барча материалларига мувофиқ ҳукм чиқаради. Ҳукм айблов ёки оқлов ҳукми тарзида бўлиши мумкин.

Суд ўз мажлисида дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган ёки қонунни бузиб ўтказилган деб тан олиши ва жиноят ишини қўшимча терговга юбориш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Суднинг қонуний кучга кирган ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча давлат ва жамоат муассасалари, корхоналар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, республиканинг бутун ҳудудида бажарилиши лозим.

**Суд мажлисининг котиби** ЖПКнинг 32-моддасига мувофиқ, раислик қилувчининг топшириғига биноан жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун тайёрлайди; суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида процесс иштирокчиларига хабар беради; судга чақирилган процесс иштирокчиларининг келган-келмаганлигини текширади ва ҳозир бўлмаган шахсларнинг келмаганлиги сабабини аниқлаб, бу ҳақда судга маълум қилади; суд мажлислари баённомасини ёзиб боради; раислик қилувчининг суд муҳокамасини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа топшириқларини бажаради.

**Прокурор** суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъий назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт. У ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори кўрсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади (ЖПК 33-моддаси).

### **Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар**

Терговга қадар текширув қўйидагилар томонидан амалга оширилади:

- 1) ички ишлар органлари;
- 2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ёхуд ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича;
- 3) давлат хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар худудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича;
- 5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича;
- 6) чегарани қўриқлаш органлари — давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;
- 7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;
- 8) давлат божхона хизмати органлари — божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганликка доир ишлар бўйича;
- 9) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари — бюджет, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонунчиликни бузганликка доир ишлар, шунингдек электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича;
- 10) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд қарорини бажармасликка, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича;
- 11) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича.
- 13) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — қонун билан уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича.

14) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати — унинг юритувига тааллуқли ишлар бўйича.

### **3-ўқув саволи. Жиноят ишида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларнинг процессуал мақоми. Ҳимоячи ва вакиллар**

Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахсларга айбланувчи, гумон қилинувчи, уларнинг ҳимоячилари ва вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари киради.

**Айбланувчи** жиноят-процессуал ҳужжатларда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир (ЖПКнинг 45-моддаси).

Айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса маҳкум ёки оқланган шахс деб аталади.

Айбланувчи кенг доирадаги процессуал ҳуқуқларга эга. Терговчи, прокурор ва суд унинг ушбу ҳуқуқларини таъминлашлари шарт, бу эса айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш учун кафолатдир.

**Гумон қилинувчи** жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради (ЖПК 47-моддаси).

Гумон қилинувчи ўзининг процессуал ҳолатига кўра айбланувчига яқин туради. Худди айбланувчи каби, у ЖПКнинг 48-моддасида белгилаб қўйилган муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

**Жабрланувчи** деб - жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, жабрланувчи сифатида эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор – қарор, суд эса – ажрим чиқаради.

Жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этади (ЖПК 54-моддаси).

**Фуқаровий даъвогар** деб жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг жамоат учун хавfli қилмиши шахсга, корхонага, муассасага ёки ташкилотга мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса, улар фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этилади. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

**Фуқаровий жавобгар** деб айбланувчи томонидан ёки ижтимоий хавfli қилмиш содир этган ақли норасо шахс томонидан етказилган зарар учун қонунга кўра мулкий жавобгар шахс, корхона, муассаса ёки ташкилот ишда фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этиш учун жалб қилиниши мумкин.



Фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради (ЖПК 58-моддаси).

**Қонуний вакил** ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади.

Ишда қонуний вакил сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ва судланувчининг қонуний вакили ишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан бирга, жабрланувчининг қонуний вакили эса жабрланувчи билан бирга, шунингдек унинг ўрнида ҳам иштирок этади.

**Ҳимоячи** гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга оширишга ҳамда уларга керакли юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Ишда ҳимоячи сифатида: адвокатлар; ҳимоячи сифатида қатнашиш учун махсус рухсатномага эга шахслар; жамоат бирлашмаларининг ўз аъзоларининг ишлари бўйича вакиллари қатнашишлари мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари, шунингдек бошқа шахслар ҳимоячи сифатида иштирок этишига терговчининг қарори ва суд ажрими бўйича йўл қўйилиши мумкин.

Ҳимоячининг ишда иштирок этишига фуқарога айблов эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон қилинган пайтдан ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб рухсат этилади (ЖПК 49-моддаси).

Жамоат бирлашмаларини жамоат ҳимоячилари билан чалкаштирмаслик лозим: жамоат ҳимоячилари фақат судда иштирок этишлари мумкин, жамоат бирлашмаларининг вакиллари бўлган ҳимоячилар эса дастлабки терговда ҳам иштирок этишга ҳақлидирлар. Жамоат бирлашмаси ушбу бирлашма ёки жамоанинг фикрини билдиради. Жамоат ҳимоячиси эса жиноят ишида ўз номидан қатнашади.

Ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ**

1. Жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар.
2. Гувоҳлик иммунитети.

3. Жиноят процесси иштирокчиларининг қандай гуруҳларга бўлинишини тушунтиринг.

4. Иштирокчиларнинг жиноят процесси босқичларида қатнашишига асосан турларга ажратинг.

### Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Тушунчалар таҳлили”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу бўйича таянч тушунча (глоссарий) ларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.



Бунда жадвал кўринишидаги тарқатма ёки слайдда тушунчалар бир устунга, уларнинг мазмуни эса чалкаштирилган ҳолда иккинчи устунга жойлаштирилади. Тушунчалар мазмуни алфавит ҳарфлари билан белгиланади, тингловчилардан тушунчаларга мос мазмунларни аниқлаш талаб қилинади.

Т/р	Тушунча	Т/б	Мазмуни
1.	жабрланувчи	А	суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади
2.	Терговчи	Б	маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етган шахс
3.	Прокурор	С	ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинган шахс
4.	Қонуний вакил	Д	Жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс
5.	Айбланувчи	Е	Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс
6.	Гумон қилинувчи	Ф	айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига беришни танлаш ҳақида илтимос қилишга ҳақли
7.	Судланувчи	Г	гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахс
8.	Гувоҳ	Х	гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар

			ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса ёинки қар ёки соқов бўлса қақириладиган шахс
9.	Ҳолис	<b>И</b>	жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахс
10.	Таржимон	<b>Ж</b>	суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ЖПКда назарда тутилган ҳолларда қақириладиган шахс
11.	Эксперт	<b>К</b>	айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахс
12.	Химоячи	<b>Л</b>	суд мажлисида судланаётган шахс
13.	Жамоат бирлашмалари	<b>М</b>	жиноят ишини кўзғатишга ва тугатишга, ишни кўзғатишни рад этишга; жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилишга ваколатига эга шахс

### Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



### Назорат учун саволлар:

1. ИИОларида жиноятга оид ариза ва ҳабарларни кўриб чиқиш тартиби.
2. Процесс иштирокчиларининг турлари.
3. Жиноятларни кўриб чиқиш жараёни босқичлари.
4. Гумон қилинувчи тушунчаси ва унинг ваколатлари.
5. Айбланувчи тушунчаси ва унинг ваколатлари.
6. Жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

## 4.15-МАВЗУ: ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ

### Маъруза машғулоти (2 соат)

#### Машғулот режаси:

**1-ўқув саволи.** Жиноят процессуал мажбурлов чоралари ва уларнинг аҳамияти.

**2-ўқув саволи.** Эҳтиёт чораларининг турлари, уларни қўллаш асослари ва процессуал тартиби.

**1-ўқув саволи.** Жиноят процессуал мажбурлов чоралари ва уларнинг аҳамияти

Жиноят процессида мажбурлов чоралари қонуннинг бажарилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий мажбурлов чораларининг тури сифатида фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Мажбурлов деярли барча ҳолларда жисмоний куч ишлатишни эмас, шахснинг хоҳишига қарши, унинг манфаатларига зид равишда кўриладиган чора-тадбирлардан иборат. **Айбланувчи ва гумон қилинувчининг хат-ёзишмаларига ҳибс солиш, тинтув вақтида эшикни ёки қулфни бузиш ҳам ўз моҳиятига кўра мажбурлов чоралари қаторига киради. Ҳатто, суд залидан чиқариб юбориш мажбурлов характериға эға. Бухақда кўп муаллифлар алоҳида таъкидлайдилар.**

Бундай чекловларнинг императив хусусияти жиноятларни очиш, муайян шахснинг содир этилган жиноятга алоқадорлик далилларини аниқлаш ва тегишли равишда уни жиноий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ жиноят-процессуал вазифалардан келиб чиқади. Жиноят-процессуал фаолият, аввало, давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланадиган фаолият сифатида амалга оширилади ва ушбу мажбурлов тегишли процессуал мажбурлов чораларида ўз ифодасини топадики, улар жиноят процесси у ёки бу иштирокчисининг ноқонуний ва ғайриҳуқуқий манфаатларига контрадиктор (қарши) муносабатда бўлади. Айнан шу боис жиноят-процессуал фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига жиноят процесси вазифаларини муваффақиятли ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида турли мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ кенг процессуал ваколатлар берилган.

Мажбурлов чоралари ўзининг мазмуни ва оқибатлари бўйича фарқланадиган тегишли ҳокимият ҳаракатларида амалга оширилиши мумкин. Суд мажлисида тартибни бузган, раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаган ёки судни беҳурмат қилган тақдирда тартиббузарга нисбатан ЖПКнинг 272-моддасига мувофиқ чоралар қўлланилади.

Суд мажлиси залидан чиқариб юборилган шахс (судланувчи, айбловчи ва ҳимоячи бундан мустасно) раислик қилувчи чиқарган ажримига асосан шу жойнинг ўзида маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ажрим суд мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Жиноят ишини юритишда Жиноят кодексининг 230-241 моддаларида назарда тутилган одил судловга қарши жиноятларни содир этган

суриштирувчи ёки терговчи ЖПКнинг умумий қоидалари бўйича жавобгарликка тортиладилар. Бу одил судловга қарши жиноятларни содир этган процесс иштирокчиларига нисбатан жиноят иши қўзғатилишини ва улар жиноий жавобгарликка тортилишини билдиради.

Процессуал мажбурлов чоралари жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жиноий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш учун зарур бўлган тақдирда қўлланилишини таъкидлаш зарур (ЖПК 213-м.).

Жиноят процессида процессуал мажбурлов чораларига қуйидагилар киради:

- ушлаб туриш;
- эҳтиёт чоралари;
- лавозимдан четлантириш;
- мажбурий келтириш;
- шахсни тиббий муассасага жойлаштириш;
- шахсни тиббий муассасага жойлаштириш.

**Ушлаб туриш** деганда, гумон қилинувчини қисқа муддатга озодликдан маҳрум этиб, вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштиришдан иборат процессуал мажбурлов чораси тушунилади. Ушлаб туриш учун асос бўлиб муайян шахснинг жиноят содир этишда иштирок этганлигини тасдиқловчи фактик маълумотлар хизмат қилади. ЖПКнинг 221-моддасида ушлаб туришнинг асослари келтирилган ва уларга қуйидагилардан иборат:

1) шахснинг жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушиши;

2) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчиларнинг уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатишлари;

3) гумон қилинувчининг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол изларининг топилиши;

4) шахсни жиноят содир қилишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, унинг қочмоқчи бўлаётганлиги ёки доимий яшайдиган жойининг йўқлиги ёхуд шахси аниқланмаган бўлиши.

Бундан ташқари, гумон қилинувчи озодликда қолса, терговдан яшириниши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал бериши ёки жиноий фаолиятини давом эттириши мумкинлиги борасида реал хавф мавжудлиги – ушлаб туришнинг мотивидир.

Гумон қилинувчини ушлаш ҳуқуқига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд, шунингдек ҳар қандай муомала лаёқатига эга бўлган шахс эга.

Ушлаб туриш муддати ушланган милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб кўпи билан етмиш икки соатни ташкил этади. Терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли

асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда қирқ саккиз соатга узайтирилиши мумкин. Ушлаб туриш муддати тугагунга қадар ва асослар мавжуд бўлганда шахс айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши, унга айб эълон қилиниши, ЖПКнинг 109-112-моддаларида қоидалар бўйича сўроқ қилиниши ва ЖПКнинг 236-240-моддалари қоидаларига амал қилган ҳолда эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги масала ҳал қилиниши зарур. Алоҳида ҳолларда ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун ичида айб эълон қилиниши лозим. Акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилиниб, шахс қамоқдан озод қилинади. Жиноят иши қўзғатилганидан кейин ва ушлаб туришнинг бутун муддати мобайнида ишни юритиш тааллуқли бўлган суриштирувчи ва терговчи жиноятни содир этиш ҳолатларини аниқлаш, ушлаб туришнинг асосли эканини текшириш учун ўз ваколатлари доирасида тергов ҳаракатлари ўтказишлари мумкин.

**Лавозимдан четлаштириш** – процессуал мажбурлов чораларининг бир тури бўлиб, айбланувчи ёки судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар бўлганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан қўлланилади. Лавозимдан четлаштириш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Суриштирувчи ва терговчининг бу тўғридаги қарорига прокурор розилик бериши лозим.

Айбланувчини ёки судланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим корхона, муассаса, ташкилот раҳбари учун мажбурий бўлиб, у қарор ёки ажримни олгач, уни зудлик билан ижро этиши ва айбланувчи ёки судланувчини лавозимдан четлаштириш ҳақида қарор ёки ажрим чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга бу ҳақда хабар бериши шарт.

**Мажбурий келтириш** – гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг, гувоҳнинг процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, уларнинг узрсиз сабабларга кўра, келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда, қўлланилади. Чунки жиноят ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шарт. Узрсиз сабабларга кўра келмаганлари тақдирда, улар мажбурий келтириладилар.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор мажбурий келтириш тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарор ёки ажримда: мажбурий келтирилиши керак бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; унинг процессуал мавқеи; яшаш ёки иш жойи; мажбурий келтириш учун асослар; шахсни қаерга ва қачон олиб келиш кераклиги; мажбурий келтириш кимга топширилганлиги кўрсатилиши шарт.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ижро этиш учун иш юритилаётган жойдаги ички ишлар органига топширилади. Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни топган ички ишлар органининг ходими уни қарор ёки ажрим билан таништириб, тилхат олади ва мазкур қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга олиб келади. Бунда қарорга (ажримга) шахс топилган вақт ва жой, у келтириб топширилган вақт, шунингдек унинг мажбурий келтирилиши билан боғлиқ ариза, шикоят ва илтимослар ҳақидаги маълумотнома илова қилиниши лозим.

**Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш** – суд-тиббиёт ёхуд суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда, стационар кузатув зарурати бўлган ҳолларда айбланувчи ёки судланувчига нисбатан (улар озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этганликда айбланаётган бўлса) суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан қўлланилади. Руҳий ҳолати айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно этадиган шахс ҳам, агар айнан унинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлигига етарлича далиллар мавжуд бўлса, экспертиза ўтказиш учун психиатрия муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш суриштирувчи ёки терговчининг прокурор розилик берган қарорига, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига асосан амалга оширилади. Айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахснинг тиббий муассасада бўлган вақти қамоқда сақлаш муддатига қўшиб ҳисобланади. Ушбу шахс тиббий муассасага бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштирилиши мумкин.

**Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш.** Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш, унинг бундан кейинги жиноий фаолиятининг олдини олиш, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Айбланувчи ёки судланувчи паспортдан (ҳаракатланиш ҳужжатидан) фойдаланиб, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиши ёки хорижда ҳаракатланиши мумкин, деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, мазкур паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши тўхтатиб турилиши мумкин.

Айбланувчи паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги масала ушбу бобда белгиланган тартибда, судланувчи паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги масала эса, ЖПКнинг 423-моддасида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш фақат давлатлараро ёки халқаро қидирув эълон қилинган айбланувчига ёки судланувчи шахсга нисбатан қўлланилади.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тугатишга ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳуқуқий мақомини бекор қилишга сабаб бўлмайди.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш деганда паспортнинг, биометрик паспортнинг, хорижга чиқиш учун биометрик паспортнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилишини вақтинчалик тўхтатиб туриш тушунилади.

## **2-ўқув саволи. Эҳтиёт чораларининг турлари, уларни қўллаш асослари ва процессуал тартиби**

Қонун суриштирув, дастлабки терговни ўтказувчи органлар, шунингдек суд ихтиёрига айбланувчиларнинг шахсий эркинлигини чеклайдиган, уларнинг янги жиноятлар содир этишга, жиноят изларини яширишга қаратилган ҳаракатларига чек қўядиган процессуал мажбурлов чораларини берган. Ушбу чоралар эҳтиёт чоралари деб аталади. ЖПКда уларга муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш, шахсий кафилик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафилиги, гаров, қамоққа олиш, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви каби чоралар киритилган.

Тинтув, гувоҳлантириш каби эҳтиёт чоралари ҳам мажбурлов чоралари ҳисобланади. Аммо ушбу чоралар ўртасида муайян фарқ мавжуд бўлиб, улар:

- мажбурлов хусусияти бўйича;
- мақсадга мувофиқлиги бўйича;
- ушбу чоралар қўлланиладиган шахслар бўйича фарқланади.

Эҳтиёт чораларини қўллашда мажбурлов айбланувчининг шахсий эркинлигини (ҳаракатланиш эркинлигини ва ш.к.) чеклаш ёки камайтиришда намоён бўлади. Улар айбланувчининг суриштирув органлари, тергов ва суддан яширинишига, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал беришига, жазони ўташдан бўйин товлашига, жинойий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш мақсадида қўлланилади. Бошқа мажбурлов чоралари, масалан, тинтув, бошқа мақсадларга хизмат қилади. У иш бўйича далилий аҳамиятга эга бўлган нарса ва ҳужжатларни аниқлаш мақсадида қўлланилади.

ЖПКнинг 234-моддасига мувофиқ, эҳтиёт чораси фақат айбланувчилар, судланувчилар, маҳкумларга ва муомала лаёқатига эга эмас деб топилган ёки жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Бошқа мажбурлов чоралари – тинтув, ашёларни олиб қўйиш, мажбуран ушлаб келиш – нафақат айбланувчи ёки гумон қилинувчига, балки бошқа шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда **ушлаб турилган** гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан **қамоққа олиш** тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун ичида айб эълон қилиниши лозим. Акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилиниб, шахс қамоқдан озод қилинади (ЖПК 226-м.).



Жиноят иши қўзғатилганидан кейин ва ушлаб туришнинг бутун муддати мобайнида ишни юритиш тааллуқли бўлган суриштирувчи ва терговчи жиноятни содир этиш ҳолатларини аниқлаш, ушлаб туришнинг асосли эканини текшириш учун ўз ваколатлари доирасида тергов ҳаракатлари ўтказишлари мумкин.

### **Эҳтиёт чораларининг турлари ва уларнинг тавсифи.**

Эҳтиёт чораларига қўйидагилар киради: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш; шахсий кафиллик; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; қамоққа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви.

**Муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат** айбланувчи, судланувчининг суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёки судга терговдан ва суддан яширинмаслиги, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги, жинойий фаолият билан шуғулланмаслиги, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақируви бўйича етиб келиш ҳақида берган ёзма мажбуриятдир. Тилхат бераётган шахс суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг рухсатисиз ушбу аҳоли пунктдан чиқиб кетмаслик ва мазкур аҳоли пункти доирасида турар жойини ўзгартирганда бу ҳақда хабар бериш мажбуриятини олади.

Айбланувчи, судланувчи берган мажбуриятини бузган тақдирда унга нисбатан қаттиқроқ эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳақда у тилхат олинаётганида огоҳлантирилади.

Тилхат бериш шаклидаги эҳтиёт чорасининг моҳиятини яшаб турган аҳоли пунктдан чиқиб кетмаслик ҳақидаги тилхат ташкил қилган илгари амалда бўлган 1959 йилги ЖПКнинг 75-моддасидан фарқли равишда амалдаги ЖПКнинг 250-моддасида айбланувчи ёки судланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга берадиган ёзма мажбуриятда мавжуд бўлган чекловлар анча кенг талқин этилади.

**Шахсий кафиллик** эҳтиёт чорасининг моҳияти шундаки, ишонч туғдирадиган шахслардан улар гумон қилинувчи ёки айбланувчининг муносиб хулқ атворда бўлиши, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ҳақида ёзма мажбурият олинади.

ЖПКда шахсий кафиллик нафақат айбланувчининг органларга келишини таъминлаш воситаси, балки айбланувчи ёки гумон қилинувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлаш воситаси сифатида ҳам қаралади. Муносиб хулқ-атворда бўлиш деганда, айбланувчининг бошқа жиноят, шунингдек ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилувчи ҳаракатлар содир этмаслиги тушунилади.

Шахсий кафиллик эҳтиёт чораси танланганда кафиллар сони қанча бўлишини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд белгилайди. Камдан-кам ҳолларда алоҳида ишончга эга бўлган битта шахс ҳам кафил бўлиши мумкин.

**Жамоат бирлашмаси ёки жамоа** ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахсни кафилликка олиш

тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли бўлиб, ўз қарорини айбланувчининг, судланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканлиги тўғрисидаги ёзма мажбурият тарзида баён қилади. Бу мажбурият суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга тақдим қилинади, улар жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг қарорига рози бўлсалар, шундай эҳтиёт чорасини танлаб, бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқарадилар. Айни вақтда жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилига ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига эса, башарти хулқ-атвори номуносиб бўлса, эҳтиёт чораси оғирроғи билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилгани тўғрисида баённома тузилади.

Айбланувчи, судланувчи бошқа ишга ўтган ёхуд истиқомат жойини ўзгартирган тақдирда жамоат бирлашмаси ёки жамоа бу ҳақда эҳтиёт чорасини танлаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга дарҳол хабар бериши шарт. Бундай ҳолларда жамоа кафиллиги бекор қилинади ва бошқа эҳтиёт чораси билан алмаштирилиши мумкин. Айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атвори номуносиб бўлган тақдирда жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафилликдан воз кечишга ҳақлидир.

Жамоат бирлашмасининг кафиллиги жамоатчиликнинг жиноят процессида иштирок этиши шаклларида биридир. Лекин эҳтиёт чораси сифатидаги жамоат бирлашмасининг кафиллигини унча хавфли бўлмаган жиноятни содир этган шахсни жамоат бирлашмаси ёки меҳнаткашлар жамоаси оталиғига беришдан фарқлаш лозим. Оталиққа берилганда айбдор жиний жавобгарликдан озод қилинади ва жиноят иши тугатилади. Жамоат кафиллигига олиш эҳтиёт чораси тергов юритилаётганида ёки иш судда кўриляётганида танланади.

**Гаров** айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисобварағига топширадиган пул маблағи ёки қимматбаҳо буюмлардан иборатдир. Гаров тариқасида кўчмас мулк ҳам қабул қилиниши мумкин.

Гаровни қабул қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор баённома тузади, суд эса суд мажлиси баённомасига тегишлича ёзиб қўяди. Баённомада айбланувчига, судланувчига – унинг ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган мажбуриятлари тушунтирилганлиги ва бу мажбуриятларни бузмасликка у сўз берганлиги, гаровга қўювчига эса – айбланувчи, судланувчи мажбуриятларини бажармаган тақдирда гаровга қўйган нарсаларидан маҳрум бўлиши маълум қилингани кўрсатилиши лозим. Баённомани гаровни қабул қилган мансабдор шахс, гаровга қўювчи ва айбланувчи, судланувчи имзолайдилар.

Гаров суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан оз бўлиши мумкин эмас ва уни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд айбловнинг оғирлигини, айбланувчининг, судланувчининг ва гаровга қўювчининг шахсини, гаровга қўювчининг мулкий аҳволини ва унинг айбланувчи билан муносабатларини эътиборга олиб белгилайди.

Эҳтиёт чораси сифатида **қамоққа олиш** Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин.

**Қамоққа олиш** – энг оғир эҳтиёт чораси бўлиб, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда энг асосий ҳуқуқларидан бири – шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларини жиддий равишда чеклайди. Шу боис қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бошқа эҳтиёт чоралари айбланувчи (гумон қилинувчи)нинг муносиб хулқ-атворини таъминлаш ва жазодан бўйин товлашининг олдини олиш имкони бўлмаган ҳоллардагина қўлланади.

Бундай талаб қўлланиладиган эҳтиёт чораси шахсга содир этган жинояти учун қўлланиши мумкин бўлган жазодан қаттиқ бўлмаслиги кераклиги билан изоҳланади. Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини озодликдан маҳрум қилиш билан тенглаштириш мумкин эмас.

Жазо чорасини фақат суд айнан жиноят содир этганликда айбли деб топилган шахсга нисбатан суд муҳокамаси натижасида қўллаши мумкин. Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини фақат суд қўллаши мумкин. У айбланувчилар ёки гумон қилинувчиларга нисбатан суриштирув ўтказиш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриб чиқиш жараёнида қўлланилади. Унинг қўлланилиши ишнинг натижасини олдиндан ҳал қилмайди ва жазонинг хусусиятига таъсир кўрсатмайди.

Барча эҳтиёт чораларининг қўлланилишига тааллуқли умумий асослардан ташқари, қамоққа олиш жиноятнинг хавфлиликданига иборат мотивлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин. Бу билан бундай жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан муросасизлик ҳолати яратилади.

**Вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишда** прокурор иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, **илтимосноманинг асослилигини текшириши**, ҳодисанинг фавқулоддалигига ишонч ҳосил қилиши ва айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича сўроқ қилиши **шарт**.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ноқонуний қўллаш туфайли шахсга етказилган зарар, агар кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ёки жиноят иши ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган асослар бўйича тугатилган бўлса, тўлиқ ҳажмда қопланади. Бунда ЖПК еттинчи бўлимида белгиланган қоидалар қўлланилади.

## Мустақил тайёргарлик учун топширик


1. Чақирув бўйича келмаганлик оқибатларини конспектлаштиринг.
2. Эҳтиёт чораларини ўзгартириш, бекор қилиш асослари ва процессуал тартибини конспектлаштиринг.
3. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қонуний талабларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликнинг оқибатларини конспектлаштиринг.

### Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти «СХЕМА» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«СХЕМА» - методи ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала моҳиятининг асосий хусусияти ёки белгиларини схема, тасвир ёки расм орқали ифодаланишини таъминлайди. Уни қўллашда тингловчидан масалага ижодий ёндашиш тақозо этилади. Топширикни бажариш жараёнида тингловчилар ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала бўйича ўзлаш-тирган назарий билимларини ёдга олади, энг муҳим хусусияти, белгиларини аниқлайди, уларни умумлаштиради ёки таркибий қисмларга ажратган ҳолда схема яратади. Тингловчиларда фикрлаш, ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш, ривожлантиришга хизмат қилувчи ушбу стратегия ғоянинг қисқа, аниқ ифодала-ниши учун шароит яратади.

Машғулотларда «Схема» стратегиясидан фойдаланиш тартиби қуйидагича:



## МАШҒУЛОТГА ОИД САВОЛЛАР:

1. Ушлаб туриш мажбурлов чорасини қўллаш тартиби;
2. Мажбурий келтириш мажбурлов чорасини қўллаш тартиби;
3. Лавозимдан четлаштириш мажбурлов чорасини қўллаш тартиби;
4. Тиббий муассасага жойлаштириш мажбурлов чорасини қўллаш тартиби;
5. Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби;
6. Гаров эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби;
7. Шахсий кафиллик эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби.

## Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



## Назорат учун саволлар:

1. Процессуал мажбурлов чоралари билан жиноий жазо чораларининг ўзаро фарқи.
2. Ушлаб туришнинг процессуал тартиби.
3. Процессуал мажбурлов чораларининг турлари.
4. Эҳтиёт чораларининг турлари.
5. Қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаш асослари.

## 4.16-МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

### Маъруза машғулоти (2 соат)

#### Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси, тамойиллари ва фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинувчи муносабатлар.

2-ўқув саволи. Фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида фуқаро (жисмоний шахс) ва юридик шахс тушунчалари, уларнинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати.

3-ўқув саволи. Ишончноманинг тушунчаси, турлари, шакллари, муддатлари ва бекор бўлиш асослари. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар тушунчаси ва турлари. Даъво муддати, унинг аҳамияти ва турлари.

#### **1-ўқув саволи. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси, тамойиллари ва фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинувчи муносабатлар**

Ҳуқуқ назариясидан бизга маълумки, кишилар муайян жамиятда, муайян мамлакатда, муайян давлатда бир-бирлари билан ўзаро ижтимоий муносабатларга киришган ҳолда яшайдилар. Ушбу ижтимоий муносабатлар орқали улар ўзларининг моддий, маънавий ва бошқа эҳтиёжларини қаноатлантирадилар, ўз имкониятларини рўёбга чиқарадилар. Бундай ўзаро муносабатларни тартибга солувчи хулқ-атвор ва хатти ҳаракат қоидаларининг турлича моделлари ўтмишда мавжуд бўлган. Масалан, буларнинг энг ибтидоий шакли “ўрмон қонуни” деб аталади. Бунда кучли шахс бошқалар учун хатти-ҳаракат қоидаларини белгилайди. Бошқалар кучли шахсга хизмат қиладилар, кучли шахс эрк-иродаси ушбу муносабатлар характерини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Зўравонликка асосланган бундай моделда манфаатлар уйғунлиги бўлмаслиги ўз ўзидан маълум. Иккинчи бир ҳолатда эса, ҳар бир шахс ўзи учун ва бошқалар учун хатти-ҳаракат қоидаларини белгилашга уринади. Натижада манфаатлар тўқнашуви вужудга келади. Бу эса ўз ўзидан тартибсизликка, анархияга, хаосга олиб келади.

Кишилиқ жамияти юқоридаги моделлар самарасизлигини бошидан кечириб, энг мақбул учинчи модел – маданий цивилизация жамияти моделини яратган. Бунга кўра кишилар ўзларининг одатдаги, доимий, кундалиқ муносабатларида асрлар давомида синовдан ўтган, сайқалланган адолат, оқилоналиқ, манфаатлар уйғунлигига хизмат қиладиган хулқ-атвор қоидаларини ишлаб чиқишган, ўрнатишган ва бу давлатнинг тегишли юридик кучи воситаси билан таъминланади. Бундай муносабатларнинг кенг доираси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз миллий ҳуқуқ тизимидаги етакчи ҳуқуқ тармоқларидан бири бўлиб фуқаролик ҳуқуқи ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқи мамлакатимизда бозор муносабатлари кенг ривожланаётган, фуқаролик жамияти шаклланаётган, кишиларни имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлаш мақсадларида мулкӣ муносабатларни ҳамда мулкӣ характерда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш, мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқӣ нормалар йиғиндисидан иборатдир.

Бошқача қилиб айтганда, фуқаролик ҳуқуқи – ҳуқуқӣ жиҳатдан тенгликка, мулкӣ жиҳатдан мустақилликка ва эрк муҳториятига асосланган субъектлар ўртасидаги мулкӣ ва шахсий-номулкӣ муносабатларни тартибга соладиган ҳамда мустаҳкамлайдиган ҳуқуқӣ нормалар йиғиндисидир

Жамиятда барча ҳуқуқ соҳалари ягона ҳуқуқ тизимини ташкил этади. Ушбу ҳуқуқ соҳалари одатда икки асосий ҳуқуқ тизимларига ажратилади: оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ тизимлари. Оммавий ҳуқуқ таркибига кирган ҳуқуқ соҳалари томонидан тартибга солинадиган муносабатлар тикка чизик (вертикал) аҳамиятга эга бўлган, яъни бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсунушига асосланган муносабатлардан иборат.

Хусусий ҳуқуқ ҳам муайян ҳуқуқ соҳаларидан ташкил топган ҳуқуқ тизимидан иборат. Ушбу тизимга кирган ҳуқуқ соҳалари воситасида жамият аъзолари, давлат ташкилотларининг хусусий манфаатлари ифодаланган, мустақиллик ва якка мулкдорларнинг (жисмоний шахслар, юридик шахслар) ташаббускорлигига асосланган муносабатлар тартибга солинади. Бундай муносабатлар ёйик чизик (горизонтал) аҳамиятга эга бўлган, яъни бир тарафнинг иккинчи тарафга ҳуқуқӣ жиҳатдан бўйсунушига асосланмаган, мустақиллик ва тенг ҳуқуққа эга бўлган иштирокчилар ўртасида вужудга келадиган муносабатлардан иборат.

Мамлакатимизда ва хорижий юридик адабиётларда “хусусий ҳуқуқ” ибораси ҳам ишлатилади. Тор маънода хусусий ҳуқуқ айнан фуқаролик ҳуқуқини англатади. Кенг маънода хусусий ҳуқуқ таркибига фуқаролик ҳуқуқи билан бирга оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи ва тадбиркорлик ҳуқуқи соҳалари киради.

Фуқаролик ҳуқуқининг моҳияти у томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар мазмунида ўз ифодасини топади. Юқорида бундай ижтимоий муносабат ғоятда кенг доирани қамраб олиши қайд этиб ўтилган эди. Бундай муносабатлар, энг аввало, кишилар ва бошқа субъектлар ўртасидаги моддий ва номоддий неъматларга нисбатан одатдаги кундалик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган доимий, такрорланиб турувчи характерларда яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддаси фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар доирасини белгилашга бағишланган. Унга кўра фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек, бошқа мулкӣ ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади. Бундан кўриниб турибдики, бундай муносабатларнинг асосий қисмини мулкӣ муносабатлар ташкил қилади.

Фуқаролик ҳуқуқининг предметини қуйидагилар ташкил этади:

мулкӣ муносабатлар;

шахсий номулкий муносабатлар;

ташкилий-ҳуқуқӣ муносабатлар.

Мулкӣ муносабатлар ўз мазмунига кўра мол-мулк билан боғлиқ бўлган муносабатлар, у моҳиятан моддий-иқтисодий муносабат ҳисобланади. Яъни, турли моддий ашёлар, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари, умуман кишиларнинг фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектларини худди шундай маҳсулотларни яратиш, эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф этиш, фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Албатта, моддий-иқтисодий, мулкӣ муносабатларнинг барчаси ҳам фуқаролик ҳуқуқӣ нормалар таъсири остида эмас. Уларнинг баъзилари ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан ҳам тартибга солинади. Жумладан, бир субъектнинг иккинчи субъектга маъмурий бўйсунishi билан боғлиқ бўлган мулкӣ муносабатлар маъмурий ҳуқуқ нормалари билан, турли субъектлардан солиқларни ундириш ва уларни тўплаш билан боғлиқ муносабатлар солиқ ҳуқуқи билан, тўпланган пул маблағларини бюджет орқали тақсимлаш билан боғлиқ бўлган муносабатлар молия ҳуқуқи билан, ер, ўрмон билан боғлиқ муносабатлар ер ҳуқуқи нормалари билан, иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.

Фуқаролик ҳуқуқӣ нормалар асосан муайян эквивалентлик (баробарлик, тенг қийматлик) бўйича белгиланадиган қиймат, баҳо, ҳажм, миқдор билан ифодаланадиган ва иштирокчилари тенг даражада кўриладиган мулкӣ муносабатларни тартибга солади. Мулкӣ муносабатлардаги эквивалентлик субъектларни манфаатдорлигини ва адолатни таъминловчи мезон ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқӣ нормалар орқали моддий-иқтисодий



муносабатлар махсус юридик шаклда яъни, мулкый ҳуқуқий муносабатлар шаклида расмийлаштирилади ва мустаҳкамланади.

Фуқаролик ҳуқуқида мулкый муносабатлар ҳам ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳам истеъмол муносабатларининг ҳуқуқий шакли сифатида кўрилади. Бундай муносабатларга субъектлар ўз эрки иродаси билан, ўз манфаатларини кўзлаб киришадилар. Бу ҳолат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг энг муҳим белгиси ҳисобланади.

Мулкый муносабатларнинг катта гуруҳини мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкый ҳуқуқларнинг вужудга келиш асослари ҳамда уларни амалга ошириш тартиби билан боғлиқ бўлган муносабатлар ташкил этади. Жумладан, хусусий мулкдор ва унинг ваколатлари, оммавий мол-мулкнинг ҳуқуқий режими, ихтиролар, фан, адабиёт, санъат асарларини тижорат муомаласида бўлиши билан боғлиқ муносабатлар шулар жумласидандир.

Шартнома мажбуриятларининг кўпчилиги мулкый характерга эга бўлади. Булар жумласига олди-сотди, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш, турар-жойларни ижарага бериш, қурилиш ишларини амалга ошириш, юк ва йўловчилар ташиш билан боғлиқ шартномаларини киритиш мумкин.

Фуқаролик кодексининг 2-моддасида шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятлар билан боғлиқ мажбуриятлар ҳақида ҳам сўз юритилади. Ўзга муносабатлар бундай бошқа мажбуриятлар зарар етказиш (деликт) билан боғлиқ муносабатлар, қонуний ворислик билан боғлиқ муносабатлар, асоссиз бойлик орттириш (кондикт) билан боғлиқ муносабатлар бўлиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқий нормалар таъсири остида бўлган мулкый характерда бўлмаган шахсий муносабатлар ўз навбатида икки турга бўлинади:

мулкый муносабатлар билан узвий боғлиқ бўлган шахсий муносабатлар;

мулкый муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган соф шахсий муносабатлар (шахсий номулкый муносабатлар)га бўлинади.

Мулкый муносабатлар билан узвий боғлиқ бўлган шахсий муносабатларда мулкый муносабат шахсий муносабатларни келтириб чиқаради ёхуд аксинча шахсий муносабат мулкый муносабатларни келтириб чиқаради. Масалан, ижодкор ижодий асарини ёзиши натижасида уни ўз асарига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи яъни, муаллиф сифатида эътироф этилиш шахсий ҳуқуқи вужудга келади ва ушбу ҳуқуқ негизида асар тижорат муомаласига киритилса, асардан фойдаланганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқи вужудга келади. Бундан ташқари хизмат тартибида берилган топшириқ

натижасида ҳақ олган ходим томонидан интеллектуал мулк объекти яратилади ҳамда ушбу объектга нисбатан унда муаллифлик ҳуқуқи вужудга келади.

Мулкӣ муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган соф шахсий муносабатлар баҳо, қиймат билан ифодаланмайдиган, субектдан бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган, унинг муайян хусусиятлари яъни, шаъни, кадр-қиммати, ўз тасвирига бўлган ҳуқуқ, хусусий ҳаёт сирлари, оилавий сирлари, шахсни индивидуаллаштириш хусусиятлари билан боғлиқ муносабатлардир. Масалан, ҳар қандай фуқаро жамиятда кишилар ўртасида ўзининг исми-шарифи билан танилади (ФКнинг 19-моддаси). Бундай шахсий ҳуқуқлар қонунда белгиланган ёки белгиланмаганидан қатъи назар мавжуд бўлиши мумкин. Сўнгги вақтларда шахсий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида фуқаролик қонун ҳужжатлари доираси кенгайиб бораётганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, персонал маълумотлар, диффамация ва ҳ.к.

**2-ўқув саволи. Фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида фуқаро (жисмоний шахс) ва юридик шахс тушунчалари, уларнинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати**

Фуқаролик ҳуқуқининг турли субектлари ўртасида рўй берадиган муносабатлар ҳуқуқ таъсири остидаги нормал муносабатлар ҳисобланади ва булар ихтиёрий равишда амалга оширилади. Аммо муайян ҳолларда ҳуқуқий муносабат мазмунида ётувчи мажбуриятлар ихтиёрий равишда амалга оширилмаганда ёки бир субект томонидан бошқа субектга зарар етказиш ҳолларда давлат томонидан белгиланган мажбурий ҳуқуқий чоралар қўлланилиши мумкин.

***Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни бошқа ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қилдирувчи муайян хусусиятлари мавжуд:***

*1. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида иштирок этувчи шахслар муайян мулкӣ мустақилликка эга бўлиши шарт;*

*2. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида иштирок этувчилар тенг ҳуқуқли шахслар ҳисобланади;*

*3. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида иштирок этувчилар субектларини ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда одатда даъво қўзғатиш орқали судлар томонидан ҳимоя қилиниб муҳофаза қилинади.*

Ҳар қандай бошқа ижтимоий муносабатлар сингари фуқаролик муносабатлар учта мустақил элементдан иборат – ҳуқуқий муносабат субъекти, объекти ва мазмунидан иборат. Фуқаролик муносабатларининг субектлари бўлиб ушбу ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи шаъслар – фуқаролар ва бошқа ташкилотлар (юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ёки юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланувчи тузилмалар) шунингдек, давлат бўлиши мумкин.

Фуқаролик муносабатида иштирок этувчи шахслар фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига, яъни фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларига эга бўлишлари, шунингдек, фуқаролик муомала лаёқатига, яъни ўз хатти-ҳаракатлари билан ўзлари учун фуқаролик ҳуқуқлари мажбуриятларини вужудга келтириш лаёқатига молик бўлишлари шарт.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг мазмунини ушбу муносабатда иштирок этувчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ташкил этади.

Субъектив ҳуқуқ ҳар доим муайян, конкрет субъектга тегишли бўлади. Бироқ субъектив ҳуқуқлар объектив ҳуқуқ асосида яъни давлат томонидан белгилаб қўйилган ҳуқуқ нормалари асосида вужудга келади ва уларга мувофиқ амалга оширилади.

Субъектив ҳуқуқ иборасининг моҳияти шундан иборатки, бу ҳуқуқ ҳар доим муайян субъектга тегишли бўлади ва уни амалга ошириш ушбу ҳуқуқ субъектининг эрки иродаси ва хоҳишига боғлиқ бўлади. Чунки амалда субъектив ҳуқуқ соҳиби ўзининг бу ҳуқуқларини амалга ошириши ёки амалга оширмаслиги ёхуд қонунда назарда тутилган ҳолларда ушбу ҳуқуқдан воз кечиши ҳам мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиб фуқаролик муносабатда иштирок этувчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қаратилган ижтимоий муносабат негизида ётувчи моддий ва номоддий неъматлар ҳисобланади. Улар жумласига ашёлар, мол-мулклар мулкӣ ҳуқуқлар, пуллар, қимматли қоғозлар ишлар ва хизматлар интеллектуал фаолият турли шахсий ҳуқуқлар ҳисобланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мазмунан бир неча турга бўлинади:

**1) Мулкӣ характердаги ва мулкӣ характерда бўлмаган шахсий ҳуқуқий муносабатлар.** Мулкӣ характердаги муносабатлар деганда, муайян моддий-иқтисодий мазмунга эга бўлган ижтимоий муносабатлар, масалан, мол-мулк бўйича белгиланадиган, олди-сотди, ижарага қўйиш ва бошқача шаклда бир субъектдан бошқасига ўтказиш, умуман мулкӣ муомала билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар англашилади.

**2) Мутлақ (абсолют) ва нисбий ҳуқуқий муносабатлар.** Мутлақ ҳуқуқий муносабатларда субъектив ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларининг бузилмаслигини, уларга риоя қилинишини ҳар кимдан ва ҳаммадан талаб қила оладилар. Мутлақ ҳуқуқлар номуайян доирадаги шахслар томонидан бузилиши мумкин бўлгани сабабли ҳар кимдан қўриқланади. Бундай ҳуқуқларга мулк ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқлари, шахсий ҳуқуқлар ва шу кабилар киради.

**3) Мулкий ҳуқуқий муносабатлар.** Мулкий ҳуқуқий муносабатлар моддий характерга эга ҳамда ашёларни, мол мулкларни эгаллаш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишга шунингдек, улар билан боғлиқ мулкий ҳуқуқларни амалга оширишга қаратилади. Мулкий ҳуқуқий муносабатларда ушбу ҳуқуқ соҳиби бўлган субъектлар бошқаларни қўллаб-қувватлаши ва рухсат беришларига ёки бошқача ижобий ҳаракатларига муҳтож бўлмай ўз ҳуқуқларини ўзлари бевосита амалга ошириш ва рўёбга чиқариш имкониятларига эгадирлар. Демак, бундай ҳуқуқий муносабатлар мутлоқ (абсолют) ҳуқуқий муносабатлардир.

**4) Корпоратив муносабатлар.** Бозор муносабатлари тизимида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни ўзига хос тури корпоратив ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлди. Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ўз характерига кўра ташкилий, мулкий ва мажбурият ҳуқуқий характерга эга бўлиши мумкин. Корпоратив муносабатлар деганда – тижорат юридик шахслари, иштирокчилари, муассислари, мулкдорларини тижорат юридик шахсни ташкил этиш, таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мол-мулкни шакллантириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, фаолиятини йўлга қўйиш, амалга ошириш, тугатиш, қайта ташкил этиш бўйича ўзаро бир-бирлари билан, тижорат юридик шахси билан, тижорат юридик шахси тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини амалга ошириш бўйича таркиб топадиган муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

### ***Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати***

Ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқи субъекти унинг субъект сифатида фуқаролик ҳуқуқий муомалада фаол қатнашиши учун ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий субъектларидан бири бўлиб ҳисобланган фуқаролар ҳам худди шундай белгиларга эга бўлишлари талаб этилади.

Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқати ҳуқуқ лаёқати ҳисобланади ва тенг равишда эътироф этилади. Фуқароларни ҳуқуқ лаёқати мазмуни Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилган. Айни пайтда фуқароларни ҳуқуқ лаёқати мазмунининг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Конституциянинг 18-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Бинобарин, фуқаролик ҳуқуқий муносабатда ҳам фуқаролар ҳуқуқ лаёқатида тенг деб эътироф қилинадилар, яъни барча фуқароларга бир хилдаги фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади.

Фуқаролик кодексининг 18-моддаси мазмунига кўра фуқаролар: мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари; тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари; ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари; юридик шахслар ташкил этишлари; битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари; етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари; машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

Вояга етмаганларнинг фуқаролик муомаласида иштироки масаласи табақалаштирилган ҳолда тартибга солинади. Яъни 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ва 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг муомала лаёқатининг ҳажми ва мазмунида ўзига хосликлар мавжуд. 14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) тўла равишда муомалага лаёқатсиз ҳисобланадилар. Бироқ, қонун уларга фуқаролик муомаласида қатнашиш бўйича муайян имкониятлар беради. ***Бунга кўра 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар:***

*1) майда маиший битимлар;*

*2) текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;*

*3) қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиши учун берилган маблағларни тасарруф этиши борасидаги битимларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар.*

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларининг розилигисиз қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли:

*1) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;*

*2) фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга ошириш;*

*3) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;*

*4) майда маиший битимларни ҳамда бошқа битимларни тузиш.*

Кишининг рухий касаллиги, ақли заифлиги уни суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топиш учун асос бўлади. Бу ўринда шуни унутмаслик лозимки, ҳар қандай рухий касаллик ёки ақли заифлик фуқарони онгли равишда ҳаракатлар қилиш ва фуқаролик муомаласида фаол қатнашиш имкониятидан маҳрум этмайди. Фуқаролик кодексининг 30-моддасида кўрсатилишича рухий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади. Табиийки, муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни уни васийи амалга оширади. Агар фуқаро рухий касалликдан даволанса, тегишли тартибда суд томонидан тўлиқ муомалага лаёқатли деб топилиши яъни, муомала лаёқати тикланиши мумкин.

**3-ўқув саволи. Ишончноманинг тушунчаси, турлари, шакллари, муддатлари ва бекор бўлиш асослари. фуқаролик ҳуқуқида муддатлар тушунчаси ва турлари. даъво муддати, унинг аҳамияти ва турлари**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 134-моддасида таърифланишича, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахс олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат *ишончнома* ҳисобланади.

Ишончнома ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ишонч билдирувчи томонидан вакилга берилган барча ҳуқуқларни (ваколатларни) ўзида мужассамлаштирган муҳим аҳамиятга эга бўлган, қонуний равишда расмийлаштирилган ҳужжатдир.

Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Ишончномага вакил учун ваколат белгилашга қаратилган бир томонлама битим сифатида қаралади. Ишончнома топшириқ шартномаси, меҳнат шартномаси, экспедиция шартномаси ва бошқа шартномалар асосида берилади.

Юридик шахс номидан, шунингдек, юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин (ФК 134-м. 2-қ.).

Ишончнома бир шахс, шунингдек, бир неча шахслар номидан бир ёки бир неча шахслар номига ҳам берилиши мумкин. Чунончи, уй-жой куриш ширкатиининг вакили ширкат аъзоларининг барчаси ёки умумий мажлисининг ваколатига биноан бир неча шахс томонидан имзоланган ишончнома олиши мумкин.

Ишончнома вакилнинг учинчи шахслар билан ҳуқуқий муносабатларда бўлиши учун берилади.

Ишончноманинг мазмунидан ишончли вакилнинг қандай ваколатларга эга эканлиги, қандай юридик ҳаракатлар қилишга ҳақли эканлиги кўриниб туради. Бинобарин, ишончли вакил ишончномада кўрсатилган ваколат доирасида ҳаракат қилиб, учинчи шахслар билан шартнома тузган бўлса, ишонч билдирувчи бу шартномани бажаришдан бош торта олмайди.

Ишончнома умумий ва махсус турларга бўлинади. Аммо, ишончноманинг мазмунига кенг маънода ёндашсак, уни учта турга бўлиш мумкин:

1. *Бир марталик ишончнома.* Бунда битта муайян ҳаракатни амалга ошириш учун берилади, масалан, уй-жойни сотиш ёки иш ҳақини олиш учун берилган бўлиши мумкин.

2 *Махсус ишончнома.* Бунда вакилни ишонч билдирувчи учун бир қанча турдаги ҳаракатларни, асосан, маълум вақт давомида амалга оширишга ваколат беради. Бу турдаги ишончнома бир вақтда ёки маълум муддатларда ҳар хил ҳудудларда бир турдаги маҳсулотларни сотиб олиш учун берилиши мумкин.

3. *Бош ишончнома.* Бунда вакилни ишонч билдирувчининг бутун ҳуқуқлари ҳажми юзасидан битимларни ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш учун ваколатлайди. Бундай ишончнома, одатта, юридик шахснинг ваколатхоналарига берилади, у тижорат вакилига, устидан патронаж шаклида васийлик ўрнатилган фуқаронинг вакилига, ишончли бошқарувда берилиши мумкин.

Ишончнома маълум тарзда расмийлаштирилиши лозим. У алоҳида ҳужжат тарзида бўлиши ёки ваколат берувчининг ва вакилнинг ички муносабатларини белгилайдиган шартномага киритилиши мумкин.

Ишончнома доимо ёзма шаклда бўлиши талаб этилади, қонунда кўрсатилган ҳолларда эса нотариал тасдиқланиши ёки ФКнинг 136-моддасида кўрсатилган ташкилотлар ва шахслар томонидан тасдиқланиши талаб этилади.

Фуқаролар томонидан берилган ишончномада ишонч билдирувчининг имзоси бўлиши талаб этилади. Юридик шахснинг номидан берилган ишончномани унинг раҳбари ёки таъсис ҳужжатлари билан ваколатланган шахс имзолаши керак ва бу имзо ўша ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Ишончномада берилган муддат, унинг амал қилиши муддати муҳим ҳисобланади. Ишончномада унинг қачон берилганлиги кўрсатилиши лозим, акс ҳолда у ҳақиқий саналмайди. *Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга*

берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ФКнинг 139-моддасига асосан ҳақиқий эмас деб топилади.

Ташкилотлар томонидан товарлар ва бошқа моддий бойликлар олиш учун бериладиган ишончномаларда уларнинг амал қилиш муддати албатта кўрсатилиши керак.

Нотариал шакли талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Фуқаролик кодексининг 136, 137, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар ва қонун ҳужжатлари билан ишончноманинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган бошқа ҳоллар бундан мустасно (ФК 135-м. 2-қ.). Ишончноманинг нотариал тартибда тасдиқланишининг мажбурийлиги махсус қонунларда кўрсатилиши мумкин.

Ишончномаларнинг нотариал идоралардан ташқари, бошқа ташкилотлар томонидан тасдиқланиши Фуқаролик кодексининг 136, 137-моддаларида белгиланган. Чунончи, хат-хабарлар, шу жумладан пул ва жўнатмалар иш ҳақи ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақлар, пенсия, нафақа ва стипендияларни, шунингдек, банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома фуқаро яшаб турган жойдаги ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан у ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, даволаниб турган жойида эса – даволаниш муассасасининг маъмурияти томонидан, ҳарбий хизматчига ишончнома берилганда – тегишли ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тасдиқланиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган ёки қамоқда сақланаётган шахсларга бериладиган ишончномалар тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

Давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулкӣ бойликларни олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончнома шу юридик шахснинг бош (катта) бухгалтери томонидан ҳам имзоланиши керак. Банкда операцияларни амалга оширишга ишончнома бериш тартиби ва унинг шакли қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади (ФК 138-м.).

### **Мустақил тайёргарлик учун топширик**


1. Фуқаролик ҳуқуқи ва унинг предмети деганда нимани тушунасиш?
2. Фуқаролик ҳуқуқий муносаблар қандай муносабатларни тартибга солади?
3. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қилдирувчи муайян хусусиятларини санаб беринг.



## Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Фикрлар кетма-кетлиги”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Ушбу методни қўллашдан олдин гуруҳ тингловчилари тенг кичик гуруҳчаларга бўлинади. Биринчи гуруҳ мавзуга оид битта умумий тушунчани айтиши лозим бўлади. Қолган гуруҳлар эса навбатма-навбат (ўзидан олдинги гуруҳнинг жавобларини такрорламаган ҳолда) ушбу тушунча тўғрисида биттадан фикр билдириши лозим бўлади. Биринчи гуруҳ томонидан берилган тушунча таҳлил қилиб бўлингач, кейинги гуруҳлар ўз тушунчаларини билдиришади, улар ҳам юқоридаги тартибда таҳлил қилинади.



Методдан фойдаланиш учун тахминий умумий тушунчалар:

Т/р	Тушунча
1.	мулкий муносабатлар
2.	шахсий номулкий муносабатлар
3.	ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар
4.	фуқаролик ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати
5.	юрдик шахс тушунчаси ва белгилари
6.	ишончнома

### Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганди гуруҳнинг дарс машғулотидидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантикий фиклаши.



### Назорат учун саволлар:

1. Фуқаролик ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ўзаро фарқини конспектлаштириш.
2. Фуқаролик ҳуқуқидида шартнома тушунчаси.
3. Ишончномани бекор қилувчи ҳолатлар.

## 4.17-МАВЗУ: ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

### Маъруза машғулоти (2 соат)

#### Машғулот режаси:

**1-ўқув саволи.** Мурожаатларни бериш ва уларни қабул қилиш тартиби.

**2-ўқув саволи.** Мурожаатларни кўриб чиқиш, мурожаатларни кўрмай қолдириш ва мурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш.

**1-ўқув саволи.** Мурожаатларни бериш ва уларни қабул қилиш тартиби.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш. Шунингдек, ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 01 январдаги “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сон буйруғига имзоланди.

Ушбу буйруқ билан Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида (бундан буён матнда таркибий ва ҳудудий бўлинмалар деб юритилади) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибини белгилайди.

Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом:

кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;

таркибий ва ҳудудий бўлинмаларнинг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

**Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда берилиши мумкин.**

**Мурожаатлар аризалар, таклифлар ва шикоятлар тарзида бўлиши мумкин.**

Жисмоний ва юридик шахслар якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этишлари мумкин.

Мурожаатлар шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга.

Вазирлик тизимида расмий веб-сайти орқали ёки уларнинг расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали орқали келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар Қонунда ҳамда Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари.** Қонунга кўра, жисмоний ва юридик шахсларга таркибий ва худудий бўлинмалар ҳамда уларнинг масъул ходимларига яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

Мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар таркибий ёки худудий бўлинмаларга Низомга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда жисмоний шахсларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

**Мурожаатни кўриб чиқишга масъул этиб белгиланган ходим** – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Мурожаатлар масъул ходимлар томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, Низомнинг 8-9-бобида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ота-она қаровисиз қолган болаларнинг ички ишлар органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги сабаблари билан бундай мурожаатлари кўриб чиқилмаслигига йўл қўйилмайди.

**Мурожаатларни кўриб чиқишда** жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сирини ёхуд қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситувчи маълумот ва бошқа

ахборотнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

**Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.**

Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир маълумотлар ошкор этилмаслиги керак.

Жисмоний шахсни, уларнинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида ички ишлар органларига ва уларнинг масъул ходимларига мурожаат этганлиги, шунингдек, **муурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.**

**Муурожаатларни бериш ва уларни қабул қилиш тартиби.** Муурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлган таркибий ёки ҳудудий бўлинмага ёхуд уларнинг масъул ходимига берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд муурожаатни почта алоқа тармоғи орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли.

Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб муурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилиши мумкин.

Оғзаки муурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Вазирликнинг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видеоконференцалоқа воситасида ҳам берилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг муурожаатида унинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим.

Юридик шахснинг муурожаатида унинг тўлиқ номи, жойлашган манзили (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт.

Муурожаатда ички ишлар органининг аниқ номи, муурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган ҳамда муурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Муурожаатда муаллифнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факс рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Муурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган муурожаатларга вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Муурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари ҳамда уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, муурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳолатлар бундан мустасно. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар муурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига юборилганда муурожаатга илова қилиниши керак.

Мурожаат почта алоқа тармоғи орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади. Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у яроқсиз бўлса, шунингдек, мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, уни қабул қилган таркибий ёки худудий бўлинмада уч нафар ходим иштирокида, Низомнинг 1-иловасига мувофиқ, икки нусхада далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси мурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат этувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун сақланиши мумкин. Нотўғри келиб тушган мурожаатлар, конверти илова қилинган ҳолда, белгиланган жойга янги конвертларда жўнатилади ёки мурожаат этувчига қайтарилади.

Ёзма мурожаат, мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқданган бўлиши лозим.

Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини унинг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

#### **Мурожаатни бериш муддати, қоида тариқасида, белгиланмайди.**

Айрим ҳолларда, агар таркибий ва худудий бўлинмаларнинг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Ариза ёки шикоят бўйсунув тартибида юқори турувчи таркибий бўлинмага жисмоний ёхуд юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чикувчи таркибий ёки худудий бўлинма раҳбари томонидан тикланади.

#### **2-ўқув саволи. Мурожаатларни кўриб чиқиш, мурожаатларни кўрмай қолдириш ва мурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш**

**Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби.** Бошқарма томонидан таркибий ва худудий бўлинмага ижро учун юборилган мурожаатларни ушбу таркибий ва худудий бўлинманинг масъул ходимлари кўриб чиқади. Уларни кўриб чиқиш бошқа таркибий бўлинманинг ваколатига тегишли бўлса, улар Бошқармага қайтарилади.

Вазирлик таркибий бўлинмалари томонидан тегишли кузатув хати ёки Вазирлик раҳбариятининг резолюцияси орқали бошқа таркибий бўлинмага

ижро учун юборилиши мумкин эмас. Таркибий бўлинма ёки унинг мансабдор шахси номига йўлланган мурожаатлар бундан мустасно.

Ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган масалалар қўйилган мурожаат беш кун муддатда ушбу таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари томонидан имзоланган хат билан тегишли органга юборилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Агар мурожаатда уни тегишли органга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар **беш кун** муддатда асослантирилган тушунтириш билан мурожаат қилувчига қайтарилади.

Почта алоқа тармоғи, қабуллар жараёнида келиб тушган мурожаат куйи турувчи бўлинма томонидак кўриб чиқилиши лозим бўлса, мурожаат келиб тушган кунидан бошлаб **беш кун** муддатда таркибий бўлинма раҳбари томонидан имзоланган хат ёки топшириқ билан бирга юборилади ва бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун уни куйи бўлинмага юборган масъул ходим ушбу мурожаат ва унинг кузатув хати нусхаларини олиб, қонуний ҳал қилинишини назорат қилади.

**Мурожаат унда қўйилган масалани ҳал этиш ваколати доирасига кирмайдиган ёки қабул қилган қарори ёхуд ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган ходимга ижро учун берилиши таъқиқланади.**

Агар мурожаатда бир нечта таркибий бўлинмага тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш учун ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда мурожаатнинг кўриб чиқилишини таъминлайди.

Мурожаатни кўриб чиқаётган ходим бошқа лавозимга ўтказилганда, хизмат сафарига юборилганда, касал бўлганда ёки меҳнат таътилига чиққанда, мурожаат ушбу ходимнинг билдиргиси ёки бевосита раҳбарининг ёзма топшириғи асосида ижро учун бошқа ходимга ўтказилади.

Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган масъул ходим мурожаат этувчидан, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

Мурожаатда кўрсатилган масалани ҳар томонлама ва ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида, уни бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан бирга кўриб чиқиш (ҳал қилиш) талаб этилса, мурожаатни кўриб чиқувчи таркибий ёки ҳудудий бўлинма бошқа давлат органлари ва ташкилотларига мурожаатни коллегиял эшитишни ўтказиш учун мурожаат қилишга ҳақли.

**Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.**

Мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилиб, жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда мурожаат этувчи ёзма тартибда хабардор қилинади.

Агар мурожаатдаги масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишда иштирок этиш учун уни кўриб чиқаётган масъул ходим томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

Зарур ҳолларда мурожаатни кўриб чиқаётган масъул ходим томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Мурожаатни кўриб чиқаётган масъул ходим ўз ташаббусига ёки мурожаат этувчининг илтимосига кўра уни эшитишни ташкил этиши мумкин.

Мурожаатни кўриб чиқаётган масъул ходим мурожаат этувчига мурожаатда кўтарилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва қўшимча ахборот такдим этиш имконини беради. Зарур ҳолларда мурожаат этувчини эшитишга экспертларни, мутахассисларни ва манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари жалб этиш мумкин.

Агар мурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда мурожаатни кўриб чиқувчи таркибий ёки ҳудудий бўлинма мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқишни таъминлаши мумкин. Мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиш таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарининг топшириғи ёхуд унинг розилиги билан амалга оширилади.

Такрорий мурожаат тегишли таркибий бўлинма томонидан текширилиб, ижобий ҳал қилинган ҳолатларда дастлабки мурожаатни кўриб чиқишда хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли интизомий жазо чораси қўлланилиши тўғрисида таклиф киритилади.

**Такрорий мурожаатда дастлабки мурожаатни кўриб чиққан ходимнинг ҳаракати (*ҳаракатсизлиги*)дан норозилик билдирилган бўлса, ушбу мурожаат ижросини таъминлаш, уни муқаддам кўриб чиққан ходим зиммасига юклатилиши мумкин эмас.**

Бир масалада кўп маротаба йўлланаётган ёки икки ва ундан ортиқ таркибий бўлинма фаолиятига оид мурожаатлар якуний қарор қабул қилиш мақсадида Бошқарма томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Мурожаатни кўриб чиқишга масъул этиб белгиланган ходим томонидан ушбу мурожаат бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси тузилади ва масъул ходимнинг бевосита раҳбари томонидан тасдиқланади.

Мурожаат юзасидан текширув ўтказиш жараёнида, унда қайд эгилган важларни ва юзага келган муаммони тўлиқ ўрганиш ҳамда қўшимча ахборот бериш имкониятини яратиш мақсадида мурожаат муаллифидан ҳамда мурожаатга тааллуқли шахслардан батафсил тушунтириш хати олиниши (*текширув ўтказилиши талаб этилмайдиган мурожаат бундан мустасно*) шарт.

Мурожаатни кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қилинган қарорнинг моҳиятини тушунтириш, такрорий мурожаатнинг олдини олиш, мурожаат муаллифининг текширув якунига алоқадор арз ва мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида, Низомнинг 5-иловасига мувофиқ, суҳбат варағи тўлдирилади.

Ўтказилган текширув якуни бўйича хулоса (*маълумот ёки ахборот олиш каби ўрганиш талаб этилмайдиган мурожаатлар бундан мустасно*)

қилинади.

Мурожаат юзасидан муқаддам тўлиқ текширув ўтказилган ва унда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар келтирилган бўлса (*шу жумладан маъмурий, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда ҳал қилинадиган*), мурожаатни назоратга олган раҳбар номига, уни назоратдан олиш ҳақида билдирги ёзилади.

Мурожаат юзасидан янги важлар келтирилган ёки дастлабки мурожаат бўйича ўтказилган текширувда унда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар келтирилмаган бўлса, қайтадан текширув ўтказилади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича таркибий ёки ҳудудий бўлинма томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу ҳақда дарҳол ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат қилувчига жавоб хати (*хабар*) юборилади.

Жавоб хатида мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар (*заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда*) бўлиши керак.

Жавоб хати мурожаат этилган тилда баён қилинади ва у таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари ёхуд унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб мурожаат қилган тақдирда, уларнинг мурожаатлари Қонун талаблари ва Низомга мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда мурожаатга жавоб мурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки уларнинг талабига кўра, бошқа шахсга юборилади.

Оммавий қабуллар вақтида келиб тушиб, жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларга ёзма ёки электрон шаклдаги жавоб талаб этилмайди.

Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра мурожаатни кўриб чиққан масъул ходим жавоб хатининг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши ва йўл қўйилган хатоларни тузатиши шарт.

Мурожаат қилувчининг мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

Мурожаат, унда кўтарилган барча масалалар Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда, кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаат қилувчига жавоб хати юборилган кун мурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади.

Юқори турувчи ёки бошқа давлат органлари ёхуд тегишли таркибий бўлинманинг назоратида бўлган мурожаат бўйича уни кўриб чиққан масъул ходим мурожаат қилувчига юборилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган ҳолда, мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида назорат қилувчи орган ёки таркибий бўлинмага ёзма шаклда ахборот киритади.

Вазирлик раҳбарияти назоратидаги мурожаат бўйича Бошқарма томонидан, Низомнинг 6-иловасига мувофиқ, назорат варағи юритилади ҳамда ушбу мурожаатни назоратга олган раҳбар томонидан назоратдан ва



ижродан олинади.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун куйи ички ишлар органларига юборилишининг асослилиги ва мурожаатга берилган жавоб хатини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигига уни кўриб чиққан масъул ходим ҳамда унинг бевосита раҳбари жавобгар ҳисобланади.

**Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари.** Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар таркибий ёки ҳудудий бўлинмага келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар тегишли муддатнинг охири куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

Ариза ёки шикоят масалани мазмуни бўйича ҳал этиши шарт бўлган келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (*ёки*) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда асослантирилган билдирги орқали таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарининг рухсати билан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уни кўриб чиқиш муддатлари Вазир ва Вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан истисно тариқасида, асослантирилган билдирги орқали узоғи билан яна бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

**Мурожаатларни кўрмай қолдириш. Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:**

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахснинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжаглар мавжуд бўлмаган тақдирда;

мурожаат муаллифи суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли ҳулоса тузилади таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ**

1. Ички ишлар органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш.
2. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби.
3. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари.
4. Мурожаатларни кўрмай қолдириш.

## 5. Мурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш.

### Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Блиц-сўров”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Блиц-сўров” (инглизча “блиц” - тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.



Т/р	Саволлар	Жавоблар
1.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?	2017 йил 11 сентябрь
2.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонуннинг мақсади?	давлат органлари ва давлат муассасаларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат
3.	Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги мурожаатлар қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан кўриб чиқилади?	МЖтКга асосан
4.	Ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат?	ариза
5.	давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат?	таклиф
6.	бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат?	шикоят

7.	айни бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кўчирма нусхаси?	муурожаатнинг дубликати
8.	Муурожаатларнинг шакллари?	оғзаки, ёзма ёхуд электрон
9.	Муурожаатларнинг турлари?	аризалар, таклифлар ва шикоятлар
10.	Жисмоний шахснинг муурожаатида қандай маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак?	жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар
11.	Юридик шахснинг муурожаатида қандай маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак?	юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган эри (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар
12.	Муурожаатлар қайси тилда берилиши мумкин?	давлат тилида ва бошқа тилларда
13.	Муурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган муурожаатларга қандай ҳужжатлар илова қилинади?	уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар
14.	Муурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари?	ўн беш кун
15.	кўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, кўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда муурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари?	бир ойгача

### **Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулототидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулототидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



### **Назорат учун саволлар:**

1. Муурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари?
2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят тўғрисидаги муурожаатларни кўриб чиқиш тартиби?
3. ИИОда муурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари?
4. Муурожаатларнинг турлари?
5. Муурожаатларнинг шакллари?

## 4.18-МАВЗУ: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЮРИДИК МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ

Маъруза машғулоти (2 соат)

### Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Билл. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ҳуқуқий мазмуни ва аҳамияти.

2-ўқув саволи. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар ва факультатив протоколлар Халқаро биллнинг қисми сифатида.

3-ўқув саволи. Қийноққа қарши конвенциянинг умумий тавсифи ва мазмуни

### 1-ўқув саволи. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Билл. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ҳуқуқий мазмуни ва аҳамияти

Ҳозирги замонда инсон ҳуқуқлари муҳим ўрин тутди. Ҳар қандай ривожланган демократик жамият қуришда уларнинг ролини ошириб юбормаслик лозим. Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий давлат қурилишидаги асосий шартлардан бири бу жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш ҳамда ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Унчалик узоқ бўлмаган ўтмишда ҳам инсон ҳуқуқлари фақатгина ички давлат органлари доирасида тартибга солинган. Ҳар бир давлат ўз юрисдикциясида бўлган фуқаро ва шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳажмини фақат ўзларигина ҳал қилиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблар эдилар. Ҳаттоки, БМТ ташкил қилинган илк кунларда ҳам давлат ички органлари бу соҳадаги асосий манбалар ҳисобланар эди.

Умуман ҳуқуқни, айниқса инсон ҳуқуқларини у ёки бу жамиятда ҳукмронлик қилаётган мафкура, сиёсат ва ахлоқий маданиятдан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам давлатлар мазкур соҳада инсон ҳуқуқлари масаласини юқоридаги воситалар асосида тартибга солишган ҳамда БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандартларини ўз ички ишига аралаштириш деб ҳисоблаганлар.

Бир қатор мамлакатлар ўзларининг расмий баёнотларида БМТ уставига асосан муайян инсон ҳуқуқларига ирқий, жинсий, тил ва диний камситишларсиз риоя қилинишини таъминлашда давлат юрисдикциясини рад қилдилар.

Бошқа гуруҳ давлатлар эса БМТ Уставининг юридик мажбурийлигини тан олишган ҳолда давлат суверенитети тушунчасини мутлақлаштиришиб, инсон ҳуқуқлари соҳаси бутунлай давлат ички ваколатида деб ҳисоблашларини билдиришди.

Кўпгина халқаро ҳуқуқшунослар ўз давлатлари мафкурасини акс эттирган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солиш

давлатнинг мутлақ ички иши, халқаро ҳамжамиятнинг иши эмас, деб ҳисоблар эди.

Иккита жаҳон уруши, ўнлаб минтақавий ва маҳаллий урушлар, ядро уруши хавфи, атроф-муҳит муаммоси ва бошқа глобал муаммолар ечимини топиш учун давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш учун катта-кичик уринишларнинг бошланишига сабаб бўлди. Натижада эса, инсон ҳуқуқлари ҳам ички ҳуқуқ билан, ҳам халқаро ҳуқуқ билан, тартибга солинадиган бўлди. Бунинг далили сифатида асосий инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солувчи халқаро принципларнинг аниқлаштирилиши ва ривожлантирилиши ҳамда мазкур соҳада давлатлар ўз зиммасига олган мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан назорат механизмларининг ташкил қилинганлигини кўрсатиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқ ролининг ошишига асосий сабаблардан бири Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Биллнинг қабул қилинишидир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Биллнинг сиёсий ва тарихий аҳамиятига тўхталиб ўтсак, дастлаб 1946 йилда БМТнинг Бош Ассамблеяси (БА) ўзининг 1-сессиясида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлар Декларациясини кўриб чиқиб, лойиҳани иқтисодий, ижтимоий Кенгаш орқали инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитага инсон ҳуқуқлари бўйича Биллни ишлаб чиқиш учун қайтарди. 1947 йилда Қўмита ўзининг 1 сессиясида инсон ҳуқуқлари тўғрисида Биллни дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқишни қўмита мансабдор шахсларига топширди. Кейинчалик бу иш расмий тақриз қўмитасига топширилди. У давлатлар вакилидан иборат бўлган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Биллнинг шакли тўғрисида бир қатор фикрлар билдирилди:

Тақриз қўмитаси икки ҳужжат тузишга қарор қилди:

1) Декларация шаклидаги ҳужжат: унда инсон ҳуқуқларининг умумий принциплари ёки меъёрлари назарда тутилиши лозим эди;

2) Конвенция шаклидаги ҳужжат бўлиб, унда муайян ҳуқуқ ва чеклашлар, уларни амалга ошириш назарда тутилиши лозим эди.

Шундай қўмита комиссияга инсон ҳуқуқларилари халқаро Декларацияси ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳасини тақдим этди.

1947 й. Комиссия “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Билл” термини, ишлаб чиқиладиган барча ҳужжатларга нисбатан қўлланилиши лозимлиги тўғрисидаги тўхтамага келди. Шу сабабли учта ишчи гуруҳи тузилди:

1) Декларация бўйича;

2) Пакт бўйича;

3) Амалга ошириш чоралари бўйича.

Комиссия 1948 й. 24 май 15 июн давомида ўтказилган сессияда декларация лойиҳасини ҳукуматлар билдирган камчиликларни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқди. Бироқ Комиссия пакт ва амалга ошириш масалаларини кўриб чиқиш ваколатига эга эмас эди. Шу сабабли инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Умумжаҳон Декларацияси иқтисодий ва ижтимоий кенгаш орқали сессияда Бош Ассамблеяга тақдим этилди. Бу воқеа Париж

шаҳрида рўй берди. Шундай қилиб 1948 йил 10 декабрда Бош Ассамблея қабул қилиниши кўзда тутилган ҳужжатлардан биринчи бўлиб инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Умумжаҳон Декларациясини (ИХУД) қабул қилди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳужжатларнинг таҳлили уларни ҳуқуқий мақоми жиҳатидан 3 турга бўлинишини кўрсатади:

- 1 Халқаро;
- 2 Минтақавий;
- 3 Миллий.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий ҳужжатлар БМТга тегишлидир. Ҳозирги инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Билл қуйидаги ҳужжатларни ўз таркибига олади:

- а) Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон Декларацияси;
- б) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт;
- в) Фуқаролик ва Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт;
- г) Фуқаролик ва Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт асосида қабул қилинган 1-факультатив протокол;
- д) Фуқаролик ва Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт асосида қабул қилинган 2-факультатив протокол (ўлим жазосини бекор қилиш бўйича).

Декларация инсон ҳуқуқларининг умумий тамойилларини ифода этади. Пактлар эса, бу тамойилларни бойитади, тўлдиради ва инсон ҳуқуқларининг яхлит тизимлари, қоидаларини қамраб олади.

Декларациянинг юридик моҳияти:

-ИХУД ИХ бағишланилган замонавий ҳужжатлар ичида энг биринчиси;

2.Сиёсий моҳияти:

-ИХУД жаҳон бирлигини намоён этган (1949 й.Черчелнинг Фултондаги нутқини эслат);

-Бу ҳужжат ИХларини тула рўйхатини беради(каталог);

-Маънавий аҳамияти (улчов мезони сифатида каралади);

-Ҳужжатнинг устворлигидан иборат (ИХларисиз на халқаро ҳамжамият на алоҳида давлат ривожлани олмайди).

Кўпгина халқаро ҳуқуқшунослар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини фуқароларнинг асосий фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини оддийгина эълон қилган ҳужжат, деб узоқ баҳслашдилар. Ҳаёт Декларациянинг қабул қилиниши, оддийгина ишора эмас, балки ундаги ҳуқуқлар халқаро ҳамжамиятнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида муҳим халқаро битимларни қабул қилишда мустаҳкам халқаро — ҳуқуқий таянч муомала кодекси бўлиб хизмат қилганлигини кўрсатди.

Тадқиқотлардан бирида таъкидлаб ўтилганидек, “1948 йилдан сўнг қабул қилинган 90 дан ортиқ миллий конституциялар ўзида декларация қоидаларини акс эттиради ва (ёки) унинг таъсири остида мазкур қоидалар киритилган”.

БМТнинг дастлабки эришган муҳим ютуқларидан бири, бу Бош Ассамблея томонидан 10 декабрь 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши бўлган. Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилган.

Ассамблея Декларацияни “барча халқлар ва барча давлатлар томонидан бажарилишига интилишини таъминлаш вазифаси” эканлигини эълон қилди. У бутун дунёдаги аъзо-давлатларни Декларацияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳурмат қилиш ва таъминлашга чақирди. Ҳар йили 10 декабр бутун дунёда Декларация қабул қилинган кун сифатида Инсон ҳуқуқлари куни, деб байрам қилинади. Декларациянинг тарихий аҳамияти шундаки, у бутун дунёда тан олинган ва умумий бўлган ҳуқуқ ва эркинлик лар рўйхатини ўзида мужассамлаштирган биринчи халқаро характердаги ҳужжатдир.

**Декларация 29-моддасининг 1-бандида шахснинг мажбуриятлари аниқ ўрнатилган:** “Ҳар бир шахс жамият олдида мажбуриятларга эга”. Айнан, бандда шахс фақат жамият доирасидагина эркин ва тўлиқ ривожлана олиши қоидасининг асослари келтирилган. Декларациянинг бу қоидаси маънавий хусусият касб этади. Чунки, унга кўра, шахс ўзи тегишли бўлган жамиятда юриш-туриш қоидаларининг умумий қоидаларини ўрнатади. Декларация 29-моддасининг 1-банди мураса хусусиятига эгаллиги сабабли БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда бир овоздан қабул қилинган.

Шуни таъкидлаш керакки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида шахснинг давлатга нисбатан мажбуриятлари ва бурчлари батафсил кўрсатилмаган, шунга кўра давлатни шахсдан қатъий кўриклаш зарурияти мавжуд эмас. Айни пайтда, тарихан бизга маълумки, инсон ҳуқуқларини давлатдан ҳимоя қилиш зарурияти мавжуд. Шунинг учун Декларациянинг асосий мақсади — шахс ҳуқуқларини давлатга нисбатан ҳимоялашдир.

Шахснинг жамият олдидаги мажбуриятларини белгиловчи халқаро нормалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29- ва 30-моддаларидан келиб чиқади. Дарҳақиқат, Декларациянинг ушбу иккита моддаси қоидалари биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, иккинчидан, инсон мажбуриятлари тушунчаларига олиб боради. Агар Декларациянинг 29-моддаси 1-бандида шахснинг ҳуқуқлари тушунчаси берилган бўлса, 30-моддада уни шарҳлашни белгиловчи универсал қўлланиладиган норма мавжуд. Шундай қилиб, шахснинг барча мажбуриятлари ва ундан келиб чиқувчи муаммолар ушбу икки моддада умумлаштириб мустаҳкамланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан барча давлатлар ва миллатлар учун умумий халқаро стандарт сифатида эълон қилинган. Юқорида баён қилинганларнинг барчаси эркинлик, тенглик ва биродарлик каби фундаментал принципларга асосланади. Уларга Декларациянинг Муқаддимаси, шунингдек 1- ва 2-моддалари бағишланган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини тавсифлар эканмиз, унда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланмаганлигига эътибор қаратмаслик мумкин эмас. Бу “ҳар қайси халқ ва барча давлатлар бажаришга ҳаракат қилиши лозим бўлган вазифа сифатида” кўпроқ маънавий императивликдир.

Айни пайтда Декларация инсон фундаментал ҳуқуқларини қамраб олган БМТ Уставини талқин қилишдаги энг муҳим актдир. Инсон ҳуқуқлари

умумжаҳон декларацияси — бу, халқаро шартнома. Расмий-юридик нуқтаи назардан у мажбурий кучга эга эмас, чунки БМТ Уставининг 10- ва 11-моддаларига мувофиқ, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари фақатгина тавсиявий хусусият касб этади. Шундай бўлишига қарамадан, Декларация давлатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларининг асосий манбаларидан бирига айланди. У БМТ Уставини шарҳлашда муҳим восита сифатида кўрилиши мумкин. Унинг норма ларининг катта қисми замонавий дунё мамлакатларини боғлаб турувчи халқаро одат ҳуқуқининг муҳим тимсоли сифатида эътироф этилади.

## **2-ўқув саволи. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар ва факультатив протоколлар Халқаро биллнинг қисми сифатида**

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа келишувларнинг қабул қилинишига кенг йўл очиб берди. Ушбу келишувлар ичида марказий ўринни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар эгаллайди. Уларнинг қабул қилиниши натижасида инсон ҳуқуқлари соҳасида принцип ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасида янада сифатли босқичга кўтарилди. Инсоният тарихида биринчи марта деярли бир пайтда Пактларни имзолаган барча давлатлар учун мажбурий бўлган инсон фуқаролик-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларининг улкан доирасини тартибга солувчи иккита халқаро ҳужжат қабул қилинди.

Мазкур Пактлар билан мустақиллигини даъво қилаётган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тан олингандан сўнг, бу руҳан эзилган халқлар қўлидаги мустақиллик учун кураш йўлидаги кучли қурооллардан бирига айланди. Миллий-озодлик ҳаракатлари таъсири остида киритилган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш моддасининг пайдо бўлиши халқаро ҳамжамият томонидан эски халқаро ҳуқуқда фундаментал ўзгаришга асос бўлди ҳамда жаҳон халқлари ва миллатлари ўртасидаги тенг муносабатларнинг таъминланишига асос бўлди. Яшаш ҳуқуқи, адолатли судга бўлган ҳуқуқ, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи ва бошқа бир қатор асосий ҳуқуқлар бугунги кунда кўпгина давлатларнинг конституцияларида ўзининг мустаҳкам ўрнини топган.

Биринчи марта инсон ҳуқуқларига оид пактларда индивид бевосита халқаро назорат қилувчи органлар томонидан руҳсат этиладиган ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ва халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгаллиги белгиланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича пактларнинг муҳим ютуқларидан бири мазкур ҳужжат орқали давлатларнинг шу қоида бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажарилишини назорат қилувчи муассасаларнинг ташкил қилиниши бўлди. “Унинг ташкил қилиниши ва фаолият олиб бориши мазкур асрнинг иккинчи ярмида инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда тартибга солишда сезиларли ютуқлардан биридир”. Назорат институти халқаро ҳуқуқда янги ҳодиса бўлиб, унинг ташкил топиш жараёни бир қатор давлатлар томонидан катта қаршиликка учради. Муаммо шунда эдики, “назорат”



тушунчаси, ушбу назорат объекти ҳисобланувчи у ёки бу мажбуриятнинг бажарилиш жараёнидаги элементларининг таъсирини ўз ичига оларди. Бошқача айтганда, назорат ижро жараёнида ўзининг у ёки бу даражадаги аралашувини келтириб чиқаради. Давлатлар халқаро муносабатларга киришар экан, ўзларининг ички ишларидаги суверенитетини сақлайди, халқаро органларнинг назорати эса уларнинг ички ишига аралашуви, деб ҳисобланарди. Бироқ, халқаро муносабатларнинг ўзига хослиги ва инсон ҳуқуқларининг катта аҳамияти халқаро ҳамжамиятнинг ушбу масалада мувозанатга келишишига ва давлатларнинг мазкур соҳада ўз зиммаларига олинган мажбуриятларини ўз иродаси билан зиммасига олишига, халқаро назорат органлари эса фақатгина инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатларга тегишли кўмакларни бериб, маслаҳат беришини таъминлади. Ҳозирги шароитда халқаро назорат органларининг роли ошмоқда. БМТ ва бошқа халқаро конвенциявий органлари назорат ташкилотларининг фаолиятидаги ваколат ва вазифаларига борган сари кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Айтиб ўтилганидек, халқаро муносабатларда зарур пайтда ҳаётга мажбурий тадбиқ қилиш учун халқаро ҳуқуқнинг принцип ва нормаларини амалга оширувчи давлат тизими устидан назорат қилувчи орган йўқ. Шунинг учун давлатлар халқаро назорат механизмини яратиш йўллари назарда тутганлар ва бу зарурат инсоният тақдирига жиддий хавф туғдирганда халқаро ҳуқуқ ижодкорлигини кенгайтириш, халқаро алоқаларни такомиллаштириш, глобал муаммоларнинг пайдо бўлишидан келиб чиқади.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унинг Факультатив протоколи БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 16 декабрь 1966 йилда бир овоздан қабул қилинган. Бу ҳужжатлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва 1989 йилда қабул қилинган Иккинчи Факультатив протокол билан биргаликда кенг машҳурликка эга бўлган Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билл деб номланади.

1966 йилда БМТ раҳномалигида йилида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт (унга тегишли факультатив протоколни ҳам) қабул қилиш чоғида вазият Декларацияни қабул қилишдан бирмунча бошқачароқ бўлди. Бу шартномалар қатнашувчи томонлар учун мажбурий юридик кучга эга қилиб қўйилди, ҳар бир қатнашувчи томонлар уларнинг қоидаларига амал қилишга расман розилик берди. Бу халқаро пактлар 1976 йилда БМТга аъзо бўлган 35 давлат ратификация қилгандан кейин кучга кириб, амал қила бошлади.

Пактлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига асосланса-да, улар томонидан қамраб олинган ҳуқуқлар бир хил эмас. Иккала Пактда ҳам мустақамланган, Декларацияга киритилмаган энг муҳим ҳуқуқ бу ўзининг табиий бойликлари ва ресурсларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини ҳам қамбар олган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидир.

Биринчи Пакт - Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт муқаддима, 5 қисм, 31-моддадан ташкил топган. Унда

фуқароларнинг бу соҳага даҳлдор ҳуқуқларининг умумий тизими келтирилган. Пактда меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи, меҳнат учун адолатли иш ҳақи олиш ҳуқуқи, касаба уюшмалари тузиш ва уларга кириш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот, етарли турмуш даражаси ҳуқуқи, очликдан холи бўлиш, соғлиқни сақлаш ва билим олиш ҳуқуқлари эътироф этилган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни 1995 йил 28 сентябрда ратификация қилган ва 28 декабрдан бошлаб Ўзбекистон учун кучга кирган.

Пактда инсоннинг очликдан холи бўлишдек ҳуқуқини таъминлашнинг аниқ дастури қайд қилинган.

Пактда ҳар бир инсоннинг маълумот олиш ҳуқуқи эътироф этилган. Пактга асосан таълим-инсон шахсининг камолга етиши ва ўз кадр-қимматини тўла ва беками кўст англашига кўмаклашиши ҳамда инсон ҳуқуқларига ҳурматни мустаҳкамлаши лозим.

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг маданий ҳаётда қатнашиши, илмий тараққиёт ва уни амалда қўлланиш натижаларидан фойдаланиши, ўзи муаллиф бўлган илмий адабиёти ёки бадиий асарлари муносабати билан юзага келган маънавий ва меҳнат манфаатлари ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этадилар.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт 1976 йил 3 январда кучга кирган.

Иккинчи Пакт – фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактдир. Ушбу Пакт муқаддима, 6 қисм, 53 моддадан иборат. Унинг 2-3 қисми, умуман 26-моддаси инсон ҳуқуқларига бағишланган. Пактда қуйидаги инсон ҳуқуқларининг кенг қамровли тизими эътироф этилган: яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахснинг даҳлсизлик ҳуқуқи, адолатли судлов, фикр, виждон, дин эркинлиги, оила қуриш ҳуқуқи, кўчиш эркинлиги, муҳожирлик эркинлиги, осойишта йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқи, касаба уюшмалари тузиш ва унга кириш ҳуқуқи ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни 1995 йил 28 сентябрда ратификация қилган.

Пактга биноан яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан мустаҳкамланади.

Мазкур пактга биноан ҳар бир шахс ўзига қўйилаётган жиноий айблов кўриб чиқилаётганда қонун асосида тузилган мустақил ва ҳолис суд томонидан мазкур ишнинг адолатли ва ошкора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгадир. Пактга кўра ҳали 18 ёшга тўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим жазоси чиқарилмайди ва ҳомиладор аёлларга нисбатан ана шундай жазо ижро этилмайди.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унинг биринчи Факультатив протоколи 1976 йил 23 мартда кучга кирган. 1989 йил 1 мартга қадар Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ушбу Пактга 87 давлат қўшилди, унинг 41-моддасини 22 давлат тан олди. Мазкур Пактнинг қабул қилиниши унда кўрсатилган ҳуқуқларнинг табиий, бегоналаштирилмаслик хусусият касб этиши, ҳаёт, шаън, инсон

кадр-қиммати, шахсий дахлсизлик, эътиқод эркинлиги ва шахсий ҳаёт каби юқори қимматликлар билан алоқадорлиги билан асосланади. Инсон ҳуқуқлари назариясида бу ҳуқуқлар биринчи авлод ҳуқуқлари ҳисобланади ва “негатив ҳуқуқлар” сифатида ном ланади, чунки айнан давлат ҳокимияти томонидан тажовузлардан алоҳида ҳимояга муҳтождир. Ушбу Пактга бирлашиш эркинлиги, сўз эркинлиги, давлат бошқарувида қатнашиш ҳуқуқи, сайлов ҳуқуқи каби биринчи авлод ҳуқуқларига кирувчи ва халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан инсон шахси ривожланиши ва унинг давлат билан ўзаро муносабати билан боғлиқлиги сабабли ўта муҳим саналадиган сиёсий ҳуқуқлар киритилган.

*Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт юридик таркибининг ўзига хослиги шундаки,* Пактнинг ҳар бир моддасида белгилаб берилган ҳар бир ҳуқуқ мазкур ҳуқуқни амалга оширишнинг аниқ механизмини қамраб олган ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш учун қонунчилик, маъмурий ва бошқа чораларни кўриш ҳар бир давлатнинг мажбурияти ҳисобланади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг кучга кириши билан халқаро инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Халқаро ҳуқуқ тарихида биринчи марта индивид ўз ҳуқуқларининг ҳимояси учун БМТ халқаро органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт доирасида бундай орган Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита бўлиб, у нафақат индивидуал мурожаатлар, балки миллий ҳисоботлар асосида ҳам Пактга амал қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Пактнинг бу хусусиятлари уни нафақат инсон ҳуқуқлари соҳасида, балки бутун халқаро ҳуқуқ соҳасида ҳам муҳим аҳамият касб этувчи ҳужжатга айлантиради.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт муқаддима ва олти қисмдан иборат.

I қисм халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига бағишланган битта моддадан иборат.

II қисми 2–5-моддаларни ўз ичига олади. Бу моддалар давлатларга Пактда кўрсатилган ҳуқуқларни ҳурмат қилиш ва ҳеч қандай камситишларсиз таъминлаш мажбуриятини юклайди. 2-модданинг 3-қисми бевосита давлатларга ваколатли суд, маъмурий ёки қонунчилик ҳокимияти томонидан суд ҳимояси имкониятларини кенгайтириб, ҳуқуқий ҳимоя воситаларини ўрнатиш мажбуриятини юклайди. Бундан ташқари, 3-модда давлатларга эркаклар ва аёлларга тенг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишни таъминлаш мажбуриятини юклайди. Ушбу бобда давлатда фавқулодда вазиятларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва бундай вазиятларда инсон ҳуқуқлари чекланишларини тартибга солувчи норма берилган.

III қисм 22 та модда (6–27-моддалар)дан иборат ва Пактнинг энг катта қисми ҳисобланади. Унда бевосита ҳам шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар, ҳам уларни амалга ошириш механизмлари кўриб чиқилади. 6-модда шахснинг

ажралмас ҳуқуқи сифатида яшаш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Модда олтита пунктдан иборат бўлиб, мамлакатда ўлим жазоси мавжуд бўлса уни энг оғир жиноятлар учунгина қўллашни; ўлим жазоси белгиланганда авф этишни сўраш ёки ҳукми енгиллаштиришни сўраш ҳуқуқини; ўлим жазосини 18 ёшга тўлмаган шахс ва хомиладор айлларга нисбатан қўлламасликни назарда тутати. Пакт ўлим жазосини тўлиқ бекор қилишни назарда тутмаганлиги боис Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Иккинчи Факультатив протокол қабул қилинган бўлиб, ушбу Протокол иштирокчи-давлатларга ўлим жазосидан воз кечиш мажбуриятини юклайди.

Пактнинг бу қисми қийноқлар (7-модда), қуллик, қуллар савдоси ва мажбурий меҳнатни (8-модда) бутунлай тақиқлашни назарда тутати.

Пактда озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги ҳамда улар билан муомалада бўлиш; ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиш ёки ушлаб туришни тақиқлаш; озодликдан маҳрум қилиш қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилиши (9, 10-модда)га алоҳида эътибор қаратилади.

Пактда бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш эркинлиги ва эркин яшаш жойи танлаш ҳуқуқини ҳам назарда тутати. Шу билан бирга, бу ҳуқуқни тартибга солувчи 12-модда давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли соғлиги ва ахлоқ қоидалари, бошқа шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш мақсадида қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳуқуқ чекланиши мумкинлигини мустаҳкамлайди. Бу турдаги чекловлар намоёишлар ўтказиш, эркин фикр билдириш, эркин фикрлаш, дин ва эътиқод эркинлиги, тинч йиғилишларга бўлган ҳуқуқларга ҳам татбиқ қилинади.

### **3-ўқув саволи. Қийноққа қарши конвенциянинг умумий тавсифи ва мазмуни**

Қийноқ ва шафқатсиз муомала ойдинлаштириш енгил бўлмаган вазифа ҳисобланади, гарчи уни қоралаш ва тақиқлаш барча давлатларда халқаро ҳуқуқ нормаси сифатида қабул қилинган бўлсада.

Кўплаб халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини ташкил этган қийноқнинг мутлақо чекланиши тўғрисидаги халқаро қонунчилик, шафқатсиз қийноқлар қўлланмаслигининг кафолати бўла олмайди. Ушбу ҳолатда давлат органлари халқаро ҳуқуқ принциплари ва унинг талқинида бу ҳуқуқларни таъминлаш борасида эркинликлар ҳамда бўшлиқлар қолдирганини кўришимиз мумкин бўлади.

Қийноқнинг ҳуқуқий тавсифи БМТнинг 1984 йилда қабул қилинган қийноқларга қарши Конвенциясида ўрнатилган ва у барча иштирокчи-давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган (Бош Ассамблеянинг 1984 йил 10 декабрдаги 39/46 Резолюцияси давлатларнинг қўшилиши, ратификация қилиши ва имзолашлари учун очик тарзда қабул қилинди ҳамда 1987 йил 26 июнда кучга кирди). **Ушбу Конвенциянинг 1-моддасида қийноққа қуйидагича таъриф берилган:** «оғрик ёки қўрқитиш давлат мансабдор шахси ёки бошқа расмий фаолият билан боғлиқ бирор шахс томонидан, улар режаси

ёрдамида амалга ошириладиган, уларнинг айби ва бундай ҳаракатларга жим туришлари билан содир этиладиган маълум бир шахсга қасддан ундан ёки учинчи шахсдан маълумот олиш ҳамда унинг содир этган ҳаракати, учинчи шахс ёки у гумон сифатида кўрилатган ишларда тан олдириш мақсадида кучли жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказиш, қўрқитиш, шунингдек камситиш сифатида тавсифланувчи, шахсни ёки учинчи бир шахсни қўрқитиш ҳамда мажбурлаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат. Бундай ҳолатларга қонуний санкциялар билан ўзаро боғлиқ бўлган ёки фавқулодда содир бўлувчи оғрик ҳамда қўрқувлар киритилмайди».

**БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси қийноқнинг қуйидаги элементларини кўрсатиб ўтади:**

– жисмоний ва руҳий қийнаш йўли орқали қасддан бўлган хаттиҳаракат;

– муайян мақсадда амалга оширилган ҳаракат;

– мансабдор ёки расмий фаолият юритувчи шахс томонидан амалга оширилган ҳаракат.

**Қийноққа қарши самарали курашнинг асосий жиҳатларини учга бўлиш мумкин:**

1. Самарали қонунчилик асосини яратиш ва уни тўлиқ амалга оширишни таъминлаш, қийноққа қарши кураш кафолатларини белгилаб бериш. Жумладан, қамоқда сақланаётган шахсларнинг асосий кафолатлари (адвокат, шифокор, судья ва ҳ.к. ларга етишиш ҳуқуқи), ташқи оламдан узилишни тақиқланиш;

2. Қамоқда сақланаётган шахснинг жойлашган жойини кўздан кечириш ҳамда у сақланаётган жойнинг мустақил мониторингини амалга ошириш бўйича назорат механизмларини, энг муҳими, миллий механизмларни ташкил этиш;

3. Ички ишлар органлари, ЖИЭМ, адвокатлар, судьялар, тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларнинг профессионал малакасини доимий ошириб бориш.

**Қийноққа қарши конвенциянинг мазмунини қуйидаги асосий тезислар ёрдамида изоҳлаш мумкин:**

1) *Қийноқ тушунчаси.* Давлатнинг миллий қонунчилигида қийноқ жиноят сифатида қаралиши лозим. Давлат ўзининг қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа тизимлари ёрдамида қийноққа қарши огоҳлантиришларнинг самарали чораларини қабул қилади.

2) *Қийноқни расмий қоралаш.* Давлатларнинг олий ҳокимият органлари қийноққа қарши ўзларининг салбий муносабатларини ўрнатишлари шарт. Улар барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қийноқнинг қандай ҳолатда содир қилинганидан қатъий назар кечириб бўлмаслиги тўғрисидаги аниқ тушунчани беришлари шарт.

3) *Ҳибсда сақлашнинг чекланиши.* Қийноқлар, одатда, ҳибсда сақланаётган шахсларга нисбатан қўлланилади – уларнинг инсонлар билан дилдан суҳбатлашиш имкониятлари, уларга ким ёрдам бера олиши ҳамда унга

нималар бўлаётганлиги тўғрисидаги хабар ва ёзишмалар ҳуқуқининг чекланиши. Давлат тергов жараёнида қийноқ амалга оширилмаслиги юзасидан барча чораларни кўриши шарт. Давлатлар жиноят содир этишда айбланиб қўлга олинган барча шахсларни мустақил суд органларига топширилишини таъминлаш зарур. Қамокда сақланаётган шахснинг ахволдан доимо хабар олиб туришлари учун унинг қариндошлари, адвокати ва врачларнинг доимий ва кечиктирмай кира олиш имкониятини яратишлари шарт.

4) **Сўроқ ўтказиш ва қўлга олиш жараёнидаги кафолатлар.** Давлат сўроқ ўтказиш ва қамокда сақлаш жараёнини доим назорат қилиб бориши шарт. Барча қамокда сақланаётган шахслар ўзларига бўлаётган муносабат юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқ мавжудлиги ҳақидаги ахборотларга эга бўлишлари шарт. Озодликдан маҳрум этиш жойларида мустақил инспекция ташрифларини ташкил қилиш, қамокқа олиш ва суриштирувни амалга ошириш билан боғлиқ маъмурий ваколатларни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришлари зарур.

5) **Қийноқлар тўғрисидаги хабарлар ҳақида мустақил тергов олиб бориш.** Давлат қийноқ қўлланилаётганлиги ҳақидаги хабарни самарали ва объектив тергов қилишни таъминлаб беришга мажбур. Бундай тергов очик ва ошкора методда олиб борилиши зарур. Даъвогар ва гувоҳлар тазйиқдан ҳимоя қилинишлари даркор.

6) **Қийноққа солиш оқибатида олинган маълумотлардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги.** Давлат суд ишларида, исбот ва тан олиш жараёнида қийнаш оқибатида олинган ҳар қандай маълумотдан фойдаланишни тақиқлаши шарт.

7) **Қийноқни қонуний йўл билан тақиқлаш.** Давлат қийноқнинг жинойий жазога сазовор эканлиги юзасидан барча чора-тадбирларни кўриши шарт. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ қийноқни қўллашга тақиқ ҳеч бир шароитда, ҳатто уруш ва бошқа фавқулодда ҳолатларда ҳам тўхтаб қолиши керак эмас.

8) **Жиноятчи сифатида тахмин қилинган шахсни таъқиб қилиш.** Қийноқни қўллашган ҳисобланиб шахслар масъул бўлган жазоланиши шарт. Ушбу принцип қидирилаётган жиноятчининг жойлашган жойидан, жиноят содир этилган жойидан, жиноятчи ҳамда жабрдийданинг миллатидан қатъи назар қўлланилиши зарур.

9) **Ўқитиш.** Жиноятчиларни қамокқа олиш, уларни сўроқ қилиш ва қамокдаги шахслар билан муносабатда бўлиш фаолияти билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари барча ходимларига қийноқ жиноятлиги тўғрисида тушунтиришлар олиб бориш. Шу билан бир қаторда, юқорида номлари кўрсатилган ходимлар ҳар қандай қийноқни амалга ошириш билан боғлиқ буйруқларни бажармасликлари ҳақида ҳам огоҳлантиришлари зарур.

10) **Зарарнинг қопланиши ва реабилитация.** Қийноқ оқибатида азият чеккан шахслар зарарнинг молиявий йўл билан қопланиши ҳуқуқига эга бўлишлари шарт. Азият чеккан шахслар зарур тиббий ёрдам ва реабилитация билан таъминланган бўлишлари лозим.

11) **Халқаро ҳамкорлик.** Давлатлар қийноқни қўллашдаги айбдорларни ушлаш юзасидан барча давлатларнинг ҳукуматлари билан алоқалар ўрнатиш имкониятларидан фойдаланишлари шарт. Қийноққа қарши самарали ва тезкор терговни амалга ошириш бўйича давлатлараро механизмлардан фойдаланиш ва уларни ишлаб чиқиш зарур. Давлатлар курулли кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва хавфсизлик хизмати ходимларини тайёрлаш юзасидан тажриба алмашишда қийноқни қўлламасликни таъминлашлари зарур.

12) **Халқаро шартномаларни ратификация қилиш.** Барча давлатлар индивидуал шикоятлар билдириш жараёнини ҳуқуқий тартибга солувчи Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унга Факультатив протоколни, шунингдек қийноқдан ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситалари ва кафолатларини ўзида акс эттирган халқаро шартномаларни ратификация қилишлари шарт.

13) **Қийноққа қарши қўмита фаолияти.** БМТ қийноққа қарши Қўмитасининг тавсиялари ҳамда Конвенциянинг асосий шартларини ижро этиш бўйича давлатларнинг миллий ҳисоботларини кўриб чиқади.

Қийноққа қарши кураш амалиёти дастлаб 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Геноцид жиноятларини олдини олиш ҳамда уларни жазолаш тўғрисидаги конвенциядан бошланган. Ушбу ҳужжатлар 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда 1984 йилдаги Қийноққа ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва қадр-қимматни таҳқирловчи муомала ва жазо турларига қарши кураш тўғрисидаги конвенция ёрдамида тасдиқланди.

Конвенцияга мувофиқ, ҳар бир давлат ўз юрисдикцияси остида бўлган ҳар қандай ҳудудда қийноқ билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш бўйича самарали қонунчилик, маъмурий ва бошқа чораларни кўриши зарурлиги белгилаб қўйилган (2-модда 1-б.). Уруш ҳолати ва таҳдиди, ички сиёсий тартибсизлик ёки ҳар қандай фавқулодда ҳолатлар қийноқни оқлаш билан боғлиқ бўлган сабаб сифатида баҳоланмайди (2-модда 2-б.). Бундан ташқари, 1-параграфнинг 3-моддасига эътиборни қаратиш зарур: «Ҳеч қандай иштирокчи давлат шахсни унга жўнатилаётган давлатда қийноқни қўллаш билан боғлиқ жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолатда бошқа давлатга жўнатиш, қайтариш ва бериш тақиқланади».

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ**



1. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг ҳуқуқий мазмуни ва аҳамияти.
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Биллнинг юридик мазмуни ва ҳуқуқий тавсифи.
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенциялар.
4. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билл ҳужжатлари деганда нимани тушунасиш?

## Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўқув машғулоти **“Зинама-зина”** ва **“Блиц-сўров”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Ушбу методдан мақсад тингловчилар онгида Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Билл тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш. Тингловчилар ушбу ҳужжатларнинг турлари билан бирга, ҳар бир ҳужжатнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ўзаро фикр алмашиш орқали ўрганишади.

**Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Билл ҳужжатлари:**



**“Блиц-сўров”** (инглизча “блиц” - тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Т/р	Саволлар	Жавоблар
1.	Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Умумжаҳон Декларацияси қачон қабул қилинган?	1948 йил 10 декабр
2.	Жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасига тааллуқли нечта стандарт қабул қилинган?	70 та
3.	Ўзбекистон Республикаси стандартларнинг нечасига қўшилган?	21 та
4.	Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳужжатлар уларнинг ҳуқуқий мақоми жиҳатидан қандай турларга бўлинади?	Халқаро, минтақавий, миллий
5.	Қайси халқаро ҳужжат билан ўлим жазоси бекор қилинган?	Фуқаролик ва Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт асосида



		қабул қилинган 2-факультатив протокол
6.	Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қачон ратификация қилган?	1991 йил 30 сентябрда
7.	Инсон ҳуқуқлари куни?	10 декабр
8.	Декларациянинг асосий мақсади?	шахс ҳуқуқларини давлатга нисбатан ҳимоялаш
9.	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт қачон қабул қилинган?	1966 йилда
10.	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт тузилиши?	муқаддима, 5 қисм, 31-моддадан ташкил топган
11.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни қачон ратификация қилган?	1995 йил 28 сентябрда
12.	Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни қачон ратификация қилган?	1995 йил 28 сентябрда
13.	Қайси пактга кўра ҳали 18 ёшга тўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим жазоси чиқарилмайди ва ҳомиладор аёлларга нисбатан ана шундай жазо ижро этилмайди?	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт
14.	Қийноқларга қарши Конвенция қачон қабул қилинган?	1984 йил 10 декабрда

### **Тингловчилар қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:**

1. ҳар бир курсантнинг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлинганда гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. курсантнинг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдирган мантиқий фиклаши.



### **Назорат учун саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг қайси қонун ҳужжатларида қийноқ тақиқланади?
2. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро конвенциялар?
3. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Билл ҳужжатлари?
4. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мазмуни ва моҳияти?

## Мавзулар юзасидан тахминий тест саволлари

### 1-мавзу юзасидан:

1. Қуйида келтирилганлардан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг.
2. Қуйидагилардан Конституциявий тузум элементлари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг.
3. Суверенитет сўзининг маъноси?
4. Ҳуқуқшунослик ва сиёсатшуносликда суверенитетнинг қандай турлари фарқланади?
5. Жамиятда давлат ҳокимиятининг устуворлиги ва унинг мамлакат ичкариси ҳамда халқаро майдонда бошқаларга нисбатан тўла мустақиллиги деб нимага айтилади?
6. Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Конституциявий комиссиянинг раиси ким этиб белгиланди?
7. Шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши бу қайси қоида?
8. Демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлат?
9. “Хабеас корпус” институтининг маъноси нима?
10. Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг тўртинчи йўналиши қандай номланади?

### 2-мавзу юзасидан:

1. Қуйида келтирилганлардан “Тизим” сўзининг маъносини топинг.
2. Қуйидагилардан ҳуқуқ нормасининг таркибий элементларини аниқланг.
3. Диспозицияда кўрсатилган қоиданинг кучга кириши учун зарур бўлган аниқ ҳаётий ҳолат (воқеа, ҳаракат, ҳодисалар) ҳуқуқ нормасининг қайси элементида ўз аксини топади?
4. Гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ҳуқуқ субъектлари риоя этишлари лозим бўлган хатти-ҳаракат қоидаси (ҳуқуқ ва мажбуриятлари) ҳуқуқ нормасининг қайси элементида ўз аксини топади?
5. Диспозицияда кўрсатилган талабларни бажармаганлик учун берилиши мумкин бўлган таъсир чораси ёки тавсия этилган ҳаракатни содир этганлик учун рағбатлантиришнинг тури ва ўлчови ҳуқуқ нормасининг қайси элементида ўз аксини топади?
6. Ҳуқуқ нормалари уларда мустаҳкамланган қоидаларнинг характерига қараб қандай турларга бўлинади?
7. Ваколатли давлат органининг белгиланган тартибда қабул қилган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, умуммажбурий

тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи юридик ҳужжат?

8. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни қачон қабул қилинган?

9. Қуйида келтирилганлардан “Конституция” сўзининг луғавий маъносини аниқланг.

10. Бирор назария, таълимот, дунёқараш ва шу кабиларнинг дастлабки, асосий қонун-қоидаси; фаолият учун асос қилиб олинadиган бош ғоя, қонун-қоида?

### **3-мавзу юзасидан:**

1. Фаол ҳуқуқий хулқ атворга тўғри таъриф берилган жавобни аниқланг?

2. Ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишида содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмиш?

3. Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ҳуқуқбузарлик қандай турларга бўлинади?

4. Ҳуқуқбузарликнинг таркибий элементлари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

5. Ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ва муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар?

6. Зарурий белгиси айб бўлган, содир қилинган қилмишига нисбатан шахснинг руҳий муносабати?

7. Қуйидагилардан юридик жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатларни аниқланг.

8. Жисмоний шахснинг ёши ёки руҳий ҳолатига кўра ўз ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошира олмаслиги, ўз зиммасига мажбуриятлар олиш қобилиятига эга эмаслиги деб нимага айтилади?

9. Қуйидагилардан маргинал ҳуқуқий хатти-ҳаракатга тўғри таъриф берилаган жавобни кўрсатинг.

10. Қуйидагилардан конформистик ҳуқуқий хатти-ҳаракатга тўғри таъриф берилаган жавобни кўрсатинг.

### **4-мавзу юзасидан:**

1. Ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

2. Кимлар маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланмайди?

3. Қуйидагилардан маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибига тегишли бўлмаган жавобни аниқланг кирмайди:

4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

5. Маъмурий жавобгарликка тортилиш ёшини аниқланг?

6. Қуйидаги субъектлардан кимга маъмурий жарима жазоси қўлланилмайди?

7. Маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томонининг қўшимча белгиларини кўрсатинг?

8. Қуйидагилардан қайси бири маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга огоҳлантириш қўллаш ваколатига эга?

9. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қайси қисмлардан иборат?

10. Қуйидагилардан қайси бири маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланмайди?

### **5-мавзу юзасидан:**

1. Маъмурий жазо аниқланган кундан бошлаб қанча муддатда қўлланилиши мумкин?

2. Қўшимча маъмурий жазолар қуйидаги қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

3. Қуйидагилардан асосий маъмурий жазо чораларини аниқланг?

4. Маъмурий жазонинг мақсади?

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундириш?

6. Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш жазоси кимларга қўлланилмайди?

7. Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш чораси дейилганда қайси ҳуқуқлар назарда тутилади?

8. Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш чораси ким томонидан қўлланилади?

9. Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш чораси кимларга қўлланилмайди?

10. Маъмурий қамоққа олиш муддати қанча?

### **6-мавзу юзасидан:**

1. Била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш?

2. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш?

3. Турар жойга унда истиқомат қилувчиларнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда кириш?

4. Тухмат қилиш ҳуқуқбузарлигининг субъектив томонини аниқланг?

5. Ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарлигининг объектив томонини аниқланг?

6. Эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш ҳуқуқбузарлигининг объектив томонини аниқланг?

7. Енгил тан жароҳати етказиш ҳуқуқбузарлигининг объекти?

8. Қўйидаги келтирилган жойлардан қайси бирида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш таъқиқланмаган?

9. Оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлигининг субъектив томонини аниқланг?

10. Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлигининг объектив томонини аниқланг?

### **7-мавзу юзасидан:**

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораларига қайсилар киради?

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари тартиби қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган?

3. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида қандай ҳужжат тузилади?

4. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённома ким томонидан имзоланади?

5. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда қандай ҳаракатлар амалга оширилади?

6. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида кимлар албатта хабардор қилинади?

7. Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлигини содир этган шахсни қайси орган ушлаб туришга ҳақли?

8. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати?

9. Маст ҳолдаги шахслар учун маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати қачондан бошланади?

10. Шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида қандай ҳужжат тузилади?

### **8-мавзу юзасидан:**

1. Қўйидагилардан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифаларини аниқланг.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар қандай шаклда расмийлаштирилмайди?

3. Ўзбекистон Республикасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар қайси тилларда юритилади?

4. Қўйидагилардан қонуний вакилларга кимлар киради?

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс ким?

6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахс ким?

7. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги далилларга ким баҳо беради?
8. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар қай тартибда кўрилади?
9. Майда безорилик ҳуқуқбузарлиги(183-м) қанча муддатда кўриб чиқилади?
10. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар МЖТКнинг қайси моддасида белгиланган ва нечта ҳолатлардан иборат.

### **9-мавзу юзасидан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қачон қабул қилинган?
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси неча қисмдан иборат?
3. Жиноят учун тайинланиши мумкин бўлган жазонинг тури, муддати ва миқдорини кўрсатиб берувчи ҳуқуқий норманинг қисми нима деб аталади?
4. Жиноят таърифининг асосий белгилари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?
5. Қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар?
6. Эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар?
7. Қилмиш тушунчасини тўғри белгиланг?
8. Жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларни фарқлашнинг асосий белгиларини топинг?
9. Қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар?
10. Қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп, ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар?

### **10-мавзу юзасидан:**

1. Жиноят учун жавобгарликнинг умумий ёшини кўрсатининг?
2. Жиноят натижасида тажовуз қилинган ижтимоий муносабат жиноят таркибининг қайси элементига оид?
3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бажарилиши белгилаб кўйилган ҳаракатларни бажармаслик деб нимага айтилади?
4. Жиноят таркибининг субъекти тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?
5. Жиноятни объектив томонининг белгилари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
6. Жиноий жавобгарликнинг фактик асосини топинг?
7. Жиноий жавобгарликнинг норматив асосини топинг?
8. Жиноят таркибининг объекти тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

9. Оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-м. 2-қ.) жинояти учун жавобгарлик ёшини кўрсатинг?

10. Мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик ёшини кўрсатинг?

### **11-мавзу юзасидан:**

1. Жиноий жазо деганда нима тушунилади?

2. Асосий жазолардан ташқари яна қандай жазолар қўлланилиши мумкин?

3. Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан қандай жазо қўлланилмайди?

4. Жиноий жазонинг мақсади?

5. Жазо тизими деганда нимани тушунаси?

6. Жарима жазоси тушунчаси?

7. Мажбурий жамоат ишлари жазоси тушунчаси?

8. Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тушунчаси?

9. Фақат ҳарбий хизматчилар учун тайинланадиган жиноий жазолар қайси?

10. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси?

### **12-мавзу юзасидан:**

1. Муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш деб нимага айтилади?

2. Ўзганинг мол-мулкани талон-торож қилиш мақсадида хужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этилган жиноят?

3. Ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш?

4. Қасддан одам ўлдириш жиноятининг субъектив томонини аниқланг?

5. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш жиноятининг субъектив томонини аниқланг?

6. Ўғрилиқ жиноятининг объектив томонини аниқланг?

7. Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш?

8. Фирибгарлик жиноятининг субъектив томонини аниқланг?

9. Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш?

10. Пора олиш жиноятининг объектив томонини аниқланг?

### **13-мавзу юзасидан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси қачон қабул қилинган?

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси неча қисмдан иборат?

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади?

4. Жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари қайси принцип?

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга ошириши қайси принцип?

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни қайси орган амалга оширади?

7. Қайси турдаги жиноят ишлари ошкора кўрилмайди?

8. Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очик суд мажлисида кимнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилиши мумкин?

9. Жиноят ишларини юритиш қайси тилда олиб борилади?

10. Қайси турдаги жиноят ишлари ошкора кўрилмайди?

#### **14-мавзу юзасидан:**

1. Суд мажлисида суд мажлиси котиби вазифаларини ким бажаради?

2. Суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни ким амалга оширади?

3. Жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайси орган терговчилари олиб борадилар?

4. Айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахс?

5. Жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахс?

6. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахс?

7. Маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахс?

8. Ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинган шахс?

9. Жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс?

10. Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс?

#### **15-мавзу юзасидан:**



1. Қандай ҳолларда шахсий тинтувни видеоёзув орқали қайд этиш тақиқланади?
2. Процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тартиби қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган?
3. Ушлаб туриш тўғрисида қандай ҳужжат тузилади?
4. Агар ушланган шахс иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, гумон қилинувчининг ҳуқуқлари унга ким иштирокида таништирилади?
5. Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси ким томонидан қўлланилади?
6. Жиноятлар тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш ёки уй қамоғи муддати қанча?
7. Гаров суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг неча бараваридан кам бўлиши мумкин эмас?
8. Ушлаб туриш муддати?
9. Ишончга сазовор бўлган шахсларнинг айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканликлари ҳақида ёзма мажбурият олиши?
10. Жамоат бирлашмаси ёки жамоа ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахсни кафилликка олиши?

#### **16-мавзу юзасидан:**

1. Ҳуқуқий жиҳатдан тенгликка, мулкӣ жиҳатдан мустақилликка ва эрк муҳториятига асосланган субъектлар ўртасидаги мулкӣ ва шахсий-номулкӣ муносабатларни тартибга соладиган ҳамда мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси деб нимага айтилади?
2. Қўйидаги келтирилганлардан фуқаролик ҳуқуқининг предметини аниқланг?
3. Ўзбекистон Республикасида никоҳ ва оилага оид муносабатлар қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади?
4. Қўйидаги келтирилганлардан ишончноманинг шакллари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?
5. Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат нима деб аталади?
6. Ўз мулкида, хўжалик юритишда ёки оператив бошқарувида алоҳида мол–мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол–мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкӣ ёки шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот?
7. Фуқаролар неча ёшга тўлганларидан сўнг муомалага тўла лаёқатли ҳисобланади?
8. Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати қачондан вужудга келади?

9. Вужудга келиш асосида мол-мулк ва моддий неъматлар ётадиган муносабатлар фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг қайси турига мансуб?

10. Қўйидагилардан фуқаролик ҳуқуқининг функциялари тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатинг.

### **17-мавзу юзасидан:**

1. Фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг субъектлари ҳисобланувчи корхона, муассаса, ташкилотлар?

2. Ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат деганда нимани тушунаси?

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларининг турлари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларининг шакллари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

5. Жисмоний шахснинг мурожаатида нималар кўрсатилган бўлиши лозим?

6. Жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлгон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат деб қандай мурожаат турига таъриф берилмоқда?

7. Юридик шахснинг мурожаатида нималар кўрсатилган бўлиши лозим?

8. Қандай мурожаатлар кўрмай қолдирилиши мумкин?

9. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-445-сон қонун қачон қабул қилинган?

10. Бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат деб қандай мурожаат турига таъриф берилмоқда?

### **18-мавзу юзасидан:**

1. Қайси халқаро ҳужжатга биноан ҳар бир шахс ўзига қўйилаётган жиноий айблов кўриб чиқиляётганда қонун асосида тузилган мустақил ва ҳолис суд томонидан мазкур ишнинг адолатли ва ошкора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгадир?

2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Билл ҳужжатлари таркибига кирувчи ҳужжатларни кўрсатинг?

3. “Имплементация” сўзининг маъноси?

4. “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандарт” тушунчаси қандай маънони англатади?

5. Халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунларга ва қонуности ҳужжатларига трансформация қилиш йўли билан халқаро мажбуриятларни давлат ичида амалга ошириш бу?

6. Ратификация – бу?

7. Денонсация – бу ?

8. Пролонгация – бу?

9. Халқаро шартноманинг мазкур давлат учун мажбурий эканлигини тасдиқлаб берадиган, унинг ички ҳуқуқига мувофиқ қабул қилинувчи давлат олий ҳокимиятининг ҳужжати?

10. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғриси-даги халқаро пактни қачон ратификация қилган?

## ГЛОССАРИЙ

**аноним мурожаат** – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган манзили (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

**ариза** – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

**битимлар** – фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар.

**видеоконференцалоқа** – узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимда аудио ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

**Ғайриижтимоий хулқ-атвор** – шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

**гаров** – бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши.

**Декларация** (лотинча declaration — эълон қилиш, эътироф этиш) мажбурий кучга эга эмас, бу — тавсиялардир. Унда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий принциплар, дастурий қоидалар эътироф этилади.

**Денонсация** (франс. денонсер — эълон қилиш, узиш), денонсация қилиш — халқаро ҳуқуқда икки томонлама халқаро шартнома амал қилишини тўхтатишнинг ёки қўп томонлама халқаро шартномадан чиқишнинг энг кенг тарқалган усули. Одатда, шартноманинг ўзида назарда тутилган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

**Дискриминация** (лот. дискриминатио — фарқлаш) — давлат, юридик ёки жисмоний шахс ҳуқуқларининг (бошқа давлат, юридик ёки жисмоний шахс ҳуқуқларига нисбатан) чекланиши. Демократик давлатларнинг ички қонунларида ҳамда халқаро ҳуқуқда Д.нинг барча шакллари, жумладан, фуқаролар ҳуқуқларини миллати, ирқи, жинси, дини сабабли амалда ёки юридик жиҳатдан камситишга йўл қўйиш тақиқланади.

**ЕТҒБ** – Европа тараққиёт ва тикланиш банки ЕврАзЭС – Евроосиё иқтисодий бирлашмаси

**жарима** – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

**жиноят** – жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.

**жиноят ишларини юритиш тартиби** - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади. Жиноят ишларини юритишнинг ЖПКда белгиланган

тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир;

**жиноят учун жавобгарлик** – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

**жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари** - Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир;

**жиноят-процессуал қонунчилигининг вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиши** - Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ олиб борилади;

**закалат** – шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси.

**ИКАО** – Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти

**Имплементация** (implementation инглиз т., - амалга ошириш, татбиқ этиш) миллий ҳуқуқ тизимига халқаро ҳуқуқни киритиш орқали халқаро мажбуриятларни ички даражада амалга ошириш.

**Конвенция** (лотинча conventio — шартнома, келишув) — бирор бир махсус масала юзасидан халқаро келишув бўлиб, одатда у унга қўшилган (имзолаган, ратификация қилган) давлатлар учун мажбурий кучга эга бўлади.

**қонунийлик** - Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

**МАГАТЭ** – Атом энергияси бўйича халқаро агентлик

**мажбурият** – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

**маъмурий жазо** – жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат

қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

**маъмурий ҳуқуқбузарлик** – қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси** – қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

**муружаатнинг дубликати** – айнан бир жисмоний ёки юридик шахс муружаатининг кўчирма нусхаси;

**НАТО** – Шимолий атлантика шартномаси

**неустойка** – қонунчилик ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси.

**оммавий қабул** – таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарларининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларда муружаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

**Пакт** — конвенциянинг ўзи, лекин мазмунан хилма хил. Пакт (лот. пастум — шартнома, битим) — йирик сиёсий аҳамиятга эга халқаро битим; халқаро шартномалар номларидан бири.

**Ратификация** (лот. ратус — ҳал қилинган, тасдиқланган ва фасере — қилмоқ) — Халқаро шартноманинг мазкур давлат учун мажбурий эканлигини тасдиқлаб берадиган, унинг ички ҳуқуқига мувофиқ қабул қилинувчи давлат олий ҳокимиятининг ҳужжати.

**сайёр қабул** - тасдиқланган жадвал асосида таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарлари томонидан жойларга чиққан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш билан боғлиқ ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи.

**таклиф** – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган муружаат;

**такрорий муружаат** – аввалги муружаатлар бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек, агар такрорий муружаат келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги муружаат ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган муружаат;

**ХВФ** – Халқаро валюта фонди

**ХМТ** – Халқаро меҳнат ташкилоти

**ХССТ** – Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти

**ХСТ** – Халқаро савдо ташкилоти

**ХТРБ** – Халқаро тараққиёт ва ривожланиш банки

**Ҳуқуқбузарлик** – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

**Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс** – ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

**Ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи** – жисмоний, маънавий ёки мулкӣ зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс;

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими;

**шартнома** – икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви.

**шикоят** – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

**электрон мурожаат** – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан Вазирлик ёхуд унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари расмий веб-сайтларига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

**ЮНЕСКО** – БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти

## Адабиётлар

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б.
2. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 48 б.
3. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 104 б.
4. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 488 б.
5. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Тошкент - «Ўзбекистон»,- 2017. – 596 б.
6. *Мирзиёев Ш.М.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.- Тошкент - «Ўзбекистон»,- 2018. – 512 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2019. – 76.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.– Т., 2021. – Lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ЎРҚ-167-II-сон қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги ги ЎРҚ-257-II-сон қонуни // *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.*
7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.* – Т., 2014. – № 20. – 221-м.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.* – Т., 2016.– № 38.– 438-м.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.* – Т., 2017.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонуни // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.* – Т., 2017.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги ЎРҚ-489-сон қонуни.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги «Судлар тўғрисида»ги ЎРҚ-703-сон қонуни. // *Қонунчилик маълумотлари миллий*



базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон.

13. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-263-сон қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ-406-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-м.

15. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-561-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/561/3680-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6312-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.09.2021 й., 06/21/6312/0864-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июндаги «Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5163-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.06.2021 й., 07/21/5163/0600-сон.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Ю.С. Пулатов, И. Исмаилов, А.А. Қурбанов Ички ишлар органлари фаолияти. Дарслик. – Т., 2018. – 407 б.

2. Х.Т. Odilqoriyev, I. Ismailov, N.T. Ismoilov Ma'muriy huquq: Darslik// X.T. Odilqoriyev va B.E. Qosimovning umumiy tahriri ostida. – Т., 2010.

3. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R.Kabulov, A.A.Otajonov va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 452 б.

4. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2016. – 323 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябрда бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Умумий қисм / М.Рустамбоев. – Т.: 2016. – 608 б.

6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябрда бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Махсус қисм / М.Рустамбоев. – Т.: 2016. – 960 б.

7. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi. Umumiy qism: Chizmalar albomi /A.S.Yakubov, R.Kabulov, B.B.Matlyubov, D.Y.Payziyev, T.R.Kuchkarov. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2014. – 154 б.

8. Jinoyat huquqining umumiy qismidan amaliy masalalar. O'quv

qo‘llanma. – T.: O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2015. – 46 b.

9. Тахиров Ф. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат ҳамда жиноят қонунини такомиллаштириш истиқболлари. //Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари (Илмий амалий конференция материаллари тўплами). – Т.: ТДЮИ, 2010. – 61-68 б.

10. Холикулов У., Салаев Н. Жиноят ҳуқуқи принциплари: таҳлил ва мулоҳаза. //Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари (Илмий амалий конференция материаллари тўплами). – Т.: ТДЮИ, 2010. – 131-140 б.

11. Якубов А.С., Кабулов Р. Современные тенденции в уголовной политике Узбекистана. //Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси. 2010. – №1. – С. 29-36.

12. Prof. Odilqoriev H.T., Qosimov B.E. Umumiy tahriri ostida. Ma'muriy huquq. Darslik: - T., IV Akademiya 2010. – 1- 29.

13. Алимов Х. Р., Махмудов А.А.,Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик: – Т., ИИВ Академия, 2003. – 5-11-б.

14. Хожиев Э.Т, Хакимов Ғ.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма – Т., 2011. – 404 б.

15. Сабуров.Н. Бошқарувни демократлаштириш ва уни амалга оширишда сиёсий ҳуқуқий фаолликнинг роли. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2010. – №1.

16. Касимов.Б.Э., Исмоилов.Н.Т. Маъмурий қонунчилик: бугунги ҳолати ва истиқболлари. // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборотномаси. – 2010. – №1.

17. Халқаро ҳуқуқ: Маърузалар курси / Саидов А.Х., Исхакова Л.Ф., Матчанов А.А. ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 279 б.

18. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун дарслик. – Т., 2012. – 304 б.

#### **Электрон таълим ресурслари:**

**<http://mvd.uz>** (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);

**<http://ipkmvd.uz>** (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);

**<http://akadmvd.uz>** (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);

**<http://lex.uz>** (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);

**<http://www.tsil.uz>** (Тошкент давлат юридик университети);

**<http://www.connect.uz>** (Ўзбекистон умумтаълим портали);

**<http://uzsci.net>** (Илмий таълим тармоғи);

**<http://www.ziyonet.uz>** (Ахборот таълим тармоғи).

**АБДИБОСИТОВ АБДУҚОДИР АБДУРАХМОН ЎҒЛИ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ БОШҚА ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИГА  
ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН  
ХОДИМЛАРНИ БОШЛАНҒИЧ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ УЧУН  
ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Муҳаррир Н.З. Тасимов

Босишга руҳсат этилди. Нашриёт ҳисоб табоғи 13,7.  
Буюртма № \_\_\_\_\_. Адади 50 нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,  
100213. Тошкент шаҳар. Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй.